



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ

4.1
МОДУЛ

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ
ЎНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ИНСТИТУТИ**

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИ ЎҚИТИШДА
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА
ИННОВАЦИЯЛАР
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Малака тоифа йўналиши:

**бошланғич таълим фани
ўқитувчилари**

Тингловчилар контингенти:

**умумий ўрта таълим мактабларининг
бошланғич таълим фани
ўқитувчилари**

Тошкент-2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил _____ даги _____-сонли буйруғи билан тасдиқланган бошланғич таълим ўқитувчиларининг малакасини ошириш тоифа йўналиши ўқув режаси ва дастури асосида тайёрланди.

Тузувчилар: М.Э.Жумаев - Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси профессори

М.Ю.Юлдашева - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим” кафедраси катта ўқитувчиси.

Б.У.Мингбаева - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим” кафедраси катта ўқитувчиси.

М.Г.Маматова - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим” кафедраси катта ўқитувчиси.

М.Ф.Левкина - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Р.Ҳ.Джураев Қори Ниёзий номидаги Ўз ПФИ лойиҳа раҳбари академик п.ф.д.

Н.Х.Вохидова - Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси профессори, п.ф.н.

Ўқув-услубий мажмуа А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2018 йил _____ даги _____- сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари	15
III. Назарий машғулот материаллари.....	28
IV. Амалий машғулот материаллари	116
V. Кўчма машғулот материаллари.....	149
VI. Кейслар банки.....	155
VII. Мустақил таълим мавзулари	162
VIII. Глоссарий	164
IX. Адабиётлар рўйхати	181

The text is framed by two large, dark blue, L-shaped brackets. The left bracket is on the left side, and the right bracket is on the right side, both pointing towards the center text.

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли Қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида бошланғич таълим ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини оширишни назарда тутди.

Ишчи ўқув дастур мазмуни таълим-тарбия жараёнларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникатсия технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, бошланғич таълим фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий усулларини ўз ичига олади ва улар бўйича тегишли янги билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган.

Ишчи ўқув дастур доирасида берилаётган мавзулар халқ таълими тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари ва ўқув режаси асосида шакллантирилган бўлиб, бошланғич таълим ўқитувчиларини фанга оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, ахборот-коммуникатсия технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳорати ва ўқув-услубий фаолиятини сифатли ташкил этиш компетенциялари ривожлантирилади.

“Бошланғич таълимни ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” фаннинг ишчи ўқув дастури бошланғич таълим ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у бошланғич синф ўқитувчиларига таълимда замонавий ёндашувлар ва инновацияларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларининг таълим-тарбия жараёнида замонавий ёндашувлар ва инновацияларни қўллаш компетенцияларини ривожлантириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларда бошланғич таълим фанларини ўқитишда замонавий ёндашувларни татбиқ қилиш, инновациялардан фойдаланиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш;
- бошланғич синф дарсларида замонавий таълим воситалардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;
- бошланғич таълим фанлари назарияси ва уни ўқитиш методикаси ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўлланиши бўйича тадқиқотлар билан таништириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- таълим соҳасидаги инновация фаолият асосларини;
- бошланғич таълим фанларини ўқитишда қўлланиладиган замонавий ёндашувлар ва Инновацияларни;
- бошланғич таълим фанларини ўқитишга қўйиладиган ҳозирги замон талабларини **билиши**;
- бошланғич таълим фанларининг мазмуни, воситалари, методлари ва шакллариининг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш;
- бошланғич синф дарсларида таълим ресурсларидан фойдаланиш;
- ўқитиш мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва ўқувчиларга етказиш **кўникмаларига**;
- бошланғич синф дарсларида замонавий инновацияларни қўллаш;
- бошланғич синф дарсларига қўйиладиган замонавий талаблар асосида дарсларни ташкил этиш **малакаларига**;
- замонавий ёндашувлар ва инновациялардан касбий фаолиятда фойдаланиш;
- бошланғич таълим фанлари назарияси ва уни ўқитиш методикаси ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўллаш бўйича **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Бошланғич таълим фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машғулотларда бошланғич таълим фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар ва инновациялар ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда бошланғич таълим фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацияларнинг қўлланилиши, замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш усуллари, бошланғич синф дарсларига қўйилган замонавий талаблар ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан

ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларидадан фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ва “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” блоклари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ва “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” блоклари ўқув фанларидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини бошланғич таълим фанларига татбиқ этиш имкониятлари очиқ берилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларни бошланғич таълим фанларини ўқитишда замонавий ёндашувларваинновацияларни ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юклармаси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	қўчма машғулот	
1	Бошланғич таълим самарадорлигини оширишга замонавий ёндашувлар	4	4	2	2		
2	Бошланғич таълимда таълим технологиясининг назарий асослари	2	2	2			
3	Бошланғич синф ўқувчиларини интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда инновация ёндашув	2	2	2			
4	Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари	2	2	2			
5	Она тили дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш.	4	4		2	2	
6	Математика дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш.	4	4		4		
7	Ўқиш дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш.	6	4		2	2	2
Жами		24	22	8	10	4	2

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маву: Бошланғич таълим самарадорлигини оширишга замонавий ёндашувлар (2 соат маъруза, 2 соат амалий)

Бошланғич таълим жараёнида замонавий ёндашувлар, уларнинг мақсад ва вазифаси. Ўқитишнинг интерфаол методлари. Педагогик технология

фанига асос солган олимлар. Таълим жараёнида қўлланиладиган ноанъанавий таълим усуллари. Уларнинг фаолият, ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, таълим-тарбия жараёни, хусусий фанларни ўқитиш технологиялари, турли фанлар билан боғлиқлиги ва илмий-тадқиқотлар соҳасига хос кўринишлари.

2-мавзу: Бошланғич таълимда таълим технологиясининг назарий асослари. (2 соат маъруза).

Бошланғич таълимда ўқитиш технологияларининг таълим-тарбия жараёнида ташкил этишга доир замонавий ёндашувларнинг ўзига хос жиҳатлари, таълим технологиясининг назарий асосларини ёритиб бериш, Қадриятлар тизими ва мафкуравий иммунитетни сингдириш. Ҳамкорликда ўқитиш таълим технологияси.

3-мавзу: Бошланғич синф ўқувчиларини интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда инноватсион ёндашув. (2 соат маъруза)

Бошланғич синф ўқувчиларини интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда инноватсион ёндашувлар. Интеллектуал салоҳиятли баркамол шахсни тарбиялашда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш. Интерфаол таълим воситасида мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш.

4-мавзу: Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари. (2 соат маъруза).

Шахсга йўналтирилган таълим моҳияти ва тамойиллари. Муаммоли таълим ёндашувлари. Таълим сифатини оширишда шахсга йўналтирилган таълимнинг роли. Ўқувчиларнинг бугунги фикрлаши, дунёга янгича назар билан қараши уларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам техникавий билимларга бўлган эҳтиёжини ўстириш. Ҳар бир ўқувчида бошқарувчилик кўникмаларини эгаллаш имкониятини пайдо қилиш.

5-мавзу: Она тили дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш. (2 соат амалий машғулот).

Она тили дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш, ўқитиш жараёнига фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш. Оғзаки нутқини ривожлантириш ҳамда мантиқий кетма-кетлигини асослаш. Дастлаб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартларини таҳлил этиш.

6-мавзу: Математика дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш (2 соат амалий машғулот).

Математика дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш. Математика фани бўйича юзага келган ўзлаштирмовчилик ҳолатини бартараф этиш, мустақил фаолият асосида ўқувчиларда билим, кўникмаларни шакллантириш. Ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, натижавийликни таъминлашга қаратилган энг самарали ёндашувларни ишлаб чиқиш.

7-мавзу: Ўқиш дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш (2 соат амалий машғулот).

Ўқиш дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш, дарс жараёнини тўғри лойиҳалаш. Интерфаол методларнинг дарснинг вазифалари ва мазмунига мослиги, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши, ўқувчиларга мустақил билиш, танқидий фикрлашга ўргатувчи ижодий топшириқлар.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Она тили дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш. (2 соат кўчма машғулот).

Она тили дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш. Интерфаол методларни дарс жараёнида қўллаш бўйича тажриба алмашиш.

2-мавзу: Ўқиш дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш. (2 соат кўчма машғулот)

Ўқиш дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш, дарс жараёнини лойиҳалашда ўқитиш методларини ташкил этилишини кузатиш. Методларни дарснинг вазифалари ва мазмунига мослигини кузатиш ва таҳлил қилиш.

Кўчма машғулот “Бошланғич таълимни ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инноватсиялар” модули доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текшириш институтлари ва бошқа муассасаларда ташкил этилади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “Бошланғич таълим фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар ва инноватсион технологиялар” мавзусида мустақил иш бажарилади. У асосида малака ишининг кириш қисми тайёрланади.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	“Бошланғич таълимни ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инноватсион” мавзусида мустақил иш (малака иши мавзуси мисолида)	3	3 балл

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустақкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 29 августдаги “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий Ўрта таълим ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 187-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий Ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 140-сонли қарори.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
5. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: “Шарқ”, 1997.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.:«Маънавият», 2008.
7. Ш.Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент –“Ўзбекистон” -2016.56 Б.
8. Ш.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент –“Ўзбекистон” -2016.488 Б.
9. Ш.Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатлари таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент –“Ўзбекистон” -2016.488 Б.
10. Ш.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Тошкент –“Ўзбекистон” -2017.104 Б.
11. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. 2012 й. Тошкент, “Илм-Зиё” нашриёти. 12 б.т.
12. Р.П. Патҳак. Метҳодологй оф Эдусатионал Ресearч. УСА-2008 Атлантис
13. Проф. Др. Томас Деивингер, Дипл. Ндл. Силке Неллвиг Струстурес анд фунстионс оф Компетенсй-басед Едусатион анд Траининг (СБЕТ): а

сoмпaрaтивe пeрспeктивe. (Университи оф Констанз) ISBN 3-937235-49-3
сeкoнд ин Дeсeмбeр 2011 п 52.

14. Навигатинг the new педагогй: сих принциплес that трансформ теашинг/Жефф Налстеад, Унитед Кингдом, 2011 – 74-75 п.

15. Мичаел Сван, Сатхерине Валтер. Тхе Гоод Граммар Бoок.Оxford, 2001.

16. Сзалласи З, Перивал В &Стеллинг Ж (едс). Систем МоделингинСеллулар Биологй: Фром Сонсептс то Нутс анд Болтс. МИТПресс, 2006.

17. Толипов Ё., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006.– 163 б.

18. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014. 6,5 б.т.

19. Норенков И.П., Зимин А.М. Информатционные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана, 2002.-336с.

20. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инноватцион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

21. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.

22. Педагогика назарияси ва тарихи // Тўхтаўжаева М.Х. таҳрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008.– 208 б.

23. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.

24. ПИСА 2012 Ассесмент анд Аналитисал Фрамeворк (математисс, реадинг, ссиенсе, проблем солвинг анд финансиал литерасй).

25. Тимсс 2015 Ассесмент Фрамeворкс. Интернационал Ассосиатион фор the Евалуатион оф Едусатионал Аchiевемент (ИЕА).

26. Сзалласи З, Перивал В &Стеллинг Ж (едс). Систем МоделингинСеллулар Биологй: Фром Сонсептс то Нутс анд Болтс. МИТПресс, 2006.

27. Диане Ларсен-Фрееман. Тechniques анд Принциплес ин Лаhгуагe Теашинг. Oxford университет прeсс. Great Бритиан. 2013.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: www.yuzedu.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази: www.eduportal.uz, www.мультимедиа.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.бимм.уз

5. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: www.гиу.уз.
6. Ижтимоий ахборот таълим портали: www.зиёнет.уз.
7. www.счоол.еду.ру - Умумтаълимпортали (рустилида),
8. www.алледу.ру - “Интернетдантаълим” портали (рустилида),
9. www.ростест.руннет.ру - Тест олиш маркази сервери (рустилида),
10. www.аллбест.ру - Интернет ресурслари электрон кутубхонаси (рус тилида),
11. www.матһйпе.народ.ру/ - Онлайн-дарсликлар (рустилида),
12. www.гов.уз-Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали.
13. www.истедод.уз – “Истеъдод” жамғармаси сайти.
14. www.едунет.уз – мактаблар, ўқувчи ва ўқитувчилар сайти.

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

ФСМУ технологияси

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки семинар якунида ўқувчи (ёки ўқувчи)ларнинг машғулотлари ҳамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида) ёки режаси асосида бирор-бир бўлим ўрганилгач қўлланилиши мумкин. Чунки бу технология ўқувчи (ёки ўқувчи)ларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчилар томонидан машғулот жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга ва эгаллаганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Технологиянинг мақсади. Ушбу технология ўқувчи (ёки ўқувчи)ларни тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради...

Машғулотни ўтказиш тартиби: Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи (ёки ўқувчи)га **ФСМУ** технологиясининг тўрт босқичи ёзилган қоғоз варақларини тарқатади ва яқка тартибда уларни тўлдиришини илтимос қилади. Бу ерда:

- Ф - фикрингизни баён этинг;
- С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;
- М - кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг;
- У - фикрингизни умумлаштиринг.

• ўқувчи ёки ўқувчилар билан баҳс мавзуси (ёки муаммо)ни белгилаб олади;

- яқка тартибдаги иш тугагач, ўқувчи (ёки ўқувчи)лар кичик гуруҳларга ажратилади ва ўқитувчи кичик гуруҳларга **ФСМУ** технологиясининг тўрт босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;
 - кичик гуруҳларга ҳар бирлари қоғозларда ёзган фикр ва далилларини катта форматда умумлаштирган ҳолда тўрт босқич бўйича ёзишларини таклиф этилади;
 - ўқитувчи кичик гуруҳлардан ёзган фикрларини жамоа ўртасида ҳимоя қилишларини сўрайди;
- машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан якунланади.

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна!

Фикр: “Ўқитувчини инноватцион фаолиятга таёйрлаш.”

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

«Зинама - зина» технологияси

Технологиянинг тавсифи. Ушбу машғулот ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича яқка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Бу технология ўқувчи (ёки ўқувчи)лар билан яқка ҳолда ёки гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади.

Технологиянинг мақсади. ўқувчиларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: маъруза (имконият ва шароит бўлса), семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказиш ҳамда назорат дарсларида қўлланилиши мумкин.

Машғулотда қўлланиладиган воситалар: А-3, А-4 форматли қоғозларда тайёрланган (мавзуни ажратилган кичик мавзулар сонига мос) чап томонига кичик мавзулар ёзилган тарқатма материаллар, фломастер (ёки рангли қалам)лар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи ўқувчиларни мавзулар сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани маъқул);

- ўқувчилар машғулотнинг мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништирилади. Ҳар бир гуруҳга қоғознинг чап қисмида кичик мавзу ёзуви бўлган варақлар тарқатилади;

- ўқитувчи аъзоларини тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан танишишларини ва шу мавзу асосида билганларини фломастер ёрдамида қоғоздаги бўш жойига жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди;

- гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган кичик мавзунинг ёзма (ёки расм, ёки ўқув чизма) кўринишида ифода этадилар. Бунда аъзолари кичик мавзу бўйича имкон борича тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади.

- тарқатма материаллар тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бир киши тақдимот қилади. Тақдимот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган материал, албатта, аудитория (синф) доскасига мантқан тагма-таг (зина шаклида) илинади;

- ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машғулотни якунлайди.

***Изоҳ:** машғулотнинг бундай тартибида тайёрланган ўқувчи (ёки ўқувчи) ларни мустақил фикрлашга, ўтилган ва ўзлаштирилган мавзуларни эслашга, уларни ёзма (ёки расм, чизма кўринишида) баён этишга, фикрларни умумлаштиришга ўргатади.*

«Муаммо» технологияси

Технологиянинг мақсади: ўқувчи (ёки ўқувчи)ларга предметнинг мавзусидан келиб чиққан турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишни ўргатиш, уларда муаммонинг моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларни шакллантириш, муаммони ечишнинг баъзи усуллари билан таништириш ва муаммони ечишда мос таълим технологияларни тўғри танлашга ўргатиш, муаммонинг келиб чиқиш сабабларини ва муаммони ечишдаги ҳатти-ҳаракатларни тўғри аниқлашга ўргатиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Ўқувчи ёки ўқувчиларни гуруҳларга ажратиб, уларни мос ўринларига жойлаштиригандан сўнг, машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва талабларини тушунтиради, яъни у машғулотнинг босқичли бўлишини ва ҳар бир босқич ўқувчи (ёки ўқувчи)лардан максимум диққат-эътибор талаб қилишини, машғулот давомида улар яқка ва жамоа бўлиб ишлашларини айтади. Бундай кайфият ўқувчи (ёки ўқувчи)ларнинг берилган топшириқларни бажаришга тайёр бўлишларига ёрдам беради ва бажаришга қизиқиш уйғотади. Машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва талаблари тушунтирилгач, машғулот бошланади:

- ўқувчи (ёки ўқувчи)лар томонидан машғулот учун тайёрланган кино лавҳа диққат билан томоша қилиб, унда ёритилган муаммони аниқлашга ҳаракат қилиш, хотирада сақлаб қолиш ёки дафтарларига белгилаб қўйиш (агар кинофильм кўрсатишнинг имконияти бўлмаса у ҳолда

ўқитувчи предметининг мавзуси бўйича плакат, расм, афиша ёки бирор муаммо баён қилинган матн, китобдаги материалдан фойдаланиши мумкин);

- ҳар бир аъзо ушбу лавҳадан (расмдан, матндан, ҳаётий воқеадан) биргаликда аниқланган муаммоларни ватман ёки А-3 форматдаги қоғозга фломастер билан ёзиб чиқади;

- берилган аниқ вақт тугагач, тайёрланган иш гуруҳ вакили томонидан ўқиб эшиттирилади;

- ўқитувчилар томонидан танланган ва муаммолар ёзилган қоғозларни алмаштирган ҳолда гуруҳларга тарқатилади;

- тарқатилган қоғозларда гуруҳлар томонидан ёзилган муаммолардан ҳар бир аъзоси ўзини қизиқтирган муаммодан бирини танлаб олади;

- ўқитувчи томонидан тарқатилган қуйидаги чизмага ҳар бир аъзоси танлаб олган муаммосини ёзиб, мустақил равишда таҳлил этади.

Намуна:

Муаммонинг тури	Муаммонинг келиб чиқиши сабаблари	Муаммони ечиш йуллари ва Сизнинг ҳаракатларингиз
Тоза ичимлик сувининг камлиги	Сувни тоза сақлашга эътиборнинг камлиги	Табиат ва сувни сақлашга оид тадбирлар ўтказиш

- яқка тартибдаги фаолият тугагандан сўнг ҳар бир ўқувчи (ёки ўқувчи) бажарган таҳлилий ишини барчага ўқиб эшиттиради;

- муаммолар ва уларнинг ечими бўйича жамоавий фикр алмашилади;

- химоядан сўнг ўқитувчи машғулотга яқун ясайди. Кичик гуруҳларга қизиқарли ишлари учун миннатдорчилик билдиради.


Бундай технология билан ўтказилган машғулот натижасида ҳар бир ўқувчи (ёки ўқувчи) қайсидир муаммони ечишдан аввал унинг сабаби аниқланиши кераклигини, кейин эса ўзига зарур бўлган таълим технологияси ва усулларни танлаши ҳамда унинг ҳаракатларини аниқ белгилаб олиши кераклигини билиб олади.

“Нима учун” схемаси

Нима учун схемаси мавжуд муаммони келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга ёрдам берувчи схемадир. Сабаб-оқибат қонунига асосан муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламай туриб муаммони ҳал этиш қийин. Муаммонинг ечимини топиш учун уни келтириб чиқарган сабабаларни аниқлаш ва йўқотиш талаб этилади. Ўқувчиларда сабаб-оқибат қонунияти асосида фикр юритишни тарбиялаш муҳим. Ушбу схема ўқувчиларда айнан ана шу хусусиятни ривожлантиради. Ўқувчиларда

тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Намуна:



Синквейн – усули

- Синквейн – французча сўз бўлиб, “беш” деган маънони беради. Бу усул қаторлар усули бўлиб беш қатордан иборат. Ҳар бир қаторга ёзилган сўзлар битта гап ҳисобланиб, у кенг маънони ўзига қамараб олади.
- 1-қатор. Мавзу битта сўз билан ифодланади.
- 2-қатор. Иккинчи сўз қўшилиб, мавзу мазмуни кенгайтирилади.
- 3-қатор. Учинчи сўз киритилиб, воқелик очиб берилади.
- 4-қатор. Тўртинчи сўз киритилиб, воқеликка шахсининг муносабати билдирилади.
- 5-қатор. Битта сўз билан умумлаштирилади.

Намуна:

1-қатор. Мақол.

2-қатор. Халқ мақоллари.

3-қатор. Халқ тафаккурининг қаймоғидир.

4-қатор. Инсон нутқининг жилоси.

5-қатор. Ибрат.

“Ассесмент” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги

маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна: “От сўз туркуми” мавзусида ассесмент намунаси.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

<p style="text-align: center;">Тест</p> <p>Отларда неча келишк бор?</p> <p>A) 2 B) 3 B) 4 Г) 6</p>	<p style="text-align: center;">Вазифа</p> <p>Маълум бир феъ бўйича даре бинида ҳар бир ўқувчи 20 дақиқа мобайнида ўқитувчи раҳбарлигида ўқув материалларини ўқийдилар.</p> <p>Даре оқирғичга эса, фарқи ўқувчилар галми галдан жуфтларини алмашиб ишлайдилар, яъни улар роллар билан алмашмадилар, ўқитувчи сифатида ва ўқитувчи сифатида.</p> <p>Савол ва топшириқлар:</p> <p>1. От сўз туркумига қос сўзлар қайси келишкларини олданда белгилана қўлланади?</p> <p>2. Жой номларига мисоллар келтиринг?</p>
<p style="text-align: center;">Белгилари (симптом)</p> <p>Нарса ва шахснинг номини билдирган сўзлар бу.....</p>	<p style="text-align: center;">Амалий қўнма</p> <p>Атоқли отлар иштирокида гаплар тузинг...</p>

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Педагогнинг касбий кўникмалари гуруҳлари бўйича



«Кичик гуруҳларда ишлаш»

Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча ўқувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- кучсиз ўқувчилар бўлганлиги сабабли кучли ўқувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча ўқувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин.
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методини қўллаш босқичлари:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Ўқувчилар гуруҳларга 3-5 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва ўқитувчи томонидан йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«3 x 4» технологияси

Технологиянинг тавсифи. Ушбу машғулот ўқувчи (ёки ўқувчи) ларни аниқ бир муаммони (ёки бирор мавзун) яқка холда (ёки кичик жамоа бўлиб) фикрлаб ҳал этиш, ечимини топиш, кўп фикрлардан керагини танлаш, танлаб олинган фикрларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо

(ёки мавзу) юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек, ўз фикрларини маъқуллай олишга ўргатади. Бу технология ўқувчи (ёки ўқувчи) лар билан аввал якка ҳолда, сўнгра уларни кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади.

Технологиянинг мақсади: ўқувчи (ёки ўқувчи) ларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга; жамоа бўлиб ишлашга, изланишга; фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга; жамоага ўз фикрини ўтказишга уни маъқуллашга; қўйилган муаммони ечишда ва мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: семинар, амалий ва лаборатория машғулотида якка тартибда (ёки кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда) ўтказиш ҳамда, аъзоларини бир неча маротаба жойларини ўзгартириб, берилган вазифаларни бажаришга мўлжалланган.

Машғулотида фойдаланиладиган **воситалар:** А-3, А-4 форматдаги қоғоз варақлари (сонига қараб), фломастер (ёки рангли қалам).

Машғулоти ўтказиш тартиби:

- Ўқувчи ёки ўқувчиларнинг умумий сонига қараб, 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (кичик гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани мақсадга мувофиқ);

- ўқувчи ёки ўқувчи машғулотининг мақсад ва ўтказилиш тартиби билан таништиради ва ҳар бир кичик гуруҳга қоғознинг юқори қисмида ёзуви бўлган варақларни тарқатади;

- Ўқитувчи кичик гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган асосий фикрни фақат учта фикр, яъни учта сўз ёки сўзлар бирикмаси, ёки учта гап билан давом эттиришлари мумкинлигини уқтиради ва буни амалга ошириш учун аниқ вақт белгилайди;

- Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган фикрни ёзиб давом эттирадилар;

- вазифа бажарилгач, гуруҳ аъзолари ўринларидан туриб соат мили йўналиши бўйича жойларини ўзгартирадилар, яъни 1- 2-нинг 2 - 3-нинг, 3-эса 4 - нинг (бошка кичик гуруҳлар бўлса, шу тарика) ўрнига ўтадилар;

- янги жойга келган аъзолар шу ерда қолдирилган тарқатма материалдаги фикрлар билан танишиб, унга яна янги учтадан ўз фикрларини ёзиб қўядилар;

- гуруҳ аъзолари яна юқоридаги каби жойларини ўзгартирадилар, шу тарика кичик гуруҳлар ўз жойларига қайтиб келгунларига қадар жойларини алмаштириб, тарқатма материалларга ўз фикрларини қўшиб борадилар;

- ўз жойларига қайтиб келган кичик гуруҳлар тарқатма материалда тўпланган барча фикрларни диққат билан ўқиб, уларни умумлаштирган ҳолда битта яхлит таъриф ёки қоида ҳолатига келтирадилар;

- ҳар бир кичик гуруҳнинг муаллифлик таърифлари ёки қоидаларини аъзоларидан бири тақдимот қилади;

Ўқитувчи кичик гуруҳлар томонидан берилган таърифлар ёки қоидаларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди, сўнгра машғулоти яқунлайди.

Изоҳ: гуруҳлар тақдимотидан сўнг улар берган таъриф ёки қоидалар асосида кичик гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси яқка тартибда ўзининг муаллифлик таърифи ва қоидасини келтириб чиқариб тақдимот қилиши ҳам мумкин.

Кичик гуруҳлар сони 4 та бўлгани мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолда кичик гуруҳлар ўз жойларини фақат 3 марта алмаштирадilar ва бу билан дарс жараёни зерикарли ўтишининг олди олинади. Агар кичик гуруҳлар сони 4 тадан кўп бўлса, у ҳолда уларни икки пототка бўлиб, кичик аъзоларининг алмашинувини ҳар бир потот ўртасида алоҳида, тақдимот эса биргаликда ўтказиш мумкин.

“CWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

С – (стренгтх) – кучли томонлари

W – (weakness) – заиф, кучсиз томонлари

О – (оппортуниту) – имкониятлари

Т – (тнреат) – тўсиқлар

Намуна: Ўқитишда мультимедия воситаларидан фойдаланишнинг кучли ва кучсиз томонлари, ички имкониятлари ҳамда ўқитишда мультимедия воситаларидан фойдаланишга тўсиқлик қилувчи ташқи хавфларни ушбу жадвалга туширинг.

С	Ўқитишда мультимедия воситаларидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Ахборотларни самарали ўзлаштириш
W	Ўқитишда мультимедия воситаларидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Ахборотларни қабул қилишни фақат бир томонлама бўлиши, синфда педагогик мулоқотнинг сустлашуви
О	Ўқитишда мультимедия воситаларидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Аудиторияни жалб этиш, вақтдан ютиш, самарали ўзлаштириш, тезкор қабул қилиш, ижодий тасаввурни шакллантириш
Т	Тўсиқлар (ташқи)	Техника ва шахс омилининг қарама-қаршилиги.

“Инсерт” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш

мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Таълимдаги инновацион” мавзусидаги кириш маърузаси учун.

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Таълим мазмуни		Билим, кўникма, малакалар тизими, йиғиндиси
Таълим сифати		Таълим мазмунининг шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларига муттаносиблиги
Квалиметрия		Сифат ўлчови
Деонтология		Касбий этика
Андрагогика		Катталар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи соҳа
Компетентлик		Фаолият талабларига яроқлилиқ, лаёқатлилиқ
Модератор		Янгилик яратувчи, ташаббускор шахс

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Фаол ўрганиш жараёнида таълим оловчиларнинг руҳий ва жисмоний фаоллигини оширувчи махсус машқлар (энержайзерлар) ва улардан фойдаланиш

«Шамол эсмоқда» машқи.

Барча иштирокчилар айлана шаклида ўтиришади. Бир ўқувчи айлана марказида туради ва бошловчи вазифасини бажаради. Бошловчи «шамол эсмоқда, эсмоқда ... томонга эсмоқда» дейди. Бунда бошловчи бошқа иштирокчиларга ёки бутун гуруҳга хос бўлган ўзига хос белгилардан бирини (масалан: унинг кўзининг ранги, шакли, кийимининг белгиси, руҳий хусусиятлари ва ҳокозо) айтади. Бу белги кимга хос бўлса, у жойидан туради. Бир неча иштирокчи жойидан тургач, улар айлана бўйича юра бошлашади. Бу пайт бошловчи «шамол тинди!» дейиши билан ҳамма, жумладан, бошловчи ҳам аввал ўтирган жойларини эгаллашга шошиладилар. Жой етмай қолган иштирокчи бошловчи бўлади. Бунда бошловчидан бошқа ҳеч ким бегона ўринларга ўтирмаслиги уқтирилади Қисқа вақт ичида ўтказиладиган бундай тетиклаштирувчи машқ орқали аввал ўрганилган лексик материал хотирланиши мумкин.

«Бунга-Юнга» машқи.

Ўйин иштирокчилари доира шаклида тик туришади. Бошловчи бошқа иштирокчилар қаторида туриб маълум бир товушни иложи борича чўзиб талаффуз қилади. Кейинги иштирокчилар бу товушни навбати билан чўзиб талаффуз қилишади ва шу тарзда ўйин бошловчига қадар давом этади. Сўнгра барча иштирокчилар баланд сакраб «Бунга-Юнга» дея қичқирадилар. Машқ 3 марта такрорланади. Бу машқ айрим товушлар талаффузини такомиллаштириш ва қон айланишини яхшилашни йўлга қўяди ва иштирокчиларнинг умумий кайфиятини кўтаради.

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

1-Маъруза: Бошланғич таълим самарадорлигини оширишда замонавий ёндашувлар

Режа:

1.1. Таълимда замонавий ёндошувлар.

1.2. Бошланғич таълим ўқитувчиси замонавий фан ва техника даражаларини ифодалай олиши.

1.3. Хорижий давлатларда бошланғич таълим тизими.

Таянч тушунчалар: интерфал, узвийлик, мултимедиа, пед технология, замонавий ёндашув, билим, кўникма, малака, педагогика, дунёвий ва диний, рақобатбардош, касб-ҳунар, лойиха, актёр, режиссёр, такомиллаштириш, класификатсия, маҳорат.

1.1. Таълимга замонавий ёндошувлар

Замонавий таълимнинг энг муҳим унсурлари қадимдан шаклланиб келган. Таълим мақсади, мазмуни, шакл, услуб ва воситалари таълим жараёнлари мазмунини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган анъанавий категориялар бўлиб ҳисобланади. Айнан шу категориялар маълум предмет, мутахассислик ёки ихтисослик бўйича ўқув-тарбиявий жараённи ташкил қилувчи педагог фаолиятининг предмети сифатида юзага чиқади.

Қайд этилган педагогик категорияларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтирилган педагогик фаолиятнинг қонуният ва мезонларини тизимлаштирувчи омил вазифасини бажаради. Замонавий ўқитувчи дарс жараёнида «актёр» эмас, аксинча «режиссёр» бўлиши кераклигини англаши лозим. Бунинг учун эса у бир неча янгича таълим усуллари яхши билиши керак.

Шу ерда Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Мустақил ўйлай оладиган тафаккур юритиб тўғри маъқкул ва мақбул иш тута оладиган ватанпарвар шахсларни шакиллантириш ва тарбиялаш керак деб таъкидлайди ҳурматли юртбошимиз ўз нутқларида.¹

Дарҳақиқат ёшларни замонавий фан-техниканинг, умуман, илм-фаннинг ютуқларидан баҳраманд қилмасдан туриб, уларга юқори малакали ихтисос эгалари бўлиб етишишига замин яратаолмаймиз.

Республикада фаолият кўрсатаётган умумий ўрта таълим мактабларининг деярли барчаси янгитдан қурилган ва капитал таъмирланган қарийб 9,5 мингта мактаб замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Республика умумий ўрта таълим мактабларида 1074 та Ахборот-ресурс марказлари ташкил қилиниб, зарур техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Мактаблар Ахборот-ресурс марказларининг китоб фонди 7.960.840 нусхани ташкил этади. Бунга қўшимча равишда Ахборот-ресурс марказларида 95.645 дона электрон нашрлар мавжуд.

Республика умумий ўрта таълим мактабларида таълим 7 тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилади.

¹ Халқ сўзи газетаси-Т.: 14.01.2017 й.

Педагогика – бу лотинча сўздан олинган бўлиб, “пайне” бола, “агогейн” – етакламоқ деган маънони билдиради. топган. **Пед технология бу**-Олдиндан лойҳаланган маълум бир педагогик тизимни амалиётга жорий қилиш. Педагогик тизим бу шахсга мақсадли педагогик таъсир кўрсатиш учун зарур бўлган методлар, воситалар ва жараёнлар йиғиндиси. Мақсадимиз ўқувчиларни олдиндан билимини мукаммалаштириб уни самарали ва сифатли билимга эга бўлишга таъсир бериш.

Ҳозирга кунда жаҳон педагогикасида «педагогик технология» тушунчасига 12 хил тариф берилганлиги маълум. . **Педагогик технология.**
Бу борада мутахассис олимларимиз қандай фикрдалар?

1. Пед.технология бу...таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир. **(ЮНЕСКО)**

2. Пед.технология бу педагогнинг амалиётга жорий этиши мумкин бўлган педагогик тизим лойиҳасидир. **(В.Беспалко)**

Иккинчи таърифда нимага эътибор бериляпти? (амалиётга)

Дарҳақиқат, амалиётга эътибор бериш керак, куруқ гап билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Билим бериш бутун бир система. Худди бизнинг танамиз бир система бўлганидек.Мобода чарчаб қолсам, ўтириб дам оламан ва танам бир бирини тўлдиради.

Энди тасаввур қилинг, шу системада битта тишим оғриб қолди.Нима бўлади? (Бутун системани ишдан чиқаради). Худди шундай, педагогикада бирор бирор бир хатоликка йўл қўйсам, охирида албатта натижа биз кутгандек бўлмайди.

3. Технология-бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган усуллар, йўллар йиғиндиси. **(Изоҳли лугат)**

(Бу таърифни изоҳлаш учун арафа куни ош тарқатиш удуми эслатилади.) Худди ошлар ҳар хил бўлганидек, технологиялар ҳам ҳар хил. То мақсадга етгунга қадар усулларим йиғиндиси менинг технологиямдир. Мен технологиямда бирор бир камчиликка йўл қўйсам, охирида мен кутган натижага эриша олмайман. Бунинг учун мен қўл остимдаги болаларга э'тибор беришим керак. Унинг учун инсон тоифасини билишим керак.

«... аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб боровчи ва бажа-рилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир» - **В. Монахов**

«... ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жа-раёнидир» - **Н. Сайидахмедов ва М. Очилов**

«... таълим жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимо-ий-муҳандислик онги ифодасидир; у педагогик жараённи техника им-кониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга

солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ходисадир» - **Б. Фарберман.**

Масалан: «Таълим технологияси илмий ва бошқа билимларнинг амалий масалаларни ҳал этишда тизимли равишда қўллашдан иборат». (Голбрайт).

«Педагогик технология таълимини тизимлаштириш ёки синфда ўқитишни тизимлаштириш ғояларини педагогикага тадбиқ этишдан иборат». (Т.Сакомото).

«Педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган барча шахс, амалий ва услубий воситаларнинг тизимлашган мажмуи ва уларни фаолият кўрсатиш тартиби». (Кларин М.В.).

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан педагогик технология тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Педагогик технология -таълим шакллариини мақбуллаштириш учун инсон ва техник ресурсларни ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини эътиборга олган ҳолда, ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимий услубидир».

Юқоридаги таърифларда педагогик технологиянинг туб моҳияти ўқув жараёнига тизимли ёндашишдан иборат эканлиги яққол кўзга ташланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, педагогик технологиянинг энг қадимги манбаи бу - нуқсонсиз меҳнат концепцияси экан. Нуқсонсиз меҳнатни таъминловчи шартлардан бири меҳнат қилаётган субъектнинг психологик шахсий характеристикаларини ҳисобга олишдир. Бундай меҳнатнинг энг муҳим омиллари қуйидагилар:

- касбга қизиқиш;
- касбий тайёргарлик сифати;
- ўз меҳнاتини мунтазам назорат қилиб бориш.

Нуқсонсиз меҳнат ғоясини тўғридан-тўғри педагогик фаолиятга кўчириш мумкин эмас. Чунки, унда омиллар анча кўпроқ.

Педагогик технологиянинг методологик сифатлари қуйидагилардан иборат: технологик схема, илмий асос, тизимлилик, бошқарувчанлик, самарадорлик, такрорланувчанлик.

Технологик схема- технологик жараённинг шартли ифодаланиши. У алоҳида функционал элементларга бўлинади ва улар орасидаги мантикий алоқалар белгиланади.

Илмий асос- ҳар бир педагогик технология бирорта илмий таълимотга таяниши керак. Илмий таълимот бу - таълимий мақсадларга эришишининг илмий жиҳатдан асосланишидир.

Тизимлилик - педагогик технология тизимга хос бўлган барча белгиларга эга бўлиши керак:

- жараённинг мантииғи;
- унинг барча қисмларининг ўзаро боғлиқлиги;
- яхлитлиги;

Бошқарувчанлик дейилганда қуйидагилар назарда тутилади:

- мақсадларни қўйиш;
- режалаштириш;
- ўқитиш жараёнини лойихалаш;
- кадамба-кадам ташҳис қўйиш;
- натижага тузатиш киритиш мақсадида восита ва методларни ўзгартириш.

Самарадорлик - замонавий педагогик технологиялар аниқ шароитларда мавжуд бўлади ва маълум ўқитиш стандартларига эришишини кафолатлайди, натижа бўйича самарадор, харажатлар бўйича оптимал бўлади.

Такрорланувчанлик - педагогик технологияни бошқа субъектлар бошқа таълим муассасаларида қўллаши мумкинлиги (натижа эса бир хил бўлади).

Хақиқатан ҳам, агар ўқув жараёни тўла такрорланувчан, алоҳида кўринишларга бўлинса, ўқитувчининг вазифаси олдиндан тузилган (ўзи тузган бўлиши шарт эмас) материал билан ўқишни ташкил этишда ташкилотчи ва маслаҳатчи ролини ижро этишдан иборат бўлиб қолади.

Ян Амос Коменский таълим олишни тўрт босқичга ажратган.

Улар:

- 1) автопсия (мустақил кузатиш);
- 2) автопраксия (амалий жиҳатдан бажариш);
- 3) автохресия (олинган билим, ҳосил бўлган кўникма-малакаларни янги шароитда қўллаш);
- 4) автолексия (ўз фаолияти натижаларини мустақил баён қилиш).

Замонавий шароитда педагогик фанлар тизими қуйидаги фанлардан таркиб топмоқда:

1. Педагогика назарияси.
2. Педагогика тарихи.
3. Мактабгача таълим педагогикаси.
4. Бошланғич таълим педагогикаси.
5. Коррекцион (махсус) педагогика.
6. Хусусий методика (хусусий фанларни ўқитиш).
7. Педагогик маҳорат.
8. Педагогик технология.
9. Ижтимоий педагогика.
10. Касбий педагогика.
11. Таълим менежменти.
12. Қиёсий педагогика.
13. Креатив педагогика.
14. Нейропедагогика.
15. Ҳамкорлик педагогикаси.
16. Ҳарбий педагогика.
17. Педагогик инноватика.

Бошланғич таълим педагогикаси – бошланғич синф ўқувчиларининг ёш, психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ўрганади.

Замонавий бошланғич таълим ўқитувчи шахсида намоён бўлиши зарур бўлган сифатларни қуйидагича туркумлаштириш мумкин:

- 1) касбий сифатлар;
- 2) ташкилотчилик сифатлари;
- 3) мулоқотга киришувчанлик сифатлари;
- 4) ўқувчилар жамоасига раҳбарлик сифатлари;
- 5) бошқарувчилик сифатлари;
- 6) иш юрита олиш сифатлари;
- 7) ижодий фаолиятни ташкил эта олиш сифатлари;
- 8) воқеликни тўғри баҳолай олиш сифатлари;
- 9) тадқиқотчилик сифатлари.

Замонавий шароитда бошланғич таълим ўқитувчи (педагог) қуйидаги амалий малакаларни ўзлаштира олиши лозим:

- 1) билишга оид (гностик) малакалар;
- 2) лойиҳалаш малакалари;
- 3) ижодий-амалий (конструктив) малакалар;
- 4) тадқиқотчилик малакалари;
- 5) мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари;
- 6) ташкилотчилик малакалари;
- 7) изчилликни таъминловчи (процесссуал) малакалар;
- 8) техник-технологик малакалар.

Педагогик маданият – педагогнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян хулқ-атвор, одоб, муомала, хатти-ҳаракат қўникма, малакаларини ўзлаштириш даражаси; педагогнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш усул ва воситаларини ўзлаштирганлик, педагогик билимдонлик, такт, техника, маданиятни намоён қила олишнинг юқори даражаси. Педагогик одоб – педагог (ўқитувчи) олдида унинг ўзига, касбига, жамиятга, болаларга ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчиларига нисбатан муносабатда самимий, очиқ бўлишига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар тизими.

Замонавий ўқитувчи бошланғич таълим (педагог) қуйидаги ижодий-амалий (конструктив) малакаларни ўзлаштира олиши зарур:

- алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;
- ўқув материални турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;
- ўзига хос, оригинал ўқув материални тайёрлаш;
- мустақил равишда янги методни асослаш;
- ўқув машғулоти (дарс) ва тарбия тадбир учун кўрсатмали қуроллар тўпламини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасини яратиш;

- дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;
- ўқув материалининг тақдимот вариантыни тайёрлаш;
- турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун ўқувчиларнинг фаол иштирокида видео роликлар яратиш;
- дарс конспектини тайёрлаш;
- турли шакл ва методларга асосланган синов топшириқлари (савол, топшириқ, масала, мисол, машқ, тест), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндашиш.

Замонавий бошланғич таълим ўқитувчи (педагог)да қўйидаги мулоқотга киришувчанлик (коммуникатив малакалар) намоён бўлиши зарур:

- ўқувчилар, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарияти, ҳамкасблар билан мулоқотда турли шакл, методлардан фойдаланиш;
- педагогик амалиётнинг барча иштирокчилари билан амалий, ишчанлик ёки шахсий муносабат ўрнатиш;
- ўқувчиларга маълумотларни етказишнинг самарали йўл ва воситаларини топиш;
- топшириқлар юзасидан ўқувчининг жавоби ёки шахсий фикрларини тинглай билиш;
- педагогик жараёнларда юзага келадиган низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки ривожлантириш;
- жамоа ва турли босқичдаги ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;
- жамоада соғлом рақобатга асосланган муҳитни қарор топтириш;
- ўқувчиларнинг фаолиятларини рағбатлантириш;
- ўқувчи жавобидаги хато ёки хатти-ҳаракатидаги камчиликларга муносабат билдириш;
- ўқувчилар билан таълимий ҳамкорликка эришиш.

“Педагогик технология” атамаси ўқитувчиларимиз орасида икки хил маънода қўлланилмоқда:

1. Замонавий техника, электрон ҳисоблаш машинаси, компьютер, аудиал, визуал асбобларини таълим-тарбия жараёнига қўллаб самарадорликни ошириш;

2. Таълим-тарбия жараёни мақсади, воситаси, натижасини олдиндан ўрганиш, қайд этиш йўллари билан ўқитувчининг кафолатланган натижага эришишини таъминлаш.

Таълимнинг кафолатланганлик натижаси самарадорликни ва мақсадга эришишни белгилайди. Бундан кўринадики натижа мақсадга қанча яқин бўлса, ўқув-тарбия жараёни шунча самарадор ҳисобланади ва бу таълимнинг замонавий техник воситалари ва илғор технологияларни амалга оширишнинг муҳим жиҳатларидан бўлиб, иккинчи талқин, таълим-тарбия жараёни мақсади, воситаси, натижасини олдиндан ўрганиш, қайд этиш йўллари билан ўқитувчининг кафолатланган натижага эришишини таъминлаш.

Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Восита

муайян ўқитиш методи ёки усуллардан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материалidir.

Таълим воситалари асбоб-ускуналар, лаборатория жихозлари, ахборот ва техник воситалар (қурилмалар), кўрсатмалар, қуроллар, рамзий белгилар, дарслик, ўқув қўлланмалари, радио, телевидение ва компьютер ва ҳаққозопдан иборат

этиш,
тингла

долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим тарбия жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Ўз моҳиятига кўра педагогик технология вақт тақсимотига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизимни ифодалайди.

Таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Педагогик технологияларнинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда уларни амалиётга татбиқ этишнинг самарадорлигини бир қатор мезонлар билан аниқлаш мумкин.

Улар қуйидагилардир:

- таълим, тарбия ва шахсни ривожлантириш вазифаларининг ўзида яхлит акс эттира олиши;
- ўзида замонавий фан ва техника даражаларини ифодалай олиши;
- ғоявий жиҳатдан ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларига мос келиши;
- ўқув материалининг зарур ахборотлар билан тўлиқ таъминланганлиги;
- ўқитиш жараёнида ранг-баранг метод ва воситаларни қўллаш имкониятини таъминлаганлиги;
- таълимнинг кўргазмалилиги ва барча учун очиқлигини таъминлаш тамойилига эгалиги;
- кўп функцияли таълим воситаларидан фойдаланиш ва уларни осон эксплуатация қилиш имкониятининг мавжудлиги;
- педагогнинг ўқувчиларга мустақил ишларни самарали ташкил этишга кўмаклашиш даражаси.

Ўқитиш тизимида педагогик технологияларини самарали қўллаш педагогнинг касбий компетентлигига ҳам боғлиқ. Шу сабабли педагогик технологияларнинг самарадорлигини педагог томонидан уларнинг қўлланилишига кўра ҳам баҳолаш мумкин.

Бунда қуйидаги мезонлар муҳим аҳамиятга эга:

- педагогнинг технологик маданиятга эгаллиги;
- педагогнинг педагогик технологияларни қўллаш борасида тажрибага эгаллиги;
- педагог томонидан педагогик технологияларга “ижодий” ўзгаришлар киритилиши ва уларнинг қайта шакллантирилиши;
- педагогик технологияларни таълим амалиётига татбиқ этишда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик негизида муваффақиятли вазиятларнинг қарор топганлиги;
- педагогик технологияларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик;
- педагогик технологияларнинг ўқувчилар ва педагогларнинг касбий ривожланишини таъминлашдаги имкониятларга эгаллиги;
- ўқувчилар ўқув-билиш фаолиятининг ижобий аҳамият касб этиши

Креатив педагогиканинг мақсади – шахс (ўқувчи, ўқувчи)ни ўқишга, таълим олишга ижодий ёндашишга, ўзининг ва ўз келажагининг яратувчиси бўлишга ўргатишдан иборат.

“**Метод**” атамаси юнонча “методос” сўзидан олинган бўлиб, йўл, ҳақиқатга интилиш, кутилаётган натижага эришиш усули маъносини англатади.

Ўқитувчи метод танлашда:

Биринчидан, ўқитиш усули, ўқиш фаолияти усуллари билан чамбарчас боғлиқ бўлишига;

Иккинчидан, мақсадларга эришишда ўқитувчи ўқувчи ҳамкорлиги ўз аксини топиши шарт эканлигига;

Учинчидан ўқувчиларнинг ёш, индивидуал психологик хусусиятига;

Тўтинчидан, мавзуларнинг изчиллиги ва тизимлилигини ҳисобга олганликка эътибор беради. Юқорида кўрсатиб ўтилган талаблар педагогик технологиянинг интерфаол усулларида ўз аксини топган.

Булар: “Ақлий Ҳужум”, “Ялпи фикрий Ҳужум”, “Қарорлар шажараси”, “Зиг-заг”, “6х6х6”, “Қора қути”, “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим”, “Кластер”, “Шляпа”, ва хокозолар.

Таълим жараёнига бу методларни қўллаш:

- ўқувчининг муайян назарий билимлар пухта ўзлаштиришга;
- вақтнинг тежалишига;
- ҳар бир ўқувчининг фаолликка ундалишига;
- ўқувчининг эркин ва мустақил фикрлаш лаёқатини шаклланишига;
- ўқувчида ўзгаларнинг фикрини тинглай олиш кўникмасининг ҳосил бўлишига;
- ўқувчининг ўз фикрини ҳимоя қила олишига;
- ўқувчида билдирилган фикрларни умумлаштира олиш кўникмасини шаклланишига олиб келади.
- ўқувчининг қизиқиши (мативи) ортишига;

- ўқувчининг изланувчанликка ижодкорликка чорлашига;

Шундай қилиб таълим жараёнига интерфаол усулларни қўллашда ўқитувчи таълим жараёнининг бошқарувчиси вазифасида бўлиб, бунда бошқарув мақсади таълимнинг объекти ва субъекти сифатида ўқувчига йўналтирилади. Демак, педагогик технология таълим мазмуни усул, шакл ва воситалар асосида юзага келади. Ушбу жараён кафолатланган натижага эришишга йўналтирилади.

Таълим тизими – ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида давлат тамойиллари асосида фаолият юритаётган барча турдаги ўқув-тарбия муассасалари мажмуи.

Республика узлуксиз таълим тизими– шахсга таълим бериш, унда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилиб, ўзаро мантиқий изчиллик асосида, оддийдан мураккабга томон ривожланиб борадиган бир-бири билан боғланган босқичларни ифодаловчи таркибий ва ташкилий элементлар мажмуаси ҳисобланади.

Бошланғич таълим-6-7 ва 10-11 ёшли болаларда умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантириш мақсадини амалга оширишга йўналтирилган.

Маҳорат-шахснинг тажриба орқали орттирган хусусияти. Бирор соҳасидаги мослашувчан кўникма ва ижодкорлик асосида ҳосил бўлган касбий кўникмаларнинг назарий даражасидир. Маҳорат – санъат, Маҳорат изланиш, Маҳорат – педагогик технологияларни қўллай билиш, маҳорат - ўқитувчининг ўз фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ва ўз-ўзини тарбиялашдир.

Қобилият ҳамма инсонларда мавжуд бўлиб, бир текисда бўлмай, бири юқори, бири ўрта қуйи даражадан ибортдир. Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси ўз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади.

Ибн Сино таълим жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим деб ҳисоблайди: ўқитишда оддийдан мураккабга қараб бориш; боланинг қобилият ва майлларини эътиборга олиш; болага кучи етадиган машқларни бажартириш; таълимни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб борилиши. Болага таълим ва тарбия бериши учун саховатли, доно, иймонли, ахлоқий ва ақлий тарбия усулларини яхши биладиган, иродаси кучли муаллим ва тарбиячини танлаш зарур. Муаллим соғлом, пок, ҳалол, хушмуомала киши бўлмоғи лозим.

«Бошланғич таълим концепцияси»да бошланғич синф ўқитувчиси қиёфаси таърифланади: «...энг муҳими балаларда ўқиш, ўрганишга чинаккам хавас, иштиёқ уйғотувчи, эътиқод ҳосил қилувчи устоз сифатида алоҳида ўрин тутади.» ва яна шу концепциядан бошланғич синф ўқитувчиси фазилатларига қўшимча келтирилади. Ўқитувчи: «...Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига ишонадиган миллий ифтихорли бўлиши;

– болаларни халқ педагогикаси дурдоналари ҳамда миллий кадриятларимиз асосида тарбиялай олиши;

– нутқий равон, халқ тили бойлиги ифода усули ва тасвир воситаларини адабий тил услуби ва меъёрини тўла эгаллаган бўлиши» зарур.

Узоқ йиллар мобайнида қайд этилган педагогик категориялар жамият ижтимоий талаби даражасидаги мақсадларни рўёбга чиқариш учун етарли бўлиб келган. Муайян даврларда бир гуруҳ педагоглар томонидан барча даврларда амалга оширилган педагог фаолиятнинг даражаси қониқарсиз дея баҳолаганлар. Улар, хусусан, педагогик тушунчаларга берилган таъриф ва тавсифларнинг ноаниқлиги, таълим жараёнларини тавсифловчи баъзи категорияларнинг етишмаслиги, таълим мақсади, мазмуни, шакли, услуби ва ўқитиш воситалари ўртасида ўзаро узвийликнинг мавжуд эмаслиги каби ҳолатларни доимий равишда танқид қилиб келганлар. Улар томонидан «методика» тушунчаси юқори даражадаги субъективликка эга эканлиги таъкидланади. Ҳақиқатда эса таълим натижалари ўқувчининг педагогик жараёнларидан муваффақиятли «ўтганлиги» билан белгиланади.

Педагогик жараённинг моҳияти - ўқитувчи ҳамда ўқувчининг биргаликдаги фаолияти мазмунида акс этади, мазкур жараёнда педагог ўқувчига юзага келган қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг асосий моҳияти педагогик жараённинг тавсифи, унинг маълум мақсадга йўналтирилганлиги, шунингдек, шахсни шакллантириш ва тарбиялаш борасида ҳал этиладиган вазифалар билан ифодаланди.

Педагог ахборотларни эълон қилиш, кўрсатиш, эслатиш, тушунча ёки маслаҳат бериш, йўналтириш, ҳаққонийлаштириш, кенгашиш, бартараф этиш, ҳамдардлик қилиш, илҳомлантириш, қизиқиш ва ҳурматни изҳор қилиш, талабчанликни қўллаб-қувватлаш каби кўринишларда ёрдам беради.

Замонавий ўқитиш технологиялари - мажмуавий интеграл (бутун, узвий боғлиқ) тизим бўлиб, унда таълим мақсадлари асосида белгиланган кўникма ва малакалар ўқувчилар томонидан назарий билимларни ўзлаштириш, уларда муайян маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга йўналтирилган педагогик фаолият элементларининг маълум тартибга солинган тўплами сифатида акс этади.

Ўқитиш жараёнига фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш концепциясига асосланиб, уни ташкил этиш қуйидаги мантиқий кетма-кетлигини асослаш мумкин: дастлаб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартлари таҳлил этилади.

Сўнгра, ўқитишнинг мос равишдаги методлари ҳамда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш тизими ишлаб чиқилади. Шу асосда ўқитиш воситаларининг рўйхати тузилади. Ушбу усул билан ҳосил қилинган метод ва таълим воситаларининг яхлит тизими ташкилий шакллар

билан уйғунлаштирилади, яъни, муайян технология ишлаб чиқилади. Умумлашган педагогик технологиялар маълум психо-педагогик асосларда курилган «синтетик назария» сифатида қаралади.

Таълим жараёнининг мақсади ДТС, ўқув режаси дастури, шунингдек, дарслик, қўлланмаларда белгилаб берилган муайян мавзу ҳамда фан (ёки курс)нинг ўзига хос жиҳатлари, мавжуд педагогик шарт-шароитлар, ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, уларнинг ҳаётий эҳтиёжи ва кизиқишлари, таълим берувчининг билим ва малака даражаси, дунёқараши, ижодкорлиги, вазиятни баҳолай ҳамда унга мувофиқ тезкор ҳаракат қила олиш лаёқати ва ҳақозо омилларни инобатга олиш асосида белгиланади.

Ўқув жараёнининг мақсади ташхисли равишда аниқ ва равшан белгиланмоғи лозим. Таълим мақсадининг бундай белгиланиши маълум ва амал қилинган вақтда дидактик жараённи ташкил қилиш ва амлга оширилиш даражаси юзасидан хулоса чиқариш имкониятини яратади.

Таълим жараёнининг мақсади ижтимоий буюртма мазмуни ҳамда ўқувчи шахси моделларининг ўзаро мувофиқлиги асосида кечади.

Босқичли даражада таълим мақсадни шакллантириш долзарб даражадаги мақсад муайян таълимий тайёрланганлик босқичлари бўйича тақсимлаб чиқилади. Таълим тизимининг яхлит ҳолда касбга йўналтирилганлиги сабабли ўқувчи шахсининг модели унинг объекти бўлиб қолади. Таълим жараёнида шахсининг ёш кўрсаткичлари табиий унинг шаклланиш босқичларига мос равишда асосий мақсаддан келиб чиқиб даражаланади.

Тезкор даража таълим мақсадни шакллантириш мазмуни, таълим жараёнини ташкил этувчи алоҳида фанларни ўрганишдан иборатдир.

Таълим жараёнининг мазмуни шахсга таълим бериш, уни тарбиялаш ва ривожлантириш каби вазифаларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилади.

**Таълимнинг шакл, метод ва воситалари таълим жараёнининг
мазмуни асосида белгиланади**

Таълим муассасалари олдида турган вазифаларни ҳал этиш машғулоти (таълим жараёни) мазмуни, таълим шакли, методлари ҳамда воситаларининг самарадорлигига боғлиқ бўлади. Таълим шакли, методлари ва воситалари ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда чуқур билим ва дунёқарашни ҳосил қилишга хизмат қилади.

Таълим шакли ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда, муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятларининг ташқи ифодасидир. Қадим замонлардан оқ жамиятнинг етук кишилари ўқитиш ишини ташкил қилишнинг ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган шакллари топишга уринганлар. Ҳозирги вақтда Республика таълим муассасаларида ўқитишнинг қуйидаги

шаклларидан фойдаланилмоқда. Дарс-ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли ҳисобланади. Синф-дарс тизими куйидаги мазмунга эгадир:

1. Ҳар қайси синф ёши ва билим даражасига кўра бир хил бўлган ўқувчиларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс жараёни асосан 45 дақиқа (ёки бир академик соат 80 дақиқа) давом этиб, қатъий жадвал асосида олиб борилади.

3. Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият бирлигига асосланган бўлиб, бевосита ўқитувчи раҳбарлигида жамоа, гуруҳли ва яқка тартибда олиб борилади.

4. Дарс машғулоти ўтилаётган ва ўзлаштирилаётган материалнинг мазмунига қараб турли хил методлар ёрдамида олиб борилади ҳамда умумий таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишга хизмат қилади.

Индивидуаллик – алоҳида олинган шахсгагина хос бўлиб, уни бошқалардан ажратиб турадиган хусусиятларининг намоён бўлиши. Шахснинг йўналганлигини ифодаловчи, қизиқишлари, характери, уни бошқалардан ажратиб турадиган ақлий камолоти ва фаолиятининг ўзига хос, барқарор, муҳим хусусиятлари шахснинг индивидуал хусусиятлари деб юритилади.


Бугунги кунда таълимни ташкил этиш тизимида яқка тартибда таълим олиш ўзига хос ўринга эга бўлиб бормоқда. Яқка тартибдаги таълим ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, хоҳишига кўра муайян фан, предмет юзасидан чуқур билим олиш; маълум фан ёки предмет бўйича юзага келган ўзлаштирмовчилик ҳолатини бартараф этиш, шунингдек, узоқ вақт соғлиқни сақлаш муассасаларида даволанган ёки тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ўқувчиларнинг ўқув дастури талабларини бажаришларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

Яқка тартибда таълим олишнинг асосий кўринишларидан бири сифатида репититорлик таълими кенг оммалашиб бормоқда. Айни вақтда умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасалари фаолиятида ўқитишнинг ноанъанавий шаклларининг асосийси сифатида маърузадан кенг фойдаланилмоқда. Ўрта таълим мактабларида маъруза умумий 45 дақиқалик бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир дарс давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги машғулотда давом эттирилади. Ҳар бир мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказилади. Ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

№	Синфлар	Ўқувчилар томонидан қабул қилинувчи материал ҳажми
1.	1-синф	20-25 та сўз
2.	2-синф	25-30 та сўз
3.	3- синф	30-35 та сўз

4.	4- синф	35-50 та сўз
5.	Янги турдаги ўқув муассасаларда	40-45 та сўз

Таълимда кўрсатмалилик методининг куйидаги турларидан фойдаланилади



Намойиш методи ўрганилаётган объект ҳаракат динамикасини очиш, предметнинг ташқи кўриниши, ички тузилиши ҳақида маълумот бериш мақсадида қўлланилади.

Намойиш этиш методи ўқитувчи томонидан баён қилинаётган илмий-назарий билимларни ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши учун уларнинг сезги органлари - эшитиш, кўриш, ҳид ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектга алоҳида-алоҳида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар қилишга имкон беради.

Тасвирлаш методи нарса, ҳодиса, жараёнларни уларнинг рамзий кўринишлари – чизма, портрет, расм, фотосурат, ясси моделлар ва бошқалар ёрдамида кўрсатиш дегани.

Экскурсия нарса ва ҳодисалар моҳиятини табиий шароитлар (ишлаб чиқариш муассасалари, фермер ва жамоа хўжаликлари, табиат) ёки махсус муассасалар (музей, кўргазма заллари ва ҳ.к.)да бевосита ўрганилишини ташкил этишдир.

Таълим жараёнида ўқитиш воситаларидан фойдаланиш - дарс жараёнида табиий ёки тасвирий кўргазмали материаллар (предмет, схема, диаграмма, сурат ва бошқалар; лаборатория ёки намойиш этишга асосланувчи машғулотлар жараёнида қўлланиладиган асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари, микроскоп ва бошқа аппаратлар, шунингдек, мавзуга оид далиллар (цитата, таъриф, қоида, формула ва бошқалар)нинг қўлланилишини аниқлатади.

Кўргазмали методлардан фойдаланишда қуйидаги шартларга амал қилиш лозим:

- кўргазмалиликнинг ўқувчилар ёши ва ривожланиш даражасига мос келиши;
- намоёиш этилаётган объектларнинг барча ўқувчиларга яхши кўриниб туриши;
- намоёишда бошланғич босқич ва асосий жараён (ҳолат)ларнинг ажралиб туриши;
- тажрибалар намоёиши макет, жиҳоз, қурооллар ёки тажриба схемасини чизиб кўрсатиш асосида ташкил этилиши;
- намоёиш ва иллюстрация ўқув материалининг мазмуни билан уйғун бўла олиши лозим.

Хорижий мутахассислар педагогик технологияларнинг ривожланишини уч босқичга бўлиб ўрганиш лозим деб ҳисоблайдилар. Биринчи босқичда, ўқитиш жараёнини фақат ўқитувчининг ўзи олиб борар эди. Н.Ф.Тализина таъкидлаганидек, «Инсон тажрибаси ўқитиш технологияси функциясини бажарган». Иккинчи босқичда эса, дарслик ва қўлланмалар чоп этила бошлагандан сўнг - ўқитиш технологияси мазмунида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўқитувчига ёрдам берувчи турли дидактик материаллар вужудга кела бошлади. Учинчи босқичда эса, ўқитиш технологияси мазмун жиҳатдан янада бойиди, ўқитувчи ва ўқувчилар учун юқоридагилар қаторига техник воситалар, яъни ўргатувчи машиналар ҳам қўшилди.

Технология тараққиётида инсон психологияси катта ўрин тутади. Тарихан педагогик технология тактик (стратегик эмас) жиҳатдан фаолият кўрсатган ва ривожланган. Ҳозирги кунда педагогик технологияларни амалда қўллаш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Яхши дарс - бу саволлар ва гумонлар, умид чироқлари ва ихтиролар дарси.

Юқори унумли, натижали дарс технологиясининг асосий қирралари эса қуйидагилардир:

- ўрганувчиларнинг билишга қизиқиши ва мустақил ақлий фаоллигини ошириш;
- дарс вақтини тежамкорлик билан ва мақсадли сарфлаш;
- ўқитишнинг усул ва воситалар арсенали турли хилларини қўллаш;
- ўрганувчиларнинг ақлий ҳаракатлари усулларини шакллантириш тренинглари;
- ўрганувчининг шахсий сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришга улуш қўшиш, биринчи галда, шахсни ўқитишга кўмаклашуви, ўз-ўзини бошқариш механизмлари;
- ўқитувчи ва ўрганувчилар шахси ўртасидаги ижобий ҳамкорлик;
- ўрганувчилар томонидан дарсда олинган билим, ўқув ва кўникмалар ҳажми ва мустаҳкамлиги.

Замонавий педагогик технологияларни бир неча турга бўлиш мумкин:

1. Муаммоли таълим технологиялари.
2. Дидактик- ўйинларга асосланган технологиялар.
3. Ҳамкорлик технологиялари.
4. Модулли технологиялар.

Модулли технологиялар- энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, ўқувчининг мустақил фаолиятига асосланган, Б.К.М. диагностикасида турли шаклларида фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи яхлит жараён.

Модуль - мазмуний ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.

Модуль дастур- бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндисидир бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндисидир.

Ўқув модули – нисбатан мустақил, мантиқий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат. Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида ўқувчиларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўзлаштириш бўйича самарали натижани таъминлашга қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб қолмоқда. Модуль бу шундай мақсадгаша йўналтирилган боғламки, у ўзида ўрганиладиган мазмунни ва уни ўзлаштириш технологиясини акс эттиради.

ЎҚИТУВЧИНИНГ КОМПЕТЕНЦИЯ ПИРАМИДАСИ.



Инструментал компетенциялар:

- анализ ва синтез қобилиятига эга бўлиш;
- режалаштириш ва ташкил этиш қобилияти;
- умуий базавий билимларга эга эканлиги;
- мутахассислик бўйича базавий билимларни эгаллаганлиги;
- она тилида бемалол мулоқатга кириша олиш;
- ахборот технологияларидан фойдалан олиш малакалари;
- ахборот материали билан ишлаш қобилияти;
- муаммоларни ечиш қобилияти;
- Қарорлар қабул қилиш қобилияти.

Комуникатив компентентлик:

- танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш;
- груҳда фаолият кўрсатаолиш;-ўзаро мулоқатга кириша олиш;
- ахлоқий кадриятларни тан олиш;
- турли халқлар маданиятига хурмат билан қараш;
- бошқа йўналишда фаолият юритувчи экспертлар билан муносабатга кириша олиш.

Тизимли компентентлик:

- билимларини амалда тизимли равишда қўллаш олиш;
- тадқиқот олиб бориш;
- янги шароитга мослашиш;
- ижод қилиш;
- лидерлик қобилиятини ўстириб бориш;
- индивидуал ҳолда фаолият юритиш қобилияти;
- лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш;
- тадбиркорлик ва янги ғояларни илгари суриш;
- масулиятлилик;
- муваффақиятга эришиш мотивининг ривожланганлиги.

Шунингдек ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган тарқатма материаллар, карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, амалий ишни ташкил этиш бўйича технологик хариталар киради.

Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- 1.Муаммоларни ҳал қилишга йуналтириш;
- 2.Тадқиқотлар олиб боришга йуналтириш;
- 3.Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлилига қаратиш;
- 4.Тажрибалар ва машқлар ўтказишга мўлжаллаш;
- 5.Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.

Мустақил ишларни ташкил этишда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавҳумдан-аниқликка” қараб ҳаракатланишни таъминлаш лозим.

Олий мактаблардан бири – Аудиториум (лотинчадан “аудире” – тингламоқ) эрамининг 425 йилида Константинополда император Федосей

ИИ томонидан ташкил этилган. Эрамизнинг ИХ асридан бошлаб у император саройи биноларидан бирининг номи билан Магнавра (Олтин сарой) деб атала бошлаган.

Аудиторияда мустақил фаолиятни ташкил этишга оид юқоридаги ўқувчилар тизими билан танишиб чиққач, ўқитувчи аудиторияда олиб бориш мумкин бўлган дидактик ўйинлар билан тингловчиларни таништиради (Органайзерлар, интерфаол методлар, мустақил топшириқлар).

Тингловчиларни бир неча гуруҳга бўлади ва ҳар бир гуруҳга алоҳида вазифа топширади. Ҳар бир гуруҳ ўзига топширилган вазифа бўйича тақдимот тайёрлайди. Ҳозирги кунда кўпгина методик инновация интерфаол усулларни қўллаш билан боғлиқ. Интерактивни асосий хусусиятлари нимада? Интерактив таълим бериш бу билим олиш жараёнини ташкил қилишни ўзига хос бўлган шаклидир. У аниқ ва айтиб бера оладиган мақсадларни ўз олдига қўяди.

Бу мақсадлардан бири бу ўқитишда қулай шароитларни яратиш. Бунда ўқувчи ўзини муваффақиятини, интеллектуал қодирлигини тушунсин. Бу ўқув жараёни самарадорлигига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, зерикарли дарслар ўрнига дарсларни ташкил этишга маъсулият билан ёндашадиган, касбий билимдон, методик маҳоратга эга, маъсулиятли, замонавий, интерфаол педагогик технологияни мукамал ўзлаштириб олган, инноватсион асосида таълимни ташкил эта оладиган ўқитувчиларга талаб ошиб бормоқда.

Таълимда моддий база, стандарт, ўқув режалар, дастур ва дарсликлар қанчалик такомиллаштирилмасин, қутилган асосий натижага эришиш, чуқур ва пухта билим бериш, юқори сифатдаги ўзлаштиришга эришиш бевоситаназарий ва амалий машғулотларни олиб боровчи ўқитувчининг ижодкорлиги, изланувчанлиги, малакасига педагогик маҳоратига боғланиб қолаверади, ўқув-билув мврказида эса ўқувчи турмоғини тақозо этади. В. А. Сухомлинский ўзининг «Чин инсонни қандай тарбиялаш керак» деган асарида «Ўқитувчининг меҳнати бирор нарса билан қийинлашмасин ҳам, таққослаб ҳам бўлмайди». Тўқувчи бир соатдан кейинроқ ўз ишининг ҳосилини кўради., пўлат эритувчи бир неча соатдан сўнг оловдаги метал окимидан шодланади. Бу унинг орзусини юксак чўққиси; ер ҳайдовчи, дон сепувчи ғаллакор бир неча ойдан кейин далада ўстирган бошоқлари ва бир сиқим донидан завқланади.

Ўқитувчи эса ўз ижодининг маҳсулини кўриш учун йиллаб меҳнат қилиши керак. Ўқитувчи ҳар бир дақиқада ўзининг ўттизта ёки ўттиз бешта тарбияланувчисидан ҳар бирини кўриб туриши, у шу дақиқада нималар ўйлаётганлигини, қандай ғам-аламлар уни ташвишлантираётганлигини билиши керак-деган фикрларни баён этади. Педагогик маҳорат бир қатор компонентлардан таркиб топади. У педагогика ва психология бўйича илмий билимларни, яъни касбий билимлар, касбий қобилият, педагогик этика ва педагогик техникани ўз ичига олади.

Таълим мақсадлари – диагностик, ўқиш-ўқитиш қайта ишлаб чиқиладиган – такрорланадиган бўлиши учун ҳар бир мақсад эришиладиган бўлиши лозим, яъни таълим мақсади шундай ифодаланиши лозимки, унга эришилгани ҳақида айнан бир хил ҳукм чиқариш мумкин бўлсин. Ўқувчини ўрганиш натижасини англай-диган вазифалар ойдинлаштирилган ўқув мақсадлари дейилади. Ойдинлаштирилган мақсадлар ўқувчининг кузатиш, ўлчаш мумкин бўлган ҳаракатларини назарда тутди.

Анъанавий таълим мазмуни кўпинча, мавзулар шаклида бўлиб, улардан аниқ бир хил маъно англатадиган ўқув мақсадларини ажратиб олиш қийин. Ўқув вазифалари (ойдинлаштирилган мақсад)-ларини ифодалашни осонлаштириш мақсадида ўқувчи билиб, ўрга-ниб олган ҳаракатларни акс эттирадиган феъллардан фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, билади (аниқ фактни, қонидани), изоҳлайди (схема, график, диаграммани); чиқаради (хулосани); қўллайди (тушунчани – янги вазиятда); намойиш этади, ажратади, топади (хатони) кабилар

1.2. Бошланғич таълим ўқитувчиси замонавий фан ва техника даражаларини ифодалай олиши.

Бошланғич таълим даврида ўйин фаолиятининг ўрнини энди ўқиш фаолияти эгаллайди. Ўқиб-ўрганиш боланинг вазифаси, ижтимоий бурчи бўлиб қолади. Ўқиш жараёнида у дарсликларини ва ўқув қуролларини саранжом сақлаш, ўз вақтида ўрнидан туриш, мактабга белгиланган вақтда бориш, уйга берилган вазифаларни бажариш юзасидан кўникмаларни ўзлаштиради. Ўқувчи тобора масъулиятли бўлиб боради. Билимлар боланинг савиясини ўстиради, ақлий ривожланишини таъминлайди, сезгилари ва иродасининг ўсишига таъсир кўрсатади.

Бирок, бу даврда ҳам боланинг диққати ҳали беқарор бўлади. Бошланғич синфда ўқувчи хотирасида ҳам ўзгаришлар рўй беради. Ўқувчи биринчи синфдан бошлаб, таълим жараёнида ўқув материалининг кўп қисмини ихтиёрий равишда эслаб қолади. Шу билан бирга ўз-ўзини доимо назорат қилиб бориши лозим. Бунинг натижасида ўқувчининг хотираси такомиллашади, тафаккури ўсади.

7-8 ёшли болаларда ҳам тафаккур ҳали конкрет характерда бўлади. Улар ўзлари идрок этган ёки тасаввур қилган нарсалар ҳақидагина фикр юритадилар. Мантиқий тафаккурнинг дастлабки кўринишлари шакллана бошлайди. Учинчи ва тўртинчи синфларда ўқувчилар илмий билимларга оид айрим тушунчаларни ҳам ўзлаштириб оладилар. Бу даврда ўқувчиларнинг руҳиятида ҳиссий кечинмалар юз беради.

Бошланғич синф ўқувчиларида бирор фанга, дарсга нисбатан қизиқиш юзага келади. Улар таълим олишни бурч эканлигини англаб етадилар. Дарс вақтида ўқувчи фаолиятига қўйилган юқори баҳо ўқувчиларда руҳий тетиклик, шодлик, ифтихор каби ҳиссий кечинмаларни туғдиради. Шундай экан бошланғич таълим ўқитувчиси ҳар томонлама етук, ўткир дипломат, ўз касбининг устаси, интеллектуал салоҳиятга эга шахс бўлиши шарт.

**Бошланғич таълим ўқитувчи (педагог)нинг техник-технологик
малакаларга эгаллиги қуйидагиларда акс этади:**

- таълим жараёнига замонавий техник воситаларини татбиқ этиш;
- дарс жараёни мазмунини технологик паспорт ва технология харита ёрдамида ёритиш;
- ўқув материали мазмунини ёритувчи слайдларни тайёрлаш;
- ўқув машғулотларини ахборот технологиялари, интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш;
- ихтисослик фани хусусиятидан келиб чиққан ҳолда турли техник воситалардан фойдаланиш;
- дарсларда проекторни қўллаш олиш;
- ўқув материалларини аудио ва видео ёзувлари, тақдирот асосида баён қилиш;
- ўқувчиларда ўқув материални мустақамлаш ва ўқув топшириқларини беришда ахборот технологияларини қўллаш;
- компьютер имкониятларидан фойдаланишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни компьютер асосида ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг билим олганлик ва тарбияланганлик даражаларини ташхис қилишда компьютер ёрдамига таяниш ва бошқалар.

Ўқув жараёнининг инноватцион ҳолатлари. Ўқув тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг асосий йўлларида – ўқув жараёнини инсонпар-варлаштириш, демократлаштириш, либерализация этишни инновация ҳолат деб қаралади.

Дарсни инсонпарварлаштириш:

- Ҳамкорлик;
- Ўқувчига ғамхўрлик;
- Эъозлаш;
- Кечиримли бўлиш;
- Ўзини – ўзи ривожлантиришга муҳит яратиш;
- Психологик соғлом муҳит яратиш;
- Ижодий муҳит;
- Дўстона муносабатда иш юритиш;
- Ўқувчи эҳтиёжи, қизиқиши, шахсий фазилати, иқтидорини ишга солиш.

Инноватцион фаолиятнинг тузилиши.

- Таълимга ижодий ёндашув;
- Ижодий фаоллик;
- Янгиликни киритишга технологик-методологик ёндашув;
- Янгича тафаккур асосида янгича фикрлаш;
- Мулоқат маданияти;
- Фаолликнинг репродуктив, эвристик, креатив даражалари;

Технологик жараёнда янгича лойиха, концептуал тизимли ёндашув асосида янги ихтиролар;

Жараёни янгича бошқарув асосида тайёргарлик, режалаштириш, амалиётга жорий этиш.

Креативлик (ижодкорлик) модели

Тезкорлик;

Эгилувчанлик;

Оригиналлик;

Янгича ечим топа олиш;

Махсулдорлик;

Қизиқувчанлик;

Топқир, зийрак;

Яратувчанлик;

Ихтирога мойил;

Кенг доирада ўйловчи эрудициали;

Қасбий маҳоратли, компетентлик;

Ўзига хослик, кенг фикр юритишга мойил.

Инновацион жараёнларнинг босқичлари.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилди. У куйидаги босқичларни қамраб олади:



“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация куйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovations” – киритилган янгилик, ихтиро) – 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”².

Америкалик психолог Э.Роджерс ўз тадқиқотларида инновация характерга эга ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, ижтимоий муносабатларга янгилик киритиш, бу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг тоифалари, уларнинг янгиликка бўлган муносабатлари, янгиликни қабул қилиш, моҳиятини англашга бўлган тайёрлик даражаси ҳамда муайян шахслар тоифалари ўртасидаги инновация характерга эга ижтимоий муносабатларнинг таснифи масалаларини ўрганган.

Х таълим (ингл. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро)

- Таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим

Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.

Таълим инновациялари

- Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар

Таълим инновациялари “инновация таълим” деб ҳам номланади. “Инновация таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.

Инновациялар турли кўринишга эга. Қуйидагилар инновацияларнинг асосий кўринишлари саналади:

- ✓ янги ғоялар;
- ✓ тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ✓ ноанъанавий ёндашувлар;

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Кониғил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 169-бет.

- ✓ одатий бўлмаган ташаббуслар;
- ✓ илғор иш услублари

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “инновация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у **новация (янгилиниш)** деб юритилади Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у **инновация (янгилик киритиш)** деб аталади

Илмий адабиётларда “инновация” (янгилиниш, янгилик) ҳамда “инновация” (янгилик киритиш) тушунчаларининг бир-биридан фарқланишига алоҳида эътибор қаратилади. Дарҳақиқат, янгилик – восита саналиб, у аксарият ҳолатларда янги метод, методика, технология ва б. кўринишида намоён бўлади. Моҳиятига кўра инновация ва новация ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Улар қуйидагилардир

Новация ва инновациялар ўртасидаги асосий фарқлар

Асосий фарқлар	
Инновация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади; 2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади; 3) методлар янгиланади; 4) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, таълим инновациялари қуйидаги ўзгаришларга олиб келади:

- педагогик тизимнинг тамомига ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши;
- педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- ўқувчи (ўқувчи) фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши;

Ноанъанавий таълимнинг назарий ғоялари, интерфаол методлар ва таълим инновацияси.

Юқорида айтиб ўтилганидек “субъект-субъект” муносабатларига қурилган. Шу сабабали ўқувчиларнинг мустақил фаолиятига катта эътибор қаратилади. ўқувчи мустақил фаолиятини самарали бўлиши учун педагогдан турли хилдаги маслаҳатлар тизими талаб қилинади. Шу сабабли хориж тажрибасида педагогик ёрдамнинг турли кўринишлари такомиллашиб борди ва бугунги кунда педагогик фаолиятига кўра бир қанча тушунчалар келиб чиқишига сабаб бўлди. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Тьютер - (лот. *тutorem* – маслаҳатчи) фаолияти ўқувчиларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.

Эдвайзер- (адвисор - қадимги француз сўзи “ависен”, “ўйламок” сўзидан олинган) индивидуал ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот олиб бориш, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.

Фасилитатор (ингл. **фасилитатор**, лотинча — «енгил, қулай» деган маънони билдиради) — **фасилитатор** гуруҳларда фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади. У гуруҳлардаги фаолиятни самарали бўлишини таъминлаши, гуруҳда соғлом комуникатсияни ўрнатиши, гуруҳда ишлаш қоидаларига ва регаментларга амал қилишни таъминлаши жоиз. Фасилитатор гуруҳда қулай психологик муҳитни яратади ва фаолиятни самарали бўлишига ёрдам беради. Ушбу тушунча мумтоз психолог Роджерс Карл томонидан киритилган бўлиб, инглиз забон мамлакатларининг таълим муассасаларида кенг фойдаланилади.

1989 йилдан буён Халқаро бош фасилитаорлар ассоциацияси (The Интернационал Ассоциатсион оф Фасилитаторс) фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда унинг фаолиятида 63 давлатнинг 1200 аъзоси иштирок этмоқда. Фасилитатор фаолияти турли моделларда учрайди. Қозоғистон миллий тиббиёт университетида бўлажак шифокорларни касбий фаолиятини моҳиятини чуқур тушиниши ва ўз шахсини мутахассис сифатида тараққиётини таъминлашда психологик-педагогик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. Фасилитатор фаолияти ҳар қандай тренингнинг таркибига киради. Турли амалий фаолиятларни онлайн тизимида, гуруҳларда ташкил этиш жараёнида фасилитаторлик хусусиятлари ўз аксини топади.

Модератор - (лот. *модерор* — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, ўқувчиларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

Супервизор- қуйидаги тўрт фазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.

Супервизия — бу ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутаяди. Бу фаолият айниқса психотерапевтларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Супервизия касбий компетентликни оширишга, билим, кўнкмаларни янада такомлаштиришга ва шахсий камолотга эришишга ёрдам беради. Баъзи мутахассисликларни ўқув режасида (Клиник психология) “Супервизорлик” курси ўқитилади.

У мажбурий амалий курс ҳисобланади. Умуман олганда, юқорида қайд этилган тушунчалар бир маъно ва бир вазифани ўзида акс эттирмайди. Улар орасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Улар ҳаммаси маслаҳат тизимига эга бўлиб, қандайдир фаолиятга урғу берган ҳолда олиб борилади. Лекин турли олийгоҳларда ушбу фаолиятлар турлирча номланиши ҳам мумкин.

Кейинги вақтларда модулли таълим тизимида комплекс ёндашув тамойили кучайиб бормоқда. Унда турли шакл, усуллар мослаштирилган ҳолда жойлаштирилмоқда. Бугунги кунда аралаш таълим инновация сифатида кириб келмоқда.

Деклан Берн "blended learning" (аралаш таълим) ҳақида шундай дейди-ушбу таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган. Бундай ёндашув ахборотни тақдим этишда турли методикалардан фойдаланишни, таълимни ташкил этишда ва таълим жараёнида ахборот технологиялари, индивидуал ва гуруҳларда анъанавий фаолиятни ташкил этишга асосланиши мумкин. Бундай турлича ёндашув ўқувчини чарчатмайди ва ўқишга бўлган мотивларини кучайтиради. Асосий масала танланган методикаларнинг ўзаро муттаносиблигини таъминлаш ва кам ҳаражат асосида юқори самарадорликка эришиш ҳисобланади.

Аралаш таълим кўпроқ тренингларни ташкил этишни талаб этади. Тренингларни ташкил этишда қуйидаги босқичларга эътибор қаратиш лозим:

1. Тайёргарлик босқичи.
1. Мақсадларни аниқлаб олиш босқичи.
2. Тренингни ўтказиш босқичи.

Бугунги кунда блендед леарнинг таълими деганда кундузги анъанавий таълим ва масофавий таълимнинг элементларини комбинатсияси ҳам тушунилмоқда. Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланди. Айтиш жоизки, ахборот технологияларининг таълим тизимидаги аҳамияти беъқиёс, тобора унинг янги кўринишлари таклиф этилмоқда. Таълим тизимига ушбу технологияларнинг кириб келиши тарихига назар ташласак.

18 аср охирида Европада, мунтазам равишда фаолият кўрсатувчи ва кўпчилик аҳоли учун имкониятли бўлган почта алоқасининг жорий қилиниши натижасида “корреспондентлик ўқуви” пайдо бўлди. Ўқувчилар почта орқали ўқув материаллари олар ва ўқитувчилар билан ёзма алоқа олиб

борардилар ҳамда илмий иш шаклида ёки ишонч билдирилган шахсга имтиҳон топширардилар. Россияда бундай шакл XIX аср охирида пайдо бўлди. XX аср боши технологияларнинг жўшқин ривожланиши радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши масофавий ўқитиш усулларига янги ўзгаришлар киритди. Бундай технологияларнинг кириб келиши жамият ҳаётининг кескин ўсиши билан боғлиқ бўлиб, ўқувчилар аудиторияси бир неча юз баробар ошиб кетди.

XX асрнинг 50-йилларидан ўқув-телекўрсатувлар ташкил қилина бошлади. Бироқ телевидение ва радиода олиб борилаётган бундай ўқув машғулотларининг жиддий камчилиги мавжуд эди, яъни ўқувчида қайтарув алоқа олиш имкониятлари мавжуд эмас эди. 1969 йил Буюк Британияда жаҳонда биринчи бўлиб масофавий таълим университети очилди. Университет "Буюк Британия очик университети" деб номланди. Унинг бундай номланишининг сабаби, машғулот аудиторияларига тез-тез бориш зарурияти бўлмаган ҳолларда, юқори бўлмаган ҳақ ҳисобига масофавий билим олиш имкониятларини очиш эди.

Хорижий мамлакатларда масофавий ўқитиш дастурлари асосида фаолият юритувчи маишхур университетлар вужудга келди. Жумладан, University of South Africa 1946. Fern Universitat in Hagen (Германия, 1974). Миллий технология университети АҚШ 1984 (инженер мутахассислиги бўйича дастурлар асосида масофавий машғулотлар олиб борилади)), Хаген очик университети (Германия), ИНТЕС коллеж Кейптаун (ЮАР), Испания масофавий ўқитиш миллий университети, Британия очик университетининг очик бизнес мактаби, Австралия ҳудудий ахборот тармоғи ва ҳоказолар. Масофадан ўқитиш таълимининг оммавийлашувида Интернет ("он-лине")нинг роли, телекоммуникатсияларнинг ўрни, барча инсонларнинг Интернетга баробар очик таширифи учун йўлак WWW (Web) технологиясини яратган олим Тим Бернерс Лининг хизмати беқиёсдир.

Ҳозирги кунда масофавий таълим АҚШда мукаммал шакланган бўлиб, унинг вужудга келиши 1970-йиллар охирига бориб тақалади. Дунёда интерактив таълим олишининг кўплаб базалари вужудга келяпти. Жумладан, Британия очик университетига қарашли масофавий таълим умумжаҳон марказининг маълумотлар базасини мисол қилиб келтириши мумкин. Дистант услубида Халқаро Кенгаш фаолият кўрсатяпти, "Д – Леарнинг" – масофавий таълим олаётган тингловчиларнинг сони тобора ортиб борапти. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида шахсий компьютер имкониятларининг ошиши ўқитиш тизимини соддалаштириши ва автоматлаштириши билан боғлиқ янги имкониятларни вужудга келтирди. Компьютер ўргатувчи дастурлар ҳар хил ўйинлар шаклида пайдо бўлди.

21 аср компьютерлари ва Интернет масофавий ўқитишнинг тезкорлик ва соддалаштирилган тартибда кенг тарқалишига имкон берди. Интернет радио ва телевидениега нисбатан жуда катта силжишларга олиб келди. Ҳар қандай ўқувчи билан у қаерда жойлашганлигидан қатъи назар мулоқотга киришиш ва қайтарув алоқага киришиш имкониятлари пайдо бўлди. Тезкор

интернетнинг тарқалиши ўқиш учун "онлайн" семинар тизимига ўтиш имконини берди ва натижада масофавий ўқитиш тизими вужудга келди. Масофавий ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг ҳамма вақт аудиторияда бўлиши талаб қилинмайди. Масофавий ўқитишни амалга оширувчи кўпчилик ўқув муассасаларида умумий машғулотлар ўтказиб келинмоқда, айрим ҳолатларда улар кечки вақт ёки дам олиш кунлари ўтказилади. Бундай машғулотларда тингловчиларнинг қатнашиши шарт эмас, бироқ тингловчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш учун уларнинг бундай машғулотларда иштирок этиши жуда фойдали ҳисобланади.

Масофавий ўқиш таълим беришда икки асосий ёндашишни изоҳлаб беради – булар кенгайтириш ва трансформатсия моделларидир. Кенгайтириш моделида ўқитиш технологияси ҳозирги анъанавий усулдан деярли фарқ қилмайди. Трансформатсия модели ўқитувчи ва тингловчи ҳамкорлиги учун ахборот-коммуникатсия технологиялари воситаларини ўзида мужассам қилади.

Бугун масофавий таълимнинг яна бир тури «**webinar**» (1998 йилда бу термин мулоқатга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни веб –технология асосида интерактив ҳолда ташкил этишни назарда тутди. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказди балки, улар билан мулоқатга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратади, яъни семинар кўринишида фикрларни алмашиш, ўз фикрини баён этиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

1. Гностик-динамик ёндашув (унга кўра педагоглар педагогик инновациялар, уларнинг турлари, яратилиши, амалиётга татбиқ этилиши, хориж мамлакатларида яратилган илғор педагогик (таълимий) инновациялар ва уларни ўрганиш, маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда амалиётда улардан фойдаланишга доир билим, кўникма, малакаларни изчил ўзлаштирадилар, ўз фаолиятларида педагогик инновацияларни фаол қўллаш борасидаги тажрибаларни ўзлаштирадилар).

2. Индивидуал фаолиятли ёндашув (бунда педагоглар ўзларининг индивидуал имкониятлари, қобилиятлари, тажрибаларига таянган ҳола амалиё фаолиятда педагогик инновацияларни қўллашда муайян изчилликка эришадилар).

3. Кўп субъектли (диалогик) ёндашув (мазкур ёндашув педагогик жараёнда инновацияларни ҳамкасбларнинг ўзаро, хусусан, кўп йиллик иш тажрибаси, касбий маҳорат ва тажрибага эга педагогларнинг фаолиятлари билан танишиш, уларнинг таълим инновацияларини самарали, мақсадли ва узлуксиз қўллашга доир тавсия ҳамда кўрсатмаларидан фойдаланишларини ифодалайди).

4. Инсонпарварлик ёндашуви (ушбу ёндашув педагогик жараёнда инновацияларни қўллашда таълим олувчиларнинг имкониятлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, билим, кўникма ва малакалари даражасини инобатга олиш мақсадга мувофиқлигини ёритишга хизмат қилади).

5. Индивидуал-ижодий ёндашув (унга кўра ҳар бир педагог фаолиятини ўрганилаётган мавзу, ўқув материалнинг моҳияти, шунингдек, ўз имкониятлари, салоҳияти, маҳорати, иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълим ва тарбия жараёнларини ижодий ишланмалар асосида ташкил этади).

Моҳиятига кўра инновация фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги такомиллаштирилган маҳсулотни яратишдан иборат.

Бошланғич таълим ўқитувчисининг инновацион фаолияти қуйидагилар билан белгиланади:

- янгиликни қўллашга тайёргарлиги;
- педагогик янгиликларни қабул қилиши;
- новаторлик даражаси;
- коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги;
- ижодкорлиги

Бошланғич таълим дарсларини ўқитишнинг интерфаол усуллари асосида ташкил этиш уларда ташкил этиладиган таълим-тарбиявий ишларни ташкил этишда педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек, бошланғич таълим ўқувчиларига билим бериш ва уларни тарбиялашда самарадорликка эришишга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, бунда бир қатор педагогик вазифалар ҳал этилиши лозим.

Улар қуйидагилардан иборатдир:

- бошланғич таълим дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этиш борасида муайян шарт-шароитларни яратиш;
- бошланғич таълим табиат дарслари педагог ходимлари ўртасида интерфаол методлар моҳиятини очиқ беришга қаратилган махсус ўқув семинарларини ташкил этиш;
- улар томонидан педагогик технология асосларини пухта ўзлаштирилишига эришиш;
- бошланғич таълим дарслари педагогларида таълим-тарбиявий фаолиятни ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашув ҳиссини тарбиялаш;
- бошланғич таълим дарсларининг ўқитувчиларида технологик ёндашув асосида ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;
- бошланғич таълим дарслари ўқитувчилари томонидан таълим-тарбиявий ишларни интерфаол методлар асосида ташкил этилишига эришиш;
- бошланғич таълим дарслари ўқитувчиларининг технологик асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш борасидаги маҳоратларини ошириш;
- бошланғич таълим дарсларининг самарадорлигини таъминлаш

Бошланғич таълим дарслари ўқитувчилари ўртасида интерфаол методлар ва уларнинг моҳияти хусусидаги назарий маълумотларни тарғиб

этиш муваффақиятини педагогик жамоа, шунингдек, индивидуал педагог ходимларда уларни ўрганишга нисбатан эҳтиёж, қизиқишнинг юзага келишини белгилайди. Юзага келган эҳтиёж ҳамда қизиқиш уларни қондириш имконини берувчи амалий фаолиятни ташкил этишга нисбатан қарор топтиради.

Ноанъанавий ўқитиш усулларидан фойдаланишдан мақсад нима, унинг афзалликлари дарснинг самарадорлигини ошириш тамойиллари нимадан иборат деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин.

1. Ноанъанавий ўқитиш энг содда қулай усул.
2. Мустақил фикрлашни амалга оширади,
3. Кўп тармокли.
4. Содда ва осон.
5. Билим бойлигини оширади.
6. Вақтдан ютади.
7. Қизиқарли ўтади.
8. Дарснинг самарадорлиги ошади.
9. Дунёқарашни кенгайтиради.
10. Тафаккурни ривожлантиради.
11. Ўқувчиларининг диққат эътиборини тортади.
12. Ҳар бир ўқувчи билан индивидуал муносабатда бўлади.
13. Хотирани кучайтиради.
14. Изланишга чорлайди.
15. Ўқувчиларни ўз устида ишлашга эришилади
16. Олдиндан натижа қафолатланади.

Ўқитишдан кўзланадиган мақсад бу давлат таълим стандартларида белгиланган билим ва кўникмаларини ўқувчиига етказишдан иборат. Қачонки ўқувчи томонидан билим қабул қилинса ва моҳияти тушуниб етилса, ўқувчи учун мўлжалланган топшириқларни амалда намойиш этиб бера олсагина шунда муваффақиятли деб ҳисобласа бўлади.

Бошланғич таълим жараёнида ўқитувчилар томонидан педагогик технология назарияси, унинг моҳияти, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш, бошланғич таълим ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакалари даражасини олдиндан ташҳислаш, улар томонидан ташкил этилаётган ўқув фаолияти мазмунини назорат қилиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш, педагогик фаолият самарадорлигини аниқлаш борасидаги назарий билимлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

1.3. Хорижий давлатларда бошланғич таълим тизими

Германия давлати таълим тизими

Бошланғич таълим тизими. Германия Федератив Республикаси 16 та мустақил Федератив ерлар (вилоятлар)дан иборат бўлиб, ҳар бири шаклига кўра турлича бўлган таълим

тизимига эга. Таълим муассасалари асосан давлат тасарруфида бўлиб, улар учун таълим дастурига тегишли бўлган давлат кўрсатмалари мавжуд.

Таълимни жорий қилиш ва бошқариш Федерал ерлар (ФЕ) ҳукуматининг компетенциясига киради, лекин марказ томонидан умумий раҳбарлик ҳам бор: таълим вазирлиги таълим сиёсати концепциясини ишлаб чиқади, ОЎЮларини кенгайтиришга маблағ ажратади. ГФР конституциясига кўра ҳар бир Федерал ер ўз ҳудудидаги мактаб ва олий таълимни режалаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича ўзи жавоб беришга қарамай, барча Федерал Ерлар ва Федерал ҳукумат умумтаълим ва олий таълим муассасаларида ўқитиш курсларида бирликни таъминлаш мақсадида ҳамкорлик қиладилар.

Федерал органлар ва Федерал Ерларнинг таълим соҳаси бўйича сиёсати келишилган: таълимнинг давомийлиги, таътиллар, ўқув дастури, имтихонларни ўзаро тан олиш, аттестатлар, мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома, дипломлар, унвонлар шулар жумласидандир.

Федерал ҳукуматнинг ҳуқуқлари асосий қонунларни қабул қилишда, жумладан молиялаштириш масалаларида чегараланган. Таълимдаги харажатлар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- ✓ бирорта Федерал Ерлар давлат умумтаълим, касбий ўқув юртларида ўқиш учун пул олмайди;
- ✓ барча Федерал ерларда ўқувчиларни уйдан мактабга, мактабдан уйга ташувчи автобусларни ўз ҳисобидан беради;
- ✓ деярли барча ўқувчиларга дарслик ва ўқув қўлланмаларни қийматининг озгина қисмига берилади;
- ✓ маълум тоифадаги ўқувчилар ва талабаларга мавжуд федерал қонунларга кўра давлат моддий ёрдам кўрсатади.

Германияда хусусий мактабларга руҳсат берилган, улар орасида диний мактаблар ҳам бор. Бу мактабларда тахминан 8% ўқувчилар таҳсил оладилар. Хусусий мактаблар ўқув дастурларини танлашда давлат мактабларига нисбатан эркин бўлганлиги боис турли педагогик муқобилларнинг апробацияси ўтказилиб турилади.

Секин аста дифференциялашган таълим тизими, яъни ҳар бир ўқувчига унинг қобилияти ва ўқишдаги турлича йўналишига кўра мослашувчан ёндашув киритилмоқда. Умуман олганда Германия таълим тизими бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Элементар таълим: мактаб таълимининг 1-босқичига тегишли бўлиб, мактабгача муассасалар киради. Асосан булар болалар боғчалари, тайёрлов синфлари ва кириш гуруҳлари бўлиб, бу ерларга болаларнинг қатнашиши 3 йил давомида ота-оналар хоҳишига кўра ихтиёрийдир.

2. Таълимнинг биринчи босқичи. (Primastufe) бошланғич мактаб, унга 6 ёшдан қатнай бошлайди. Ўқиш муддати 4 йил, Берлин ва Бранденбургда 6 йил. Бу босқичдаги таълимнинг мақсади – болаларга таълимнинг иккинчи босқичидаги у ёки бу мактабда таълимни давом эттиришга имкон берувчи асосий билимларни беришдан иборат.

3. Таълимнинг иккинчи босқичи (Sekundastufe I) “йўналишли босқич” деб номланувчи босқичдир, унда болаларни уларнинг иқтидорига кўра ўқув муассасаларининг керакли турига йўналтиради: асосий мактаблар, реал мактаблар, гимназиялар, комплекс мактаблар. Ўқувчилар таълим ҳақидаги аттестатни реал ва асосий мактабларни битиргачгина олишади.

4. Таълимнинг иккинчи босқичи (Sekundastufe II) га гимназиянинг юқори синфлари, шунингдек касбий таълим ва муассасаларда касбий таълим киради. Муассасаларда касбий таълим “дуал тизим” деб ҳам аталади, унда таълим ва ишлаб чиқаришда амалиёт 2 йил давомида олиб борилади, бу ўқишни тугатиш ўрта таълимни тугатиш билан тенг бўлиб, якунида фақат касбий соҳада ўқишни давом эттириш мумкин. Гимназияда 3 йил ўқиб, ўқувчилар умумий шаҳодатнома “етуклик аттестати” – абитур оладилар, бу уларга истаган олий ўқув юртига киришга имкон беради.

5. Таълимнинг учинчи босқичи олий маълумот ҳақида диплом берувчи олий ўқув юртлари ва малака ошириш ўқув муассасалари. ГФР таълим тизими умумевропа таълим тизимига интеграциялашган: ўқув муассасаларининг барча турлари Европа Иттифоқи (ЕИ) дастурини амалга оширишга мўлжалланган, ЕИ давлатлари таълим стандартлари унификация (бир хиллаштириш) қилинган, дипломлар бу давлатларда кучга эга.

Германия узоқ даврлардан бери фан ва маданият маркази сифатида машҳурдир. Шиллер, Гёте, Шнегер, Гумбольдт, Кант, Гегель ва бошқалар каби буюк шоирлар, ёзувчилар, философлар ва жамоат арбоблари ҳаммага таниш. Германияда ўрта асрларда ташкил топган 1-университет мавжуд. Энг қадимий университет бу Гейдельберг университети бўлиб, 1386 йил ташкил топган.

1388 йил ташкил топган Кёльн университети қадимий университетлардан саналади. Бу ўқув муассасалари қадимий анъаналари ва классик таълими билан машҳурдир. Германия Федератив Республикасининг “Таълим тўғрисидаги асосий қонунига” кўра ҳар бир ўқувчи ўз шахсини эркин ривожлантириш, ўз иқтидори, мойиллиги ва қобилиятига қараб мактаб, ўқиш жойи ва касб танлаш ҳуқуқига эга.

Таълим соҳасидаги бундай сиёсатнинг мақсади ҳар бир шахснинг қизиқиши ва талабларга жавоб берадиган малакали тайёргарликни олиш имконини беришида имкон қадар кўпроқ ёрдам беришдан иборатдир. Германиянинг ҳар бир ўқувчиси бутун ҳаёти давомида умумий, олий ва касбий таълим олиш имкониятига эга. Чунки Германия юқори ривожланган sanoat давлатларидан бири бўлиб, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж катта. Германия ҳукумати турли соҳаларда сифатли мутахассис кадрларни тайёрлашга манфаатдор. Шу боис немис таълим тизимининг ривожланишига катта миқдорда маблағ ажратилади.

Канада таълим тизими

Бошланғич таълим тизими. Канадаликларнинг энг муҳим ютуқларидан бири - бу уларнинг таълим тизимидир. Илғор университет ва коллежлардаги таълим сифати жуда юқори ва Канада дипломлари бутун дунёда тан олинади. Халқаро рейтингда Канада таълими АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Канаданинг турли провинциялари ўқув режаларида ўзига хосликлар кўринади.

Масалан, Квебек, Онтарио, Манитоба мактабгача муассасада мактабга тайёрлаш 2 йил, 4 ёшдан 6 ёшгача, Алберт ва Британ Колумбиясида 1 йил. Ўқув йили сентябрнинг биринчи ҳафтасидан бошланади ва июннинг охиригача ҳафтасида тугайди. Канада мактабларида таълимнинг ўртача давомийлиги 12 йилни ташкил қилади. 6-7 ёшдан болалар бошланғич мактабга қатнай бошлайди ва унда 6 йил таҳсил олишади.

Манитоба ва Онтарио бошланғич мактабларида ўқиш бошқа провинциялардан кўра 2 йил кўп давом этади. 12 ёшдан болалар ўрта мактабга ўтишади ва 16-18 ёшгача ўқишади. Квебек провинциясида ўрта таълим 11 синф давом этади, университетда ўқишни хоҳлаганлар эса яна 2 йил коллежга тайёрлов бўлимида ўқишади. 10-12 синфлар High School -олий мактабда олиб борилади.

Бу ердаги "олий мактаб" тушунчаси олий таълимга тегишли эмас, у Россиядаги ўрта таълимга ўхшаш. Олий мактабда ўқиш ўрта таълим каби мажбурий эмас. Бу таълим турли учта мураккабликдаги дастур асосида олиб борилиб, ўқувчиларни меҳнат фаолияти билан шуғулланишга, коллежга ёки университетда ўқишни давом эттиришга тайёрлайди.

Коллежлар асосан, 2 ёки 3 йиллик дастур асосида, баъзан бакалаврият дастури бўйича таҳсил беради. Улар асосан ўрта махсус таълим тўғрисида диплом ёки сертификат беради. Шу билан бирга, айрим провинцияларда ижтимоий коллежлар фаолият кўрсатиб, улар битирувчиларга диплом бермайди. Балки, мактаб ва университет ўртасида ўтиш босқичи бўлиб хизмат қилади.

Япония таълим тизими

Бошланғич мактабга 6 ёшдаги япон болаларнинг 99% қатнайди. Ўқув режасига япон тили, гуманитар фанлар, арифметика кабилар киради. Санъат ва ҳунар (япон хусни хати), мусиқа, уй хўжалигини юритиш, жисмоний тарбия, ахлоқий одобнома академик предметлар ҳисобланмайди.

Японияда бошланғич таълим мажбурий ва бепул бўлиб, машғулотлар апрел ойида бошланади. Ўқув йили 3та чорак – семестрга бўлинади. 1-чорак – 6 апрелдан – 20 июлгача давом этади, кейин ёзги таътил бошланади. 1-сентябрдан 2-семестр бошланади ва 26 декабргача давом этади. 26-декабрдан 7-январгача қишги таътил бўлади. Охириги 3-семестр 7-январдан 25-мартгача давом этади.

25-мартдан 6-апрелгача баҳорги таътил бўлади. Шу пайтда ўқувчилар синфдан синфга кўчади. Чорак-семестрларнинг бошланиши ва тугалланиши турли мактабларда турли саналарга тўғри келиши мумкин. Таътил пайтида

ўқувчилар уй вазифаларини оладилар. Баъзан таътил пайтида ҳам, агар семестрда яхши ўқимаган бўлса, махсус курсларда ўқийдилар.

Японияда ўқиш 6 кунлик, лекин ҳар 2-шанба дам олиш кунни ҳисобланади. Мактабларда ўқитиш дастури ўзгарувчан, лекин Таълим вазирлиги тасдиқлаган стандартларга асосланади. Бошланғич таълимни молиялаштириш, ўқитувчилар билан таъминлаш, мактаб дастурларини яратиш маҳаллий ҳокимият зиммасида. Бошланғич таълимда болалар давлат ҳисобидаги 1945 канджи иероглифдан 100бтасини ёд олиши керак.

Ота-оналар фарзандларини ўз туманларида жойлашган мактабга боришини истамасалар, хусусий пуллик таълим муассасасига беришлари мумкин, лекин бу мактабларга жуда қийин танлов орқали қабул қилинади.

Назорат саволлари.

1. «Технология» сўзи қандай маънони англатади.
2. Метод нима.
3. Педагогик технология қандай хусусиятларни намоён этади.
4. Интерфаол методларга таъриф беринг.
5. Педагогик жараённинг моҳияти нималарда кўринади.
6. Замонавий ўқитиш технологиялари қандай тизимлардан иборат.
7. Интеграциялашган технологиялари ҳақида маълумот беринг.
8. Хорижий таълим тизимида бошланғич таълим қандай.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
2. Инновация таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т., 2006.
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 260 б.
5. Ж.Ф.Ёўлдошев «Педагогик технология асослари», Т: «Педагог», 2004 йил.
6. О. Розиков ва бошқалар. «Таълим технологияси».Т. :-«Педагог»-1999.
7. Болаларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш. Т., РТМ. 2004 й.
8. Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар - Т: Молия нашр., 2003

9. Йўлдашев Ж.Ф. Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.-Т.: 2001
10. Ишмухамедов Р.Ж. ва б.қ. Таълимда инновацион технологиялар.-Т.: 2008
11. Ж.Йўлдошев ва бошқалар. Замонавий дарс. -Тошкент 2007.
10. Давид Уатсон. The Question of Conscience Higher education and personnel responsibility. Oxford, Institute of Education Press. 2014.
11. . Мариа Роса, Алберто Амарал. Quality in Assurance in Higher Education. Contemporary Debates. England, Hampshire, 2014.
12. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. – Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2011. – 275 б.
13. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. –Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2012 й.
14. Қодирова З. Ўқувчиларда толерантликни ривожлантиришнинг баъзи масаларига доир. // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ. – Т., 2008. -№. – Б.42.
15. Навигатинг the new педагог: six principles that transform teaching/Жефф Налстеад, Унитед Кингдом, 2011 – 131-139 п.
16. Жан Киелвен THE ARTFUL SCIENCE OF INSTRUCTIONAL INTEGRATION. Adapted from: BEYOND MONET. Барри Беннетт / Сарол Роллеисер. 2001 п 14-15.

2-Маъруза: Бошланғич таълимда таълим технологиясининг назарий асослари

Режа:

2.1. Таълим технологиясининг назарий асослари

2.2. Ҳамкорлик ўқитиш технологиясининг концептуал ғоялари.

2.3. Ўқув материалларини тизимлаштиришнинг дидактик параметрлари.

Таянч тушунчалар: ҳамкорлик технологияси, концептуал ғоя, педагогик фаолият, касбий муаммолар, стратегия, яхлит, ўқув материал, тизимлаштириш, дидактик параметрлари, тьюторлик.

2.1. Таълим технологиясининг назарий асослари

Таълим жараёни яхлит тизим сифатида. Таълим жараёни таълим технологиясининг асосини, ядросини ташкил этади ҳамда таълим мақсади, таълим мазмуни, ўқувчи, таълим шакли, метод, воситалари ва таълим берувчи каби унсурлардан иборат тизим сифатида намоён бўлади. Таркибий унсурлар ўзаро бирлик ва алоқадорликда таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишга хизмат қилади.

Таълим жараёни бир нечта шартларга мувофиқ ташкил этилади. Улар қуйидагилардир:

1) таълим олиш, муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга бўлган ижтимоий (ёки шахсий) эҳтиёжларнинг юзага келиши.


2) таълим олиш, муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга нисбатан рағбатнинг уйғониши;

3) ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти мазмунини белгилаш;

4) ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятини бошқаришни йўлга қўйиш омилларининг мавжудлиги

Таълим технологиясининг функционал тузилмаси бевосита таълим жараёнининг моҳиятини тўлақонли ёритишга хизмат қилади. Яъни, ушбу тузилма ўзида таълим жараёнининг умумий кўриниши (ташкилий шакли ва ички моҳияти), образини ифода этади.

Таълим технологиясининг функционал тузилмасини тасвир орқали қуйидагича акс эттиришга ҳаракат қилдик. Ижтимоий рақобат мавжуд бўлган шароитда мўтадил фаолият юртиш, рақобатга нисбатан ишчанлик иммунитетини ҳосил қилиш манфаатлар тўқнашувида «омон» қолиш, юқори мавқеига эга бўлиш учун имконият яратади. Шу боис ўқувчиларда таълим олиш, назарий ва амалий билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашув ҳисси қарор топмоқда.



Таълим технологиясининг функционал тузилмаси

Бу эса уларда таълим олишга бўлган рағбатни ҳосил қилмоқда. Эндиликда таълим олиш, муайян касб-ҳунар ёки мутахассислик маълумотларини эгаллаш, бу борада маълум кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда. Таълим олишга бўлган рағбат ва унинг мазмуни таълим жараёнининг муваффақиятининг гарови, кафолати бўла олади.

Таълим олишга бўлган рағбат ўқувчи ҳамда ўқитувчи иштирокидаги ўқув-билиш фаолияти асосининг шаклланишида ҳам муҳим

аҳамият касб этади. Яқин ўтмишда ўқувчининг таълим жараёнидаги иштироки назарий билимларни қабул қилиб олувчи ва ўзлаштирилган назарий билимлар, амалий кўникмаларни намойиш этувчи субъект сифатидаги роли билан кифояланган бўлса, таълим технологияси талабларига кўра ўқувчи таълим жараёнининг етакчи субъекти, асосий ижрочиси сифатида кўринади.

Эндиликда ўқувчи ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборот (билим)ларни қабул қилмайди. Балки таълим берувчининг йўлланмаси, кўрсатмасига мувофиқ тавсия этилган ўқув манбалари билан мустақил равишда танишиш орқали назарий билимларни ўзлаштиради, ўқитувчининг назорати остида амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилади. Ўқувчи мустақил фаолият юритиш, назарий билимларни ўзлаштириш асосида ўзида фикрни илгари суриш, далиллар келтириш, ўз фикрини ҳимоя қилиш лаёқатини тарбиялай олиши, ўз-ўзини танқид қилиш, ўз-ўзини баҳолаш сифатларини қарор топтира олиши талаб этилади. Давр талаби ўқувчини таълим жараёнининг сушт тингловчиси бўлишдан фаол иштирокчисига айлантиришни тақозо этмоқда.

Ўқувчининг фаолият мазмунини тўлақонли ёритилишида таълим шакли, метод ва воситаларининг аҳамияти катта. Зеро, улар ўқувчининг имкониятларини юзага чиқариш, билим, кўникма ва малакаларини аслидек, мавжуд даражасида ёритиб бериш учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Ўз навбатида ўқувчиларнинг ёш, психологик, физиологик хусусиятлари, билим даражаси, дунёқарашининг кўлами ҳамда уларнинг фаоллиги самарали, илғор, ноанъанавий таълим шакл, метод ва воситаларини танлаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун туртки бўлади.

Технология (юнон. “techne” – маҳорат, санъат, “logos” – тушунча, таълимот) – муайян (ишлаб чиқариш, ижтимоий, иқтисодий ва б.) жараёнларнинг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши

Таълим технологияси (ингл. “an educational technology”) – таълим (ўқитиш) жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши

Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш

Таълим методи – ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизими

Бошланғич таълим ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасини пухта ишлаб чиқишдан фарқли ўлароқ, таълим технологияси тингловчилар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у тингловчиларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Таълим технологиясининг марказий муаммоси – таълим олувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

2.2. Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг концептуал ғоялари.

Ҳамкорлик таълими педагог ва ўқувчи (талаба)ларнинг таълимий фаолият жараёнида биргаликда ривожланишлари, бир-бирларини тушуна олишлари, бир-бирларига нисбатан яқинликни ҳис қилишлари, фаолият босқичлари ва уларда эришилган натижаларни ҳамкорликда таҳлил қилишдан иборат бўлиб, илғор, ривожлантирувчи ғояларни ўзида акс эттириши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳамкорлик таълимининг асосий ғояси ўқув топшириқларини биргаликда бажариш, биргаликда таълим олишни назарда тутади.

Ҳамкорлик таълимининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- ✓ педагогик талабни инкор этган ҳолда таълимий ҳамкорликка асосланувчи муносабатларни ташкил этиш;
- ✓ - ўқувчи, талабаларга инсонпарварлик ғоялари асосида индивидуал ёндашиш;
- ✓ таълим жараёнида касбий ва маънавий бирликнинг қарор топишига эришиш.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиялари педагогик жараённи такомиллаштириш, уни ўқувчи шахсига йўналтиришга асосланганлиги. Ижодкор шахсни шакллантиришга йўналтирилган ижодий муҳитни яратиш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши.

Ҳамкорликда ўқитиш машғулотларининг асосий жараёнлари: ҳамкорликда фикр алмашиш, суҳбат, таҳлил, мунозара, музокара, амалий вазифалар бажариш, бирор нарсани қуриш, яшаш масалалар ечиш ва бошқалар.

Ҳамкорликда ўқитиш машғулотларининг ташкилий шакллари: ўқитувчи - синф, ўқитувчи - кичик гуруҳ, ўқитувчи - катта гуруҳ, ўқитувчи - ўқувчи, ўқитувчи - ўқувчи (жуфтликда ишлаш), кичик гуруҳ - кичик гуруҳ, кичик гуруҳ - синф ва бошқалар.

Ўқувчиларни ҳамкорликка ўргатиш, уларнинг ўқитувчи билан ва ўзаро ҳамфикр бўлишларига эришиш:

Ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан самарали фойдаланишнинг педагогик, психологик ва услубий асослари:

- ташкилий - педагогик асослари – ўқув режа, дастур, дарс мавзуси, ДТС талаблари ва уларга мувофиқ даражада ўзлаштирилиши талаб қилинадиган янги билим ҳажми асосида ўқув машғулоти иштирокчиларининг ҳамкорликда ишлашлари учун шарт - шароит, имкониятларни белгилаш ва амалга ошириш;

- психологик асослари - ўқувчиларнинг психологик ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, машғулотларда ҳар бир ўқувчи учун қулай психологик муҳит яратиш, эркин мулоқотни сифатли уюштиришда дарс мавзуси, мазмуни, қўлланилаётган тушунчалар, атамалар; таърифлар, формулалар ва бошқа шартларнинг ўқувчилар учун тушунарли бўлишини таъминлаш;

-услугий асослари - машғулот учун зарур воситаларни олдиндан ишга тайёрлаш, уларнинг талаблар даражасида сифатли бўлишини таъминлаш.

Мулоқот усуллари ҳамда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва бошқалар.

Ҳамкорликда ўқитиш самарадорлигини таъминловчи омиллар:

- ўқувчиларнинг дарс мазмунига ижодий ёндашуви;
- дарс жараёнидаги ахборотларни таҳлил ва танқид қилиш ўз хулосаларини асослаш;

- билимларни янги вазиятларда ижодий қўллаш;

- амалий топшириқлар бажариш учун вақтни кўпроқ ажратиш;

- ҳамкорликда ўқиётган ўқувчиларнинг бир - бирига муваффақиятга эришишлари учун кўмаклашуви ва бошқалар

Ўқишга, ўзини-ўзи ўзгартиришга қодир бўлган ўқувчини тарбиялашга қаратилган ўқув ҳамкорлиги нафақат катталар билан, балки ўз тенгдошлари билан ҳам ўқув ҳамкорлигини юритишни назарда тутди. Фикримизча, гуруҳ бўлиб ишлаш – бу болаларнинг ўқув ҳамкорлигини ташкил қилишнинг энг самарали шакллари билан биридир, чунки у қуйидаги имкониятларни яратади:

- Болага ҳис-туйғули ва мазмунли кўмак бериш, чунки бусиз тортинчоқ ва кучсиз болаларда мактаб ваҳимаси ривожланади, етакчи болаларнинг иродаси эса ногўғри шакллана бошлайди;
- Ҳар бир болага ўзига қатъий ишонч ҳосил қилишга ҳамда ўқитувчининг катта обрўси ҳам, бутун синфнинг эътибори ҳам мавжуд бўлмаган кичик бахсларда ўз кучини синаб кўришга имкон яратиш;
- Болаларни ўқиш жараёнига жалб қилиш учун ўқитувчига қўшимча асословчи воситаларни бериш.

«Устоз-ўқувчи» тизимидаги янги муносабатларнинг асосий мазмуни эса мажбур этишни (оқилона чегараларда) бекор қилиш ва қуйидагича ифодаланадиган ўқувни ташкил этишдан иборат:

- Ишончга асосланган мажбурлашсиз талабчанлик;
- Қизиқарли дарс бериш туфайли ҳосил бўлган иштиёқ;

- Мажбурлашни муваффақиятга олиб келадиган хоҳишга алмаштириш;
- Болаларнинг мустақиллигига асосланиш;
- Жамоа орқали билвосита талабларни қўллаш.

Ҳамкорликда ўқитиш услубининг технологияси индивидуал ёндашувни янгича талқин этишни назарда тутди.

Янги индивидуал ёндашувнинг моҳияти ўқув предметидан бола томон эмас, бола томондан ўқув предметига ҳаракатланишдан иборат, яъни болада мавжуд имкониятлардан келиб чиқиш, ривожлантириш, такомиллаштириш ва бойитиш лозим бўлган салоҳиятли имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уни ўқитиш керак.

Жамоада ҳам ўқиш мумкин (асосий фаолият турлари устун бўлганда), чунки унда кучли ўқувчи доимо ютади: у янги материални тезроқ «ўрганиб олади», уни тезроқ ўзлаштиради ва ўқитувчи ҳам кўпроқ айнан унга таянади. Кучсиз ўқувчи эса жамоада борган сари кучсизланиб бораверади, чунки барчасини тўғри тушунишга унинг вақти етмайди, ўқитувчига савол бериш учун эса иродаси етмайди, шунга мувофиқ, у тез ва тўғри жавоб бера олмайди, ва табиийки, умумий муваффақиятга эришиш йўлида бир маромдаги ҳаракатланишга тўсқинлик қилади.

Ҳамкорликда ўқитиш ёки кичик гуруҳларда сабоқ бериш педагогикада гуманистик йўналишдаги технологияга мансуб бўлади. Бундай технологиянинг асосий мақсади – ўқувчилар учун турли ўқув вазиятларда фаол биргаликдаги ўқув фаолиятини юритиш учун шароитлар яратиш беришдан иборат

Ўқувчиларни ҳамкорликка ўргатиш, уларнинг ўқитувчи билан ва ўзаро ҳамфикр бўлишларига эришиш:

Ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан самарали фойдаланишнинг педагогик, психологик ва услубий асослари:

- ташкилий - педагогик асослари – ўқув режа, дастур, дарс мавзуси, ДТС талаблари ва уларга мувофиқ даражада ўзлаштирилиши талаб қилинадиган янги билим ҳажми асосида ўқув машғўлотли иштирокчиларининг ҳамкорликда ишлашлари учун шарт - шароит, имкониятларни белгилаш ва амалга ошириш;

- психологик асослари - ўқувчиларнинг психологик ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, машғўлотларда ҳап бир ўқувчи учун қулай психологик муҳит яратиш, эркин мулоқотни сифатли уюштиришда дарс мавзуси, мазмуни, қўлланилаётган тушунчалар, атамалар; таърифлар, формулалар ва бошқа шартларнинг ўқувчилар учун тушунарли бўлишини таъминлаш;

- услубий асослари - машғўлот учун зарур воситаларни олдиндан ишга тайёрлаш, уларнинг талаблар даражасида сифатли бўлишини таъминлаш.

Мулоқот усуллари ҳамда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва бошлар.

Ҳамкорликда ўқитиш самарадорлирини таъминловчи омиллар:

- ўқувчиларнинг дарс мазмунига ижодий ёндашуви;

- дарс жараёнидаги ахборотларни таҳлил ва танқид қилиш ўз хулосаларини асослаш;

- билимларни янги вазиятларда ижодий қўллаш;

- амалий топшириқлар бажариш учун вақтни кўпроқ ажратиш;

- ҳамкорликда ўқиётган ўқувчиларнинг бир - бирига муваффақиятга эришишлари учун кўмаклашуви ва бошқалар.

Ҳамкорликда ўқитиш машғулотларининг турли шакллари тайёрлаш ва амалда қўллаш машқларини бажариш

Ҳар бир тингловчи айрим турдаги ҳамкорликда ўқитиш машғулотини ўқув материалларини амалда қўллаш учун тайёрлашни ташкил қилиш. Тингловчилар ўз мутахассислик фанлари бўйича ўзлари танлаган мавзудаги дарсни энг мақсадга мувофиқ ҳамкорликда ўқитиш турларида фойдаланиб ўтказиш юзасидан дарс ишланмаси тайёрлайдилар ва унинг асосида гуруҳ иштирокида шу машғулотни қисқа баён қилиб берадилар ва тегишли муҳокама ўтказилади.

Гуруҳларда ишлашни ўрганамиз

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жаҳон таълим маконига кириб боришга мўлжалланган янги таълим тизимининг шаклланиш жараёни кечмоқда. Ушбу давр ўқув-тарбия жараёнининг педагогик назария ва амалиётида жиддий ўзгаришлар билан кечмоқда: ўқитишнинг мазмуни ўзгаряпти, билим бериш жараёнига бошқа ёндашув таклиф этиляпти, бошқача муносабатлар ва ўзини тутиш тамойиллари шаклланыпти. Буларнинг барчасини бизнинг давримиз – ХХИ аср – янги технологиялар ва инсонлар ўртасидаги янги муносабатлар асри тақозо этмоқда. Мактаб эса ҳар қандай даврда жамиятнинг ижтимоий буюртмасини бажариб келган.

Ва бугун бизнинг синфларимизда бўлажак мамлакат Президенти ўтирганлигини (Тошкентдаги мактаб директорларидан бирининг сўзлари бўйича) эътиборга оладиган бўлсак, демак, мактаб ўқитувчилари шундай ишлашлари лозимки, эртага ана шу Президент ҳаётимизни ҳар томонлама яхшилаш олишга қодир бўлсин. Бу эса катта меҳнат ва айни пайтда – катта масъулиятдир. Шундай экан, келинлар, келгуси президентлар, бош вазирлар ва бошқа мансабдорларга қандай билим бераётганимиз, эртанги саноатчилар, кашфиётчилар, қишлоқ хўжалиги ходимларига нималарни ўргатаётганимиз, бўлажак ўқитувчилар, артистлар, ёзувчиларни қандай тарбиялаётганимиз ҳақида бугуноқ ўйлайлик.

Мактабдаги ўқитиш жараёни ўзига нафақат мураккаб билимлар тизимини ўзлаштиришни, кўпгина ўқув ва интеллектуал кўникмаларни шакллантиришни, балки билиб олиш жараёнларини: эътибор, хотира, фикрлаш ва қобилиятни ривожлантиришни ҳам киритади. Ва агар муваффақиятли билим беришнинг якуний натижаси сифатида билим ва кўникмаларнинг ўзини кўрадиган бўлсак, натижада ўқитишнинг ҳар бир янги, янада юқори босқичида ўқувчи янги материални ўзлаштиришда янада катта қийинчиликларга дуч келади. Демак, бундай қийинчиликларнинг

асосий сабаби билиб олиш жараёнларининг ўзи ривожланмаганлигидан иборат бўлади.

Шундан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг билиш қобилиятлари муайян ривожланиши учун ўқитувчилар нима қилишлари, ишлашнинг қандай шакллари кўллашлари, ўқувчиларга қандай шароитларни яратишлари керак?

Бола умумий ривожланиши учун барча керакли шароитларни яратиб берадиган бундай шакллардан бири ҳамкорлик қилиш, бошқа одам билан биргаликда ҳаракат қилишни назарда тутати. Бу ўқув ҳамкорлиги саналиб, унинг мақсади болаларни мактабда ўқишнинг ўзини билишга ўргатишдан иборатдир.

Ўқишни биладиган деб ҳар қандай билим манбаи билан ўқув муносабатларига кириша оладиган бола эътироф этилади. Бола учун биринчи ана шундай манба сифатида мактаб ўқитувчиси ҳисобланади. Ўқитувчи билан ҳамкорлик қила билиш – бу ўқишни билишнинг дастлабки ривожланиш даражасидир.

Ҳамкорлик педагогикасининг таснифий белгилари.

➤ ўқувчиларнинг замонавий ахборот технологиялари воситасида мустақил равишда янги билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши ҳамда улардан амалий фойдалана олиши;

➤ мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда касбий фаолият соҳасидаги янги шакл, метод ва воситаларни ўзлаштириш ҳамда ўз-ўзини ривожлантириш;

➤ машғулотларни он-лине тизимида видео анжуманлар ва семинар-тренинглар асосида ташкил этиш;

➤ профессор-ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги коммуникацияни жадаллаштириш;

➤ ўқувчилар нинг ўқув фанини ўрганиш ва ўзлаштиришга қизиқишларини оширишга йўналтирилган хусусий-методик технологияларни амалиётга татбиқ этиш;

➤ профессор-ўқитувчиларни тьюторлик, фасилитаторлик ва ингиляторлик фаолиятига фаол жалб этиш ва бошқалар.



“Ҳамкорлик технологияси”нинг таснифий тавсифи:

Кўлланиш даражасига кўра: умумпедагогик.

Фалсафий асосларига кўра: инсопарвар.

Асосий ривожланиш омилларига кўра: мажмуавий, биоген, социоген ва психоген.

Шахсга йўналтирилганлигига кўра: ҳартомонлама баркамол.

Мазмунли характериға кўра: таълимий + тарбиявий, дунёвий, инсонпарвар, умум таълимий.

Бошқариш туриға кўра: кичик гуруҳлар тизими.

Ташкилий шаклларига кўра: индивидуал + гуруҳли, табақалашган.

Болага ёндашувға кўра: шахсий-инсонпарвар, субъект-субъектлик(хамкорлик).

Методларни қўлланилишиға кўра: муаммоли-изланувчан, ижодий, диалогли, ўйинли.

Таълим олувчилар тоифасига кўра: оммавий.

Хамкорлик педагогикаси 4та асосий йўналиш бўйича амалга оширилади:

❖ шахсга инсон, шахс сифатида ёндашув;

❖ диалектик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажмуа;

❖ тарбия концепцияси;

атроф - муҳитни таълим-тарбияга мослаш; (педагогизатсиялаш)

Хамкорликда ўқишнинг асосий зояси – бир нималарни бирга бажаришигина эмас, балки биргаликда ўқишдир!

Кооператив равишда (ёки биргаликда) ўқиш – бу умумий масалани ҳал қилиш учун бирлашган ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда биргаликда ишлаш услубидир.

Гуруҳ бўлиб ишлашнинг технологик жараёни қуйидаги элементлардан шакланади:

- Билим олиш бўйича вазифани (муаммоли вазиятни) қўйиш;
- Синфни ўқув мақсадларига мувофиқ бўлган гуруҳларга бўлиш;
- Дидактик материални тарқатиш;
- Гуруҳдаги ишни режалаштириш;
- Топшириқни индивидуал равишда бажариш, натижаларни муҳокама қилиш;
- Гуруҳнинг умумий вазифасини муҳокама қилиш (эътирозлар, қўшимчалар, аниқлаштиришлар);
- Гуруҳ ишининг натижалари тўғрисида хабар бериш;
- Гуруҳлар ишлари ва қўйилган вазифага эришиш тўғрисида умумий хулоса чиқариш.

Шахсий-инсонпарвар ёндашув:

Шахс субъектдир, ҳар бир бола қобилиятли. Педагогик мулоқотни инсонпарварлаштириш ва демократиялаш:

- болаларга муҳаббат, уларнинг тақдирига қизиқиш;
- боладаги умидли ишонч;
- хамкорлик, мулоқот маҳорати;
- тўғридан-тўғри мажбур қилишни бекор қилиш;
- ижобий рағбатлантиришнинг муҳимлиги;
- болалардаги камчиликларга сабрли бўлиш;
- ўқитувчи ва ўқувчи ҳуқуқларини тенглаштириш;

- боланинг эркин танлаш ҳуқуқи;
- хато қилиш ҳуқуқи;
- шахсий қарашларга бўлган ҳуқуқ;
- бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенцияга амал қилиш;
- ўқитувчи- ўқувчи муносабатлари усули: тақиқлаш эмас, йўналтириш; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буйруқ бериш эмас, ташкиллаштириш; чегараламаслик, эркин танлашни йўлга қўйиш.

Замонавий шароитда натижаларга олиб келмайдиган туғридан-туғри мажбурлашдан метод сифатида воз кечиш:

- мажбурловсиз, ишончга асосланган талабчанлик;
- туғма қизиқувчанликни ҳисобга олиб ўқитиш;
- мувафакқиятсизликка сабаб бўладиган мажбурий истакни алмаштириш;

- болаларнинг мустақиллиги ва мустақил фаолиятини ўрнатиш;
- жамоа орқали бевосита талабларнинг қўлланиши.

Индивидуал ёндашувнинг янги талқини:

- ўрта ўқийдиган ўқувчилар га йўналтиришни бекор қилиш;
- шахснинг энг яхши сифатларини излаш;
- шахсни психологик-педагогик ташхис этиш (қизиқишлари, қобилия-ти, йўналганлик, Мен-концепцияси, характери, фикрлаш жараёнларининг ўзига хослиги) нинг қўлланилиши;
- ўқув-тарбия жараёнида шахснинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш;
- шахс ривожини башорат қилиш (прогнозлаш);
- ривожланишни, уни коррекциялашнинг индивидуал дастурларини лойиҳалаш.

Дидактик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажмуа:

- таълим мазмуни шахс ривожланишининг мазмуни сифатида қаралади;
- билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ва умумлашган фикрлашга ўргатиш;
- мактаб фанларини интегратсиялаш, умумлаштиришга ўтилиши;
- таълимнинг вариативлиги ва табақалашганлиги;
- ўргатишнинг ижобий рағбатларидан фойдаланилади.

Тарбия концепцияси:

- Билимлар мактабини Тарбия мактабига алмаштириш;
- барча тарбиявий тизимлар марказида ўқувчи шахсини қўйиш;
- тарбияга инсонпарвар ёндашув, умуминсоний қадриятларни шакл-лантириш;
- боланинг ижодий қобилиятларини, унинг индивидуаллигини ривожлантириш;
- миллий ва маданий анъаналарни тиклаш;
- индивидуал ва жамоавий тарбияни ҳисобга олиш.

Ўқувчиларга мустақил билиш, фикрлаш ва ижодий изланишга мажбур қиладиган, муаммоли ҳаётий далилларга асосланадиган вазиятли топшириқларни бериш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчи топшириқларни ижодий фикрлаш ва мустақил ишлаш орқали бажаришлари лозим.

Ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотида компетентли ёндашув алоҳида аҳамият касб этади.

Умуман олганда **компетентли ёндашув** – талим ва тарбия ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун асосий омилдир.

Умумевропа намуналари асосида тузилган Давлат таълим стандартларида компетенцияга қуйидагича изох берилган. Компетенция - коммуникатсия иштирокчиларининг ўзлари томонидан қўйилган аниқ сабаб ва мақсадларга қаратилган турли хил хатти-ҳаракатларни бажаришга имкон берадиган билим, кўникма ва шахсий фазилатлар йиғиндисини ифодалайди.

Кенг маънода компетенция масаланинг, шунингдек, муайян билим соҳасининг моҳиятини мувафакқиятли ҳал этишда амалий тажрибага асосланиб, билим ва кўникмаларни қўллай олиш қобилиятидир.

Таълимда компетентлик билан ёндашув ўқувчиларни турли кўникмаларни эгаллаш, келажакда ижтимоий, касбий ва шахсий ҳаётларида самарали ҳаракат қилишга йўналтиради. Компетенциянинг турлари қуйидагича:

- компетенция - зарур (кўзланган) натижага эришиш учун амалга ошириладиган фаолият.

- амалий компетентлик - билим маҳсули бўлиб, амалиётда қўллай билиш қобилияти.

Шунингдек, компетенция, билимдан фарқли, амалий фаолиятсиз намоян бўлмайди ва уни баҳолай олиш мумкин эмас.

Ташкилий-педагогик ёндашувдаги муҳим йўналишлари



"Компетенция" тушунчаси (лотинча **"компетере"** - мос келмоқ маъносини беради) қуйидаги моҳиятларни ифодалайди:

Компетенция сўзи кенг маънода - умумий ёки муайян кенг қамровли масалаларни ечишда мавжуд билим ва қўникмаларни амалий тажрибада қўллаш олиш қобилиятини англатади.

Касбий компетентлик - касбий фаолиятга оид масалаларни ҳал этишда билим ва қўникмаларни амалий тажрибада самарали қўллаш олиш қобилиятидир.

Компетенция - бу кутилган натижага олиб келувчи фаолият белгисидир. У билим маҳсули бўлиб, мутахассис томонидан уни амалиётда қўллаш олиш қобилиятидир. Компетенциянинг билимдан фарқи шундаки, вазифани амалий бажармасдан туриб, уни аниқлаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди. Малака компетентликнинг муҳим мезони бўлиб, у турли ҳолатларда, шу қатори муаммоли вазиятларда ҳам бир неча бор қўллаш натижасида намоён бўлади.

Касбий компетентлик даражалари



Ҳозирги пайтда олий ўқув юрти профессор-ўқитувчисидан талаб қилинадиган компетентлик қуйидаги турларга ажратилади:

- профессор-ўқитувчи томонидан ўз билимини мунтазам равишда бойитиб бориш, эгаллаган малакаларини такомиллаштиришга тайёр бўлиш, замон янгиликларидан бохабар бўлиш;
- таълим жараёнида ахборот коммуникатсия, информатсион технологиялари ва ўқитиш воситаларининг барча турини қўллай олиш кўникма ва малакасига эга бўлиш;
- анланган ва мустақил фаолият (мустақил фикр, мақсад қўйиш, ўқув адабиёти ва қўшимча манбалардан тўғри фойдалана олиш);
- ташаббускорликда ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қила олиш;
- танқидий фикр юрита олиш ва дарс жараёнида юзага келган муаммоли вазиятларни ижобий ҳал эта олиш;
- ҳамкорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш, эмпатия билдириш, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган педагогик мулоқотни ўрната олиш;
- чуқур касбий билимдонликка эга бўлиш.



Профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги



Ҳозирги замон олий ўқув юрти профессор-ўқитувчисининг касбий билимдонлиги ва қобилияти мезонларига қуйидагилар киради:

Ижтимоий билимдонлик - дарс мобайнида аудитория билан самарали ўзаро муомала шаклини ташкил эта олиш, ёшлар билан тил топиш ва соғлом маънавий муҳитни ҳосил қила олиш қобилияти.

Услубий билимдонлик - барча билимларини, кўрган-кечирганларни ёшларга тушунарли, раван тилда етказа олиши, таълим технологияси ва методларидан самарали фойдаланиши.

Ихтисослик билимдонлиги - ўз фани ва предмети соҳаси бўйича чуқур ва ҳар томонлама мукамал билимларга эга бўла олиши, ўз устида ишлаш қобилияти.

Бугунги ўқувчи илмга, янгиликларга бўлган кучли қизиқиши, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникатсия технологиялари янгиликларидан бохабарлиги сабабли анчагина маълумотларга эга, унинг эҳтиёжлар тизимини, ўқитувчига бўлган талаб-таклифларини аниқ билиб тил топиша олган шахсина педагогик жараёнда катта ютуқларга эришади.

Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи лозим.

Билиш қобилияти – яни бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради, материални мукамал билади, унга ниҳоятда қизиқади, илмий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

Тушунтира олиш қобилияти - ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, ўқувчиларда мустақил равишда тўғри

фикрлашга қизиқиш уйғота билиш. Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув материални ўзгартира олиши, кийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши лозим.

Қобилиятли педагог ўқувчиларнинг билим ва камолот даражасини ҳисобга олади, уларни нимани билишлари ва ҳали нимани билмасликларини, нимани унутиб қўйганликларини тасаввур этади.

Кузатувчанлик қобилияти - ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик рухий ҳолатларини тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанлик. Бундай ўқитувчи кичкинагина аломатлар, унча катта бўлмаган ташқи белгилар асосида ўқувчининг руҳиятидаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам фахмлаб олади.

Нутқ қобилияти - нутқ ёрдамида, шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалашдир. Ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтираётган, ўқувчининг жавобини таҳлил қилаётган ёки баҳолаётган бўлса ҳам, унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсага қизиқаётганлиги билан ажралиб туради.

Обрў орттира олиш қобилияти - ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олишдир. Обрў фақат шу асосдагина эмас, балки ўқитувчиларнинг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлилиги ва ҳоказолар асосида ҳам қозонилади. Ўқувчилар кўполлик қилмайдиган, кўрқитмайдиган, ҳалол-покиза тўғри талаб кўя оладиган ўқитувчини жуда хурмат қиладилар.

Тўғри муомала қила олиш қобилияти - болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлиги.

Келажакни кўра билиш қобилияти - ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билишда, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчида қандай фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади. Бу қобилият педагогик оптимизм, тарбиянинг қудрати, одамга ишонч билан боғлиқдир.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти - ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари - ҳажми, кучи, кўчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги кабиларнинг тараққий этган бўлиши муҳимдир.

Ўқитувчи юкорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари бир канча ижобий сифатларга - аниқ мақсадни кўзлаш, катъийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби фазилатларга ҳам эга бўлиши керак.

Профессор-ўқитувчи ўзини эгаллаб турган лавозими даражасида касбий компетентликка эга эканлигини ҳис этгандагина педагогик жараёни муваффақиятли ташкил этиши мумкин, деган хулосага келдик. Зотан уни касбий билимдонлик, ҳалоллик, ростгуйлик, изланувчанлик, тинимсиз сермахсул меҳнат, ижодкорлик ва яратувчанлик каби фазилатлар

юксалтиради. Унинг билимдонлиги, фаоллиги, меҳнаткашлиги, камтарлиги, маънавияти ва маданияти, маърифатлилиги ўқувчилари, бўлажак касб эгаларининг хурмат- эҳтиромига сазовор этади.

Биргаликдаги самарали фаолият концепцияси

Ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамда ўқувчиларнинг ўқувчилар билан биргаликдаги самарали фаолияти концепциясини профессор В.Я. Ляудис ишлаб чиққан.

Бу ўқув вазияти бир-бири билан боғлиқ **тўрт қисмдан** иборат:

- ўқув предметининг мазмуни;
- шароит;
- ўзаро ҳаракатдаги ўқув тизими;
- барча қисмларнинг ўзаро алоқа динамикаси.

Биргаликдаги самарали фаолият вазиятини ташкил этишга кўйиладиган талаблар:

- Ўқишнинг бошидан қатнашчиларни ижодий самарали фаолиятга кўшиш;
- Оралиқ вазифалар тизимини ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг биргаликда режалаштириши;
- Ўқув фаолиятида ҳамкорлик, мазкур фаолиятга ўзининг хиссасини кўшишини аниқлашга йўналтириш;
- Ўқитишнинг бориши қонуниятлари: фаолиятга кириш, ҳаракат, имитатсион ҳаракатлар, ҳаракатни қўллаш.

БСФ концепцияси табиий ҳолда “ҳамкорликда ўқитиш технологияси” ичига киради ва кўйидаги ғояларга асосланади:

- қийин мақсад ғояси;
- таянч ғояси (асосий тушунчалар, сигналлар);
- эркин танлаш ғояси (кўп масалаларнинг ичидан);
- катта блоклар ғояси;
- диалогли фикрлаш ғояси.

Ғоялар катта аҳамиятга эга. Улар жалб қилади. Улар қизиқиш уйғотади. Улар дунёни ўзгартиради. Бу фикр ҳақида ўйланг: ”Биз билладиган бу ҳақиқатлар шак-шубҳасиз аниқ, яъни барча эркак кишилар тенг яратилади, улар яратувчиси томанидан инкор қилиб бўлмайдиган ҳуқуқлари билан улар орасида ҳаёт, озошлик ва бахт излаш ҳуқуқлари билан таъминланади”. Бу фикрлар Америка революциясига куч тўплашни ва дунё ҳокимиятларининг тузилишининг ўзгаришини гавдалантиради.

Америка океандан океанга чўзилишига ишониб 200000 дан ортиқ ташаббускорлар поезд вагонларига кўшилди ва яхши ҳаёт кечириш учун мамлакат бўйлаб қийналиб юрдилар. Бу тушунча Ғарбни Европа ва Осиёлик одамлар билан бир неча авлодларни жойлаштиради. Бу фикр ҳамиша Америка –ҳинду маданиятини ўзгартиради.

Ғоялар катта кучга эга. Улар яшашга йўналтиради, кўп мартаба инсоният онгли равишда билмасдан, англамасдан ҳатти-ҳаракатлар орқали аниқлайди. Янги ғоялар яшашни қайта йўналтиради. “Каттароқ бу яхшироқ “

бу тушунча Америкаликларнинг кўп қаватли уйлар қуришига ва юк машиналари ҳайдашга ва СУВс –энергия нархининг тушган ва глобал температуре кўтарилди броман. Глобал иссиқликнинг ошиши ва баландроқ ёнилғи нархларига қизиқиш бутун ер юзи бўйлаб дўстона алоқаларни ривожлантирмоқда. Фикрлашнинг ўзгариши натижасида ўқувчилар ижтимоий транспаратсия ва ёнилғи ёрдамида ишлайдиган транспортларни қидирдилар. Исроф қилишга нисбатан улар кўпроқ қайта ишладилар. Улар озроқ энергия билан лойиҳалаштирилди. Моддий манбаларнинг иқтисоди ва ерни асрашга ўхшаган оддий тушуунча миллионлаб инсонлар ҳаётини бутунлай ўзгартирди. Жамоавий иш муҳим бўлган ҳаётингизнинг бир қисмини аниқлаштиринг. Кашфиёт корпусидан модел сифатида фойдаланиб сиз ўша жамоанинг битта азоси сифатида ролингизни қандай қилиб яхшилашингиз мумкинлигини тушунтиринг?”

(ўқувчилар ҳаётининг релевант анализлари ва бўлимдан олинган мано синтезлари).

Юқорида кўрсатилган икки эпчиллик усули берилган маъно-мазмунни ўқувчилар ни бирга ўрганишга тортиш кучига эга. Сув ҳавзаларига бағишланган бўлим учун, ўқитувчилар эпчиллик усулига асосланган лойиҳа ёки савол билан тугатиши мумкин, “Бизни жамиятимиз денгизимизнинг яхшироқ бошлиқлари бўлиши учун нима қилиш мумкин?”

Уларга иншода ёки лойиҳада жавоб бериладиган охириги усуллар катта ғоя атрофида маъно мазмунини жипслаштириши мумкин ва уни бириктиради. Иш учун катта ғояларда гарчи улар ўқитувчилар бўлим шунингдек, умумий баҳолаш йўли орқаали ўқувчини тушунишини бошқариб боориш учун фойдаланишадиган кўрсаткич сифатидаги вазифани адо этиши зарур.

Усулларсиз “катта ғоялар” дан фойдаланишни ўргатиш ўқитиш мазмунини аҳамиятини пасайтиради ёки инкор этади. Аслида “ Қай тарзда Инсонлар ўрганади” китобининг 2-тамойилида айтилганидек мазмунни асрашга ундайдиган маъновий тушуниш тизимини яратишга имкон беради. ³

Ўқитувчи таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадида қуйидагиларни:

➤ Қайси мавзуларни ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиб ўрганиш мумкинлигини аниқлаши ва мазкур машғулотларни тақвим-режада белгилаши;

➤ Ушбу мавзу бўйича ўқувчиларга тавсия этиладиган ўқув топшириқлари ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмаларни тайёрлаши;

➤ Ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиб ўтиладиган машғулот тури, машғулотнинг тузилиши ва боришини лойиҳалаши;

➤ Ўтган ва янги мавзулар юзасидан ўқувчилар билимини назорат қилиш учун тест топшириқларини тузиши керак.

³ Navigating the new pedagogy: six principles that transform teaching/Jeff Halstead, United Kingdom, 2011 – 23-30 p.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг бир нечта методлари мавжуд:

Командада ўқитиш (Р.Славин) да ўқувчилар тенг сонли иккита командага ажратилади. Ҳар иккала команда бир хил топшириқни бажаради. Команда аъзолари ўқув топшириқларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир ўқувчи мавзудан кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришига эътиборни қаратади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси муаллифларидан бири бўлган Р.Славиннинг таъкидлашича, ўқувчилар га топшириқларни ҳамкорликда бажариш бўйича кўрсатма берилиши етарли эмас. ўқувчилар ўртасида том маънодаги ҳамкорлик, ҳар бир ўқувчининг қўлга киритган муваффақиятидан қувониш, бир-бирига сидқидилдан ёрдам бериш ҳисси, қулай ижтимоий-психологик муҳит вужудга келиши зарур. Мазкур технологияда ўқувчилар нинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлашда уларни бир-бири билан эмас, балки ҳар бир ўқувчининг кундалик натижаси аввал қўлга киритилган натижа билан таққосланади. Шундагина ўқувчилар ўзининг дарс давомида эришган натижаси командага фойда келтиришини англаган ҳолда маъсулиятни ҳис қилиб, кўпроқ изланишга, билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришга интилади.

Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш (Р.Славин). Бу ёндашувда кичик гуруҳлар 4 та ўқувчи ёки (ўқувчидан) ташкил топади. Ўқитувчи аввал мавзунини тушунтиради, сўнгра ўқувчилар нинг мустақил ишлари ташкил этилади. Ўқувчиларга берилган ўқув топшириқлари 4 қисмга ажратилиб, ҳар бир ўқувчи топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Топшириқ якунида ҳар бир ўқувчи ўзи бажарган қисм юзасидан фикр юритиб, ўртоқларини ўқитади, сўнгра гуруҳ аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий хулоса чиқарилади. Ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳ ахборотини тинглайди ва тест топшириқлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди.

Ўқувчиларнинг кичик гуруҳлардаги ўқув фаолияти ўйин (турнир, мусобақа) шаклида, индивидуал тарзда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ҳамкорликда ўқитишнинг зигзаг ёки арра методи. (Э.Аронсон). Педагогик амалиётда бу метод қисқача “арра” методи деб номланади. Мазкур методда кичик гуруҳлар 6-8 та ўқувчидан ташкил топади. Дарс давомида ўрганиладиган мавзу мантиқан тугалланган қисм (блок ёки модул) ларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан ўқувчилар бажариши лозим бўлган ўқув топшириқлар тузилади. Ҳар бир ўқувчилар гуруҳи мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва шу қисм бўйича “мутахассис” га айланади. Сўнгра гуруҳлар қайта ташкил этилади. Бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) “мутахассиси” бўлиши шарт, мазкур “мутахассис” лар ўзлари эгаллаган билимларни худди “арра” тишлари кетма-кет келганидек, навбат билан ўртоқларига баён қилади. Мазкур гуруҳларда ўқув материали мантикий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади.

Ҳамкорликда ўрганиш (Назария)

“Чуқур мулоҳазалар асосида тузилган жамоавий, ҳамкорликда ишлаш ўрганиш ва ўқитиш жараёнининг юқори самарасиз ёндашувлардан бири ҳисобланади.”

Қуйидагилар ҳақида ўйлаб кўринг:

- ҳамкорликда ўқитишни кичик гуруҳлардан бошланг;
- ижтимоий муносабатларда камдан-кам йўлғизликда ўрганилади;
- гуруҳда барча ўрганишга маъсул бўлиши лозим;
- ижтимоий, коммуникатив ва фикрлаш каби дастлабки кўникмалар очикчасига етказилиши керак;
- гуруҳлар бир жамоа сифатида иш кўришлари керак;
- барча материаллар ҳам ҳамкорликда ишлашга мос эмас;
- 2-4 та гуруҳлар энг самари ҳасобланади;
- ким билан ким ишлаши ҳақида ўйлаб кўринг;
- бошқа стратегиялар билан кўшиладиган талаблар ҳақида ўйланг;
- сифатнинг ошиши синф ханасининг муҳитига боғлиқ.

Ҳамкорликда ўрганишга оид мисоллар:

Ҳамкорликда ўрганишга тайёрланиш жараёнида қуйидагиларга эътибор беринг:

- ишлаш тузилмасига;
- керакли ва фойдаланиладиган жараёнга;
- синф хонасини қандай хивфси қилишингизга.⁴

Ҳамкорликда ўрганиш: фойдаланининг баъзи сабаблари:

- тадқиқотларда кўрсатилишича, етказиб олиш – бу ўрганишнинг энг самари усулидир;
- тадқиқотларда келтирилишича, интелект ижтимоий таъсир остида бўлади;
- шахслараро интелект самарани муҳим белгисидир;
- диалог – жамиятнинг хулқи сифатида муаммони ечишнинг кучли усулидир;
- конфликтларни сўндириш кўникмалари одатда гуруҳ иши қанча самарли бўлишини белгилаб беради;
- ижтимоий сифат, коммуникативлик ва танқидий фикр юритиш кўникмаларини шакллантиради;
- баъзи ўқувчилар шу йўл билан яхшироқ таълим олишади;
- ҳамкорликда ўрганишнинг реал ҳаётга боғланиш яхши.

⁴Jan Kielven THE ARTFUL SCIENCE OF INSTRUCTIONAL INTEGRATION. Adapted from: BEYOND MONET. Barrie Bennett / Carol Rolheiser. 2001 p 14.

Джонсон таклиф этган самарали гуруҳ ишининг 5 асосий элементи:

1. Индивидуал маъсулият

- хар бир ўқувчи ўзларининг ўрганишларига жавобгар

2. Юзма-юз ўзаро ҳаракат

- 2-4 та гуруҳлар ва бошқалар билан кўришиш

- Лозим бўлса хонани ўзгартиринг!

3. Ҳамкорликдаги кўникмалар (гуруҳлар ичидаги ишлар жараёнига шакллантирилиши лозим бўлган кўникмалар китритилсин)

- Ижтимоий кўникмалар

- Коммуникативликка оид кўникмалар

- Танқидий фиклаш кўникмалари

4. Қайта ишлаш жараёни

- Гуруҳлардаги ижтимоий ва академик муносабатларни ифодаланиши ва баҳоланиши лозим

- Узоқ муддат самара бермоғи лозим

5. Ижобий ўзаробоғлиқлик

- Бир бирини шқитишни қўллап қувватловчи ўқувчилар

- Ўқитиладиган талаблар

- Джонсон буларни қўллаб қувватлашнинг 9 та йўлини

аниқлаштиради

Джонсоннинг 9 та ижобий фазилатларни ўзаро боғлиқлиги:

1. Мақсад: Аниқ ва муҳим бўлагн мақсад ёки вазифани белгиланг

2. Вазифа: Вазифалар аниқ, ўзгармайдиган

3. Ресурслар: Тақсимлаш

4. Стимул: биргаликда яхши ишланса имтиёзлар берилиши

5. Мажбурламаслик: рақобатчилик, бахслар стандартларга қарши

ёки ютуқ учун

6. Атроф-муҳит: жисмонан хатти ҳаракатларга қулай

7. Ижодийлик: ўқувчилар гуруҳ номини ёки эмблемасини

лойиҳалаштиришади

8. Кетма-кетлик: хар бир ўқувчи ўзига бириктирилган

топшириғни шундай бажариш керакки, натижада гуруҳ бирлаша олсин

9. Симулацион (Моделлаштириш): ижтимоий кўникмаларга одатда дуч келиши сабабли ролли ўйин⁵

Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўрганишнинг касбий жиҳати мураккаб кўринишга эга бўлиб, кенг қамровли таҳлилни талаб этади. Касбий фаолият билан боғлиқликда юзага келаётган қийинчиликлар қуйидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин:

1)фаолиятнинг объектив шарт-шароитлари. Яъни шахснинг ўз фаоллигини намоён қилишга тўсқинлик қилиниши, бошқача айтганда баръерларнинг мавжудлиги;

⁵Jan Kielven THE ARTFUL SCIENCE OF INSTRUCTIONAL INTEGRATION. Adapted from: BEYOND MONET. Barrie Bennett / Carol Rolheiser. 2001 p15.

2) шахсинг ўзига хос психологик хусусиятлари.

Ўқитувчининг касбий фаолиятида юзага келувчи қийинчиликларнинг объектив шарт-шароитларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ўқитувчи меҳнатини ташкил этишда методик таъминотнинг етарли бўлмаслиги;

2) ўқитувчи фаолиятини баҳолашдаги формализм (юзакилик);

3) ўқитувчининг иккинчи даражали вазифаларга жалб этилиши.

Педагог шахсининг специфик ўзига хосликлари билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликлар:

1) педагогик фаолиятни амалга оширишда ички куч ва имкониятларнинг етарли эмаслиги;

2) соҳадаги ислохотлар билан боғлиқликда фаолиятни ўзгартириш имконини бермайдиган ўз-ўзини йўналтириш механизмнинг бузилиши;

3) салбий психологик ҳолатлар (ишончсизлик, асабийлик, қўрқув, ўз фаолиятидан қониқмаслик ва бошқалар).

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш қуйидаги стратегияларга асосланишни талаб этади:

1) касбий ривожланиш (конструктив стратегия);

2) психологик муҳофаза (ҳимоя стратегияси);

3) касбий деформатсия (деструктив стратегия).

Олий таълимда фаолият юритадиган профессор-ўқитувчиларни касбий етуклик даражасига кўра шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: адаптатсия босқичидаги, функционал барқарорликка эга, касбий маҳоратга эга ва новатор ўқитувчилар.

Адаптатсия босқичидаги ўқитувчилар учун хос муаммоли вазиятлар касбий муҳитга кириш, педагогик жамоадаги меъёр, кадрият ва анъаналарни қабул қилиш кабилар билан боғлиқдир. Мазкур мураккабликлар объектив тавсифга эга бўлиб, мавҳум алоқадорлик эса, ёш ўқитувчи таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ҳамда педагогик фаолиятга доир меъёр ва кадриятларни реал амалиётга қўллай ёки қўллай олмаслигида намоён бўлади.

Функционал барқарорликка эга ўқитувчиларда мураккаб вазиятлар педагогик стереотипларни мураккаблашуви билан боғлиқликда юзага келади. Бу эса ўқитувчидан ташаббускор қайта касбий ўз-ўзини намоён этишни талаб этади.

Маҳоратли педагоглар учун қийинчиликлар инновация тўсиқларни енгиб ўтиш билан боғлиқ. Педагогик фаолиятдаги тўсқинликлар кўпинча педагог фаолиятини чегаралаб қўйиш кўринишида намоён бўлади.

Мазкур типология билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликларни ҳал этишда бир ёки бир неча стратегияни қўллаш мақсадга мувофиқ. Масалан, ёш ўқитувчилар фаолиятида юзага келадиган қийинчиликлар энг аввало, уларнинг касбий ривожланиши босқичма-босқич такомиллаштириб борилиши, касбий фаолият билан боғлиқ муаммоли

вазиятларни ҳал этишда уларни психологик қўллаб-қувватлаш, ўз-ўзига ишонч, масъулиятни қарор топтириш, шунингдек, ўзгарувчан вазиятларда муваффақиятли ҳаракатлана олиш стратегияларини талаб этади.

2.3. Ўқув материалларини тизимлаштиришнинг дидактик параметрлари.

Дидактик материалларни ишлаб чиқишга тизимли ёндашув, педагогик дизайн моделининг универсал ва *оддийлаштирилган* варианты, таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари, мақсад ва муаммоларини аниқлаш, турли таълим стратегиялари, ўқув материалларини тузишнинг бешта асосий босқичи, *таҳлил* – бу босқичда таълимни қандай ташкил этишнинг қанчалик зарурлиги (эҳтиёжлар таҳлили), таълимнинг талаб қилинаётган мақсадлари қай даражада мос бўлиши (мақсадлар таҳлили), бўлғуси таълим жараёнининг восита ва шароитларини аниқлаш (шароитлар таҳлили), *дизайн босқичи*, *ишлаб чиқиш* босқичи, *таълим ёки қўллаш* - ўқув материалларини синовдан ўтказиш, амалда қўллаш босқичи, *самарадорликни баҳолаш* - ишлаб чиқилган ўқув материаллари баҳолаш ва зарур бўлганда, ўзгартиришлар киритиш. Дарс жараёнини лойиҳалашда ўқитиш методларини тўғри танлаш, яъни методларни дарснинг вазифалари ва мазмунига мослиги, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши. Ўқитувчи дарснинг лойиҳасини ишлаб чиқишдаги топшириқларни кетма-кетлиги.

1-босқич: Ўқитувчи дастур, дарслик, методик қўлланма ва синф ўқувчиларининг умумий тавсифи билан танишиш.

2-босқич: Дарснинг асосий вазифалари мажмуасини: ўқитиш, таълимий мақсад, тарбиявий мақсад ва ривожлантирувчи мақсадларни ва вазифаларини белгилаш.

3-босқич: Дарснинг асосий босқичларини тўғри, аниқ ва изчилликда жойлаштириш.

4-босқич: Дарснинг ҳар бир босқичи мазмунидаги асосий ўринли ажратиб олиш.

5-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитиш методларини, воситаларини, технологияларни танлаш.

6-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитишнинг етакчи; умумсинфий, кичик гуруҳ ва индивидуал шаклини танлаб олиш.

7-босқич: Бўш ўзлаштирувчи ва тайёргарлиги кучли бўлган ўқувчилар учун тафовутланган машқ ва вазифаларни танлаш.

8-босқич: Тегишли синф ўқувчилари учун вақт меъёрларига мувофиқ уй вазифасининг мақбул ҳажмини танлаш.

Ўқитиш технологияси педагогик стратегия сифатида ўқувчи ва ўқитувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш воситаларига эга бўлади. Бундай технологияларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

❖ Педагогик жараёнда шахсни кўзда тутишга асосланган педагогик технология (Ш.А.Амонашвили технологияси);

❖ Ўқув материални схемалар ва моделлар ишораси асосида ўқитишни жадаллаштириш технологияси (В.Ф.Шаталов технологияси);

❖ Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил этиш асосига қурилган технология (С.Н.Лисенкова технологияси, Н.П.Гузикнинг ўқитиш тизимини режалаштириш технологияси);

❖ Ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси (Инге Унт, А.С.Границкая, В.Д.Шадриков технологияси);

❖ Ўқитишни дастурлаш технологияси (Б.П. Беспалько).

Ҳамкорлик педагогикаси XX асрнинг 80-йилларида ривожлана бошлади ва таълимдаги кўпгина инновация жараёнларни ҳаётга чорлади. Бу технология негизида таниқли рус ва чет эл педагогларининг тажрибаси ётади. Улар К.Д.Ушинский, Н.П.Пирогов, Л.Н.Толстой, Ж.Ж.Руссо, Я.Корчак, К.Роджерс, Э.Берн, С.Т.Шацкий, В.А.Сухомлинский ва бошқалардир.

Ўқитиш тизимининг курама технологияси (Н.П. Гузик).

“Ўқитиш тизимининг курама технологияси” савиясига ва дарсларда мавзу бўйича даврийликни ривожлантиришга кўра синф ичидаги ўқитишнинг табақалаштирилиши деб қаралади. Дарслар ҳар бир мавзу бўйича кетма-кет жойлашган беш типдан иборат бўлади:

1) мавзуни умумий таҳлил қилувчи дарслар (улар мавзулар деб юритилади);

2) таълим олувчиларнинг мустақил ишлари жараёнида ўқув материалининг чуқурлаштириб ишлаб чиқишини кўзда тутган, тузилган семинар машғулотлари (бундай дарслар учтадан бештагача бўлиши мумкин);

3) билимларни умумлаштириш ва тартибга тушириш (гуруҳлаш) дарслари (мавзулар бўйича синовлар);

4) фанлараро материалларни умумлаштириш (мавзулар бўйича вазифаларни ҳимоя қилиш);

5) дарс-практикумлар.

Кейинги босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг савияларига кўра табақалаштириш ишларини ташкил этади. Бу иш янги материални бериш, уни мустаҳкамлаш ва такрорлаш, билим, малака ва кўникмаларни назорат қилишда амалга оширилади.

Бу технологияда учта табақалаштиришнинг турли даражадаги қийинчиликда: “А”, “В”, “С” дастурлари ажралиб туради.

Дастурлар қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

- муайян даражадаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллашни таъминлайди;

- таълим оловчиларнинг маълум даражадаги мустақиллигини таъминлайди;

“С” дастури таянч стандарт сифатида қайд қилинади. Уни бажариш орқали таълим оловчилар фан бўйича ўқув материаллини, уни қайта тиклай олиш даражасида ўзлаштирадидлар. “С” дастури вазифаларини нисбатан қийин дастурга ўтмасдан олдин ҳар бир ўқувчи бажара олиши лозим.

“В” дастури мавзунни қўллаш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун зарур бўлган ўқув ва ақлий фаолиятининг умумий ва ўзига хос усуллари билан бирга эгаллашни таъминлайди. Ушбу дастурга киритиладиган қўшимча маълумотлар биринчи босқич материалларини кенгайтиради, асосий билимларни исботлайди, намойиш этади ва ойдинлаштиради, тушунчаларнинг амал қилиш ва қўлланишини кўрсатиб туради.

“А” дастури ўқувчиларнинг билимларини тўла англаш, ижодий қўллаш даражасига кўтаради. Бу дастурда ижодий қўллаш истиқболли тобора такомиллашиб борувчи маълумотлар, чуқурлаштириладиган материаллар, унинг мантиқий асосланганлиги жойлаштирилган.

Материалларни такрорлашда турли даражадаги вазифаларни эркин тиклаш методикаси қўлланади. Табақалаштирилган вазифаларни назорат қилишда индивидуалликка ўтилади ва у чуқурлаштирилади.

Назорат саволлари:

1. Ҳамкорлик педагогикасининг асосий вазифалари.
2. Педагогик фаолиятда қандай касбий муаммолар юзага келади.
3. Педагогик фаолиятда касбий муаммоларни хал этиш стратегияларини изоҳланг.
4. Ўқув материалларини қандай тизимлаштирилади.
5. Ўқув материалларини тизимлаштиришнинг дидактик параметрларини изоҳланг.
6. Таълим - тарбия беришда ҳамкорликда ўқитиш технологиясига изоҳ беринг
7. Ўқитишни индивидуаллаштиришда нималарга эътибор бериш керак.
8. Ўқитишни жадаллаштириш технологияси.

Фойдаланилган адабиётлар:

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

4. Инновация таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.

3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т., 2006.

4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 260 б.

5. Ж.Ф. Ёўлдошев «Педагогик технология асослари», Т: «Педагог», 2004 йил.

6. О. Розиков ва бошқалар. «Таълим технологияси». Т. :-«Педагог»- 1999.

7. Болаларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш. Т., РТМ. 2004 й.

8. Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар - Т: Молия нашр., 2003

9. Ёўлдашев Ж.Ф. Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.-Т.: 2001

10. Ишмухамедов Р.Ж. ва б.қ. Таълимда инновацион технологиялар.-Т.: 2008

11. Ж. Ёўлдошев ва бошқалар. Замонавий дарс. -Тошкент 2007.

10. Давид Уатсон. The Question of Conscience Higher education and personal responsibility. Оксфорд, Институте оф Едисион Пресс. 2014.

11. . Мариа Роса, Алберто Амарал. Уалитй ин Ассуранге ин Нигнер Едисион. Сонтемпорай Дебатес. Енгланд, Нампшер, 2014.

12. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. – Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2011. – 275 б.

13. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. –Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2012 й.

14. Қодирова З. Ўқувчиларда толерантликни ривожлантиришнинг баъзи масаларига доир. // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ. – Т., 2008. -№. – Б.42.

15. Навигатинг the new педагогй: сих принципес that трансформ теачинг/Жефф Налстеад, Унитед Кингдом, 2011 – 131-139 п.

3-Маъруза: Бошланғич синф ўқувчиларини интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда инновацион ёндашув

Режа:

3.1. Интеллектуал ҳақида тушунча.

3.2. Бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашда интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш.

3.3. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришда инновацион ёндашув.

Таянч тушунчалар: интерфал, узвийлик, интеллектуал, пед технология, замонавий ёндашув, билим, кўникма, малака, педагогика, дунёвий ва диний, рақобатбардош, касб-хунар, лойиха, дидактика, тафаккур, такомиллаштириш, класификатсия, салоҳият, маҳорат.

3.1. Интеллектуал ҳақида тушунча

Интеллектуал қобилият ижодий фаолият натижасида яратилади. Нотаниш вазиятлар ва янги таассуротлар кўп нарсаларга ўргатиши мумкин. Мия бирон бир нотаниш нарсага дуч келса, у янги нейронли йўллар яратади. Такрорлашда улар мустақамланади ва бизда янги малакалар ишлаб чиқарилади.

Шунинг учун ҳар доим қулайлик зонасидан бироз чиқишга ҳаракат қилиш керак. Ҳозирги замон шароитида “интеллект”нинг етмишдан ортиқ турли таърифлари маълум бўлиб, уларнинг таҳлили бундай хулоса қилишга имкон беради: у анча кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда унинг бир маъноли талқини йўқ. “Интеллект” ва “тафаккур” тушунчаларини яқинлаштирадиган бир қатор таърифлар мавжуд.

Фалсафадан энциклопедик луғат интеллектни ҳиссиёт, ирода, интуитсия, тасаввур ва ҳ.к.лар каби қобилиятлардан фарқли ўлароқ, тафаккур қобилияти, ратсионал билиш қобилияти сифатида талқин қилади. “Интеллект”, “тафаккур”, “синергетик тафаккур стили”, “ўқув”, “интеллектуал ўқув”, “ўқув-интеллектуал ўқув” тушунчаларининг мазмунини аниқлаштириш, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқувинтеллектуал ўқувлари критерийлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишга бағишланади.

Интеллектуал - ақл заковат эгасига хос бўлган ақлий маънавий қобилият, салоҳият. Ривожлантириш - ўқувчи ёки талабанинг таълим воситасида бир сифат босқичидан иккинчисига ўтишини таъминловчи жараён.

Аmmo шу нарса ҳам маълумки, тафаккур – бу фаолият бўлиб, у интеллект деб олинади. Шунинг учун интеллектни, энг аввало, тафаккурлашда юқори ташкил этилган қобилият сифатида муҳокама қилиниши зарур.

Ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантириш узлуксиз таълим тизими олдидаги шахс тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг зарур шартларидан биридир. Инсон ўз хатти-ҳаракатлари, фаолияти давомида қай даражада мустақил фикрли бўлса, шу қадар тушунчаси кенг, ақл-идроки юксак ҳисобланади. Фикр нутқ орқали ифода этилиши назарда тутилса, она тили таълими олдида нечоғли масъулиятли вазифани ҳал қилиш масаласи турганини англаш қийин эмас.

Кичик мактаб ёшида бу тушунча ва ҳамма мантиқий операцияларни



бирданига эгалланиши мумкин эмас, лекин ўқувчилар уларга 2-синфдаёқ дуч келадилар. Бироқ ўқитишни шундай ташкил этиш керакки, бунда ўқувчилар операцияларни аста-секин эгалласинлар ва бунда уларнинг тафаккури ҳисобга олинсин. Бошланғич синф ўқувчининг тафаккури ўзига хосдир: бу эса унда турли тафаккур шаклларига оид қобилиятлар ҳали ривожланмаганлиги билан

ифодаланади.

Табиийки, бу ўқитишда маълум қийинчиликлар яратади. Кичик ёшли болалар тилга олинган мантиқий тафаккур жараёнини эгаллайдилар. Бу она тили, математика каби маткаб ўқув фанларини ўрганишда равшан кўриниб туради.

Бошланғич синфларда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларнинг шахс камолотини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан биридир. Қуйидаги омиллар бошланғич синф ўқувчиларида иқтидорлик камолотини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич таълим фаолиятини таҳлил этиш уларда ўқитилаётган бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан, “Ўқиш”, “Одобнома”, “Она тили”, “Математика” каби фанлар бошланғич синф ўқувчиларида шахс камолоти элементларини тарбиялашда катта имкониятларга эгаллигини кўрсатади.

Ақлий ривожланиш назарияси муаллифлари интеллектуал ўқувлар шаклланишининг қуйидаги босқичларини ажратишади:

- 1) ўқувларни қўллаш тажрибасини аниқлаш билан тавсифланувчи босқич;
- 2) ташхислаш босқичи, бунда ўқувларнинг шаклланганлик даражалари аниқланди;
- 3) мотивация босқичи;
- 4) услубдан фойдаланиш алгоритмининг англаш босқичи;
- 5) бевосита қўллаш ҳамда бошқа предметлар билан таққослаш босқичи.

Ҳозирги замон тадқиқотлари натижасида фанга “синергетик тафаккур стили” тушунчаси кириб келди. Синергетик тафаккур стили – бу кўп томонлама, ночизиқли, очиқ тафаккур тушунчали ва образли тафаккур мажмуи ва гармоник бирикуви. Бу муаллиф томонидан синергетик тафаккур стилининг хусусиятлари аниқланган бўлиб, улар жумласига қуйидагилар киради:

- муҳокаманинг масштаблиги (кенг кўламлилиги), умумийлиги;
- тўлдирувчанлик (онгли ва онгостнинг, ақлий ва эмоционал ҳиссийнинг, ратсионал ва ирратсионалнинг, эмоционал-эстетикнинг бирлиги);
- тизимлилик – билимларда ғояли-тушунчавий структуранинг мавжудлиги;
- онглилик, ўзини ўзи англаш;
- ҳодисаларнинг ўзларининг табиатини тадқиқ қилиш (герменевтика).

Мазкур хусусиятлар синергетик тафаккур стили абстракт-логик тафаккур стилидан кенгроқ ва чуқурроқдир. Унда интеллектуал ва эмоционал асослар уйғун бирикади, тафаккурнинг онгли ва онгост компонентлари мувофиқлашади, ташқи ва ички оламларнинг (инсон, табиат, тафаккурнинг) гармонияси (уйғунлиги) зарурлиги англанади.

Шундай қилиб, биз бошланғич синф ўқувчиларда конкрет ўқув интеллектуал ўқувлар шаклланганлигининг қуйидаги критерийлари ва кўрсаткичларини ажратдик:

- ўқув фаолияти мотивацияси (фаолиятни мотивациялаш даражаси) мактабга ижобий муносабат, ўқув фаолиятига, билим олишга қизиқишининг намоён бўлиши; фаолиятга барқарор қизиқиш; пухта билимларга эга бўлишига интилиш;

- ўқув фаолиятининг ихтиёрийлиги (ахборотни диққат билан қабул қилиш ўқуви даражаси (диққат ҳажми ва концентратсияланиш даражаси; фаолият объектини ушлаб туриш, саъй-ҳаракатлар режасини белгилаш қобилияти; график образни кўчиришнинг тўғрилиги; иродавий ҳаракатнинг борлиги; диққатни тақсимлаш ўқувининг шаклланганлиги;

- интеллектуал фаоллик (ўқув материални логик англаб, асосийни ажратиш ўқуви) мантиқий операцияларни сўзли тушунчалар шаклида бажариш имконияти; таҳлил, таққослаш, умумлаштиришни ва қонуниятли боғланишларни аниқлашни талаб этувчи топшириқларни мустақил бажаради; ўрганилаётган материалдаги муҳимни ажратишга қодир; бошқа одамни тушунишда хатоларнинг йўқлиги; материалнинг онда мустақкам ушлаб турилиши;

- ратционал эслаб қолиш ўқуви даражаси (материални эслаб қолиш ва унутиш сурҳати; материалдаги маҳновий қисмларни ажратиш ўқуви; бажарилаётган ишнинг англанилиги; такрор идрок қилиш ёки такрор қайтаришда иродавий ҳаракатнинг зарурлиги;

- ўқув фаолиятининг мустақиллиги (машқни мустақил бажариш ўқуви даражаси) (топшириқни бажариш жараёнида мустақиллик ва фаоллик; топшириқни аниқ бажариш қобилияти; билиш масалаларни ечиш қобилияти; ўз саъй-ҳаракатларини англаш даражаси);

- ўқув фаолиятини ўзи назорат қилиши (топшириқни бажариш жараёнида ўзини ўзи назорат қилиш ўқувининг даражаси); (бажарилган топшириқни адекват баҳолаш; ўз саъй-ҳаракатларининг натижаларини кўйилган мақсад билан солиштириш ўқуви; ўқув топшириғини бажаришда хатоларни ўз вақтида топиш, тузатишлар киритиш қобилияти, ўзини ўзи тартибга солиш).

Мактаб ўқувчиларини тафаккур саъй-ҳаракатларига ўргатишда иккита фаолиятли ўқитиш назарияси кенг қўлланишга эга бўлди: биринчи мактаб вакиллари интеллектуал операцияларни шакллантириш ва ривожлантириш назариясини ишлаб чиқишди. Бу назариянинг бош ғояси қуйидагича: билимларни ўзлаштириш ўқувчилар томонидан фақат маълум саъй-ҳаракатлар тизими бажарилиши натижасида содир бўлади.

Саъй-ҳаракат ўзи устида бажарилаётган предмет билан функционал боғланган, ўз ичига мазкур предметни ўзгартириш мақсадини ва бундай ўзгартириш воситасини олади. Буларнинг ҳаммаси биргаликда шакллантирилаётган саъй-ҳаракатнинг ижро қисмини ташкил этади.

Бошланғич таълим жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш учун таълимга янгича ёндашув, инновацион таълим технологиялари кўпроқ таълим олувчилар фаоллигига асосланиши, уларда мустақил ўрганиш эҳтиёжи ва кўникмаларини шакллантиришга йўналган бўлиши лозим.

Ўқитувчи билим узатувчи ролидан таълим олувчиларнинг фаол ўрганиш жараёнини ташкил қилувчи, уларнинг ўқиш мотивацияларини ва фаолиятини бошқарувчи, улардаги мавжуд билиш, эркин фикрлаш, ижод қилиш, янгилик яратиш эҳтиёжларини психологик ва педагогик жиҳатдан оқилона қўллаб-қувватлаб, ривожлантирувчи ролига ўтиши зарур.

Инновацион жараёнда бир нечта босқични ажратиш мумкин:

- 1) ўрганиш ва эҳтиёжни аниқлаш;
- 2) янгиликни яратиш ёки танлаш;
- 3) режалаштириш;
- 4) янгиликни киритишга тайёргарлик; Янгиликни тажриба-синовдан ўтказиш;
- 5) жорий қилиш;
- 6) таҳлил қилиш;
- 7) баҳолаш.

Инновацион жараённинг ҳар бир босқичида бу жараён катнашчилари кўйидаги учта йўналишда иш олиб боришлари зарур: моддий-техник; ташкилий; ижтимоий-психологик.

Ҳар қандай янгилик киритилиши, шу жумладан, педагогик технология жорий қилиниши ва зарурий самара бериши педагогик жамоа аъзоларининг янгиликни қандай қабул қилиши, унга бўлган муносабатига боғлиқ бўлади.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш мақсадида бу соҳада янги, замонавий, инновацион педагогик технологияларни самарали жорий этишни таъминлаш ўта долзарб вазифадир. Баркамол инсонни шакллантиришга имкон берувчи ўқув – тарбия жараёни сифатини оширишнинг муҳим вазифаси бошланғич таълим самарадорлигини таъминлашдир.

Бошланғич синф ўқувчиларида фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мезонлари сифатида биз кўйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

- 1) ўрганилаётган материални мустақил таҳлил қила билиш;
- 2) муаммони ҳал эта билиш;
- 3) ҳодиса ва жараёнлардаги белгиларни таққослаш, умумлаштириш, умумлашма хулосалар чиқариш;
- 4) ўз фикри ва тушунчасини мантиқий далиллаш, фикрларни равоқ ифодалаш;
- 5) ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш билиш.

Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ўргатиш жамият ҳаётида туб бурилишлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда, айниқса долзарб аҳамият касб этади. Ижодий фикрлаш ҳаммада бор, уни тез-тез қўллашга ҳаракат қилиш керак шунда у зерикарли ишни ҳам қизиқарли қилишга ёрдам беради. Ҳар қандай ўқиш, мазмунидан қатъий назар мия учун фойдалидир, чунки у тасаввурни ривожлантиради.

Ўқувчиларни фикрлаш қобилиятини ривожлантириш иқтидорига эга бўлиши уларнинг ўқув-билув кўникма ва малакаларига ижобий таъсир кўрсатади. Шунга кўра ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгилаб қўйилган таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш талабига тўла мос келади.

Фикрлаш жараёнининг психологик асосларини психолог В.Каримова таҳлил қилган. У: фикрлаш инсон мияси фаолиятидир, – деб кўрсатади ва фикрий оператсияларни қуйидагича таҳлил қилади.

Фикрлаш жараёни идрокдан фарқ қилиб, нарсалар ва уларнинг хоссаларини улар йўқ пайтда ҳам акс эттиришга имкон беради. Фикр юритиш жараёни маълум бир масала, муаммо, жумбоқни ҳал қилиш керак бўлганда юзага келади. Фикрлаш жараёнида доимо бир нарса хусусида камида битта ечимни бериш шарт, акс ҳолда у бошқа жараёнга - хаёлга айланиб кетиши мумкин. Бирор муаммо хусусида мияда пайдо бўлган фикр ёки ғояда аниқлик етишмаган пайтларда одам хаёлга чўмади.

Хаёл янги образлар ва тахминларнинг шаклланиш жараёни бўлса, унга яқин бўлган яна бир тушунча фантазия - хаёлнинг борлиқдан, ҳақиқатдан бир оз узоқлашуви жараёнидир. Муаммо ва жумбоқлар бизни фикрлашга мажбур этади. Аммо фикрлаш фантазияга ўтиб кетмаслиги учун фикрлашга мажбур этадиган аниқ маълумотлар бериш лозим бўлади.

Тафаккур ёки фикрлашнинг қуйидаги шакллари ёки маҳсули мавжуддир:

Тушунча - тафаккурнинг шундай шакли ёки маҳсулики, у нарса ва ҳодисаларга хос бўлган энг умумий ва характерли хусусиятларни ўзида акс эттиради. Улар умумий ва жузъий, конкрет ёки мавҳум бўлиши мумкин.

Ҳукм - атрофдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. Ҳукмлар бизнинг нутқимизда ҳар куни жуда кўп ишлатилади ва улар табиатан турли боғлиқликларни тасдиқлайди ёки инкор қилади, рост ёки ёлғон бўлади

Хулосалар - мантиқий тафаккурнинг яна бир шакли, маҳсули бўлиб, улар фикрлар, ҳукмлар ва тушунчалар ўртасидаги боғланишлардан янги фикрларни келтириб чиқаришни назарда тутади.

Таҳлил қилиш, мавҳумлаштириш, аниқлаштириш, таққослаш, умумлаштириш каби оператсиялар фикрлаш жараёнини таъминлайди

Бошланғич синф таълими жараёнида фикрлаш қобилиятини аниқлаштириш икки шаклда амалга оширилади:

1) ҳиссий - кўргазмали воситалар (матнлар, расмлар, жадваллар) ёрдамида;

2) сўз орқали - мавҳум шаклда (ҳикоя қилиш, тушунтириш, махсус топшириқларни ҳал этиш).

Мустақил фикрлаш эса шахснинг шундай фикрлаш қобилиятики, бундай фикрлаш жараёнида инсон нарса ва ҳодисалар хусусида ўз карашларига эга бўлади. Фикрлаш фаолиятига аниқроқ таъриф берилади:

Фикрлаш - бу инсон сезги органлари ва ақлий фаолиятининг бирлиги натижаси ўлароқ, мустақил равишда таҳлил қилиш, умумлаштириш, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқариш, таққослаш, аниқлаштириш, мавҳумлаштириш каби фикрий оператсиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ақлий фаолиятдир.

3.2. Бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашда интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш.

Мактабга бориш болаларнинг ҳаётида жуда-катта воқеадир. Мактаб ҳаёти болаларга янги бир дунёни очиб беради, мактаб даврида болаламинг асосий фаолиятлари ўзгаради. Энди болаларнинг асосий фаолиятлари, асосий вазифаси ва ижтимоий бурчи ўқиш бўлиб қолади.

6-7 ёшли болалар учун янги фаолият бўлган ўқиш улардан янги сифат, янги хусусиятларга эга бўлишни талаб этади. Ўқиш фаолияти учун болаларда барқарор диққат, ўткир зеҳн, мустақиллик, ишчанлик ва бартиблик хислатлари бўлиши керак. Боғчадан мактабга ўтишлари натижасида катталар билан бўлган муносабатларида ҳам бирмунча ўзгариш юз беради.

Биринчи синф ўқувчиси кўпинча образли хотирага суяниб билиш фаолиятини ташкил этса ҳам бу иш хотиранинг бошқа турларини инкор қилмайди. Аксинча, таълим сўз-мантиқ хотирасини тақозо этади. Сўз мантиқ хотирасининг мавжудлиги маъносини тушуниб эсда олиб қолиш жараёнининг самарадорлиги ортишига кенг имконият яратади. Тажрибадан маълумки, бола маъносиз сўзлардан кўра маънодор тушунчаларни бирмунча тез ва мустаҳкам эслаб қолиш хусусиятига эга.

Иқтидор — бу инсон психикасининг бутун умр давомида тизимли ривожланувчи сифати бўлиб, инсоннинг бошқа одамларга нисбатан бир ёки бир неча соҳада юқори натижаларга эришиш имконига эга эканлиги билан белгиланади.

Психологик луғатда “иқтидор” тушунчаси қуйидагича таърифланади

1. иқтидор бу — фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган қобилиятларнинг ўзига хос уйғунлашувидир;

2. иқтидор бу — инсоннинг имкониятлари доираси, фаолиятлари даражаси ва ўзига хослигини белгилайдиган умумий қобилиятлар;

3. иқтидор бу — ақлий потенциал, таълим олиш қобилияти ва билиш имкониятларининг бир бутун индивидуал характеристикаси;


4. иқтидор бу — табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, қобилиятлар табиий асосларининг ўзига хослиги ва уларнинг намоён бўлиши даражалари;

5) иқтидор бу — истеъдодлилиқ, фаолиятда юқори натижаларга эришиш учун ички имконият ва шароитларнинг мавжудлиги.

Ушбу тавсифлардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, иқтидор асосида умумий интеллектуал ва инсоннинг билиш имкониятларини белгилайдиган, табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, бирор бир фаолиятда (масалан, таълим, ижодий, касбий, илмий) муваффақиятга эришишни таъминлайдиган махсус қобилиятлар ётади.

Умумий қобилият эгалари юқори интеллектуал имкониятларга эга бўлиб, муаммонинг ёки бирон-бир масаланинг ечимини тезда топиши, фаолиятига ижодий ёндашиши билан ажралиб туради. Махсус қобилият эгалари эса-бирон-бир аниқ (масалан, математика, мусиқа, расм чизиш, шахмат ўйнаш, спорт) фаолият турига қобилияти бўлган ва мана шу фаолият билан шуғулланишни афзал кўрадилар.

Иқтидорли болалар бу умумий ва махсус қобилиятларни ўзида мужассам этган болалардир. Улар бошқа болалардан қуйидаги белгилари билан ажралиб турадилар:



Педагогик нуқтаи назардан умумий ва махсус қобилият ёш даврларини инобатга олган ҳолда муҳим жиҳатларга боғлиқ. Эрта ёш даврлар мактабгача ва кичик мактаб ёшида иқтидор умумий ҳамда универсал қобилият сифатида кўрилиши ва ривожланиши мумкин. Вақт ўтиши билан бу “умумий қобилият” ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб маълум бир йўналишни белгилайди.

Айни вақтда бу иқтидор бола томонидан қай даражада намоён бўлаётганлигига эътибор қаратиш керак бўлади. Аниқ намоён бўлган, яъни психолог, педагог, ота-оналар томонидан эътибор берилган қобилият

“актуал”, атрофдагилар пайкамайдиган қобилият “потенциал” қобилият дейилади.

Кўпгина машҳур олимлар, бастакорлар, рассом ва ёзувчилар (масалан, ёш В.А.Моцарт, Ф.Гальтон, И.Мечников, К.Гаусс, Н.Виннер, Г.Лейбниц, В.Гюго) эрта ёшдаёқ ўзларининг қобилиятларини намоён қилганлар. Ва аксинча кўп ҳолларда болаликда ҳеч қандай иқтидорга эга бўлмаган болалар етуклик даврда муваффақиятларга эришишлари мумкин. Бу ақлий потенциалга кўпинча атрофдагилар эътибор бермасликлари мумкин.

Табиийки, ҳар бир ҳолатда иқтидорни пайқамасликнинг сабаблари турлидир. Потенциал қобилият ҳақиқатдан ҳам маълум бир вақтгача намоён бўлмагандир. Балки, ота-оналар педагоглар ва катталар томонидан бола қалбининг нозик ҳаракатларидаги ўзгаришларга етарлича аҳамият берилмагандир, интуитив ҳолда буни пайқамандирлар ёки билимлари етмагандир. Ёки аксинча, бу нарсаларни тушунмаганликлари сабабли боладаги буюк потенциал имкониятларни сезмаганлар, ва ҳаттоки, бу ижодкорликни, интеллектуал ташаббусни негатив хусусият сифатида қабул қилганлар.

Бошқа, хусусиятларни эса кадрлироқ деб ҳисоблаганлар, яъни, ҳаммамизга шахсий тажрибамиздан маълумки, тиришқоқлик, итоаткорлик, саранжом-саришталик каби хислатларни фикрлар оригиналлиги, дадиллик, ҳаракатлардаги ва мулоҳаза юритишдаги мустақилликдан устун кўядиган ота-оналар, ўқитувчилар, олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари, раҳбарлар учрайди.

Америкалик олимлар томонидан 400 га яқин таниқли одамларнинг таржимаи ҳоли ўрганиб чиқилганда улардан 60 фоизи мактаб таълими даврида жиддий муаммоларга дуч келганликлари аниқланди. Актуал ва потенциал қобилиятлар тушунчасининг мавжудлиги ривожланишни олдиндан прогноз қилиш муаммосини муҳим деб ҳисоблайди. Шахснинг қандай сифатлари ва характер хусусиятлари, феъл-атворидаги ва фаолиятидаги фазилатлари катталарга келажакда боланинг буюк олим, рассом ёки давлат арбоби бўлиши мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу саволга жавоб топиш бирмунча мушкулдир. Психологлар боланинг келажакини “башорат” қилиш имконини берадиган қатор қонуниятларни белгилаб берганлар, лекин асосланган прогнозлар беришга ҳали эришилгани йўқ.

Шу билан бирга жаҳон педагогика ва психологияси соҳасидаги тажриба шуни кўрсатадики, боланинг имкониятларига ишончнинг педагоглар ва ота-оналарнинг маҳоратига йўғрилганлиги мўъжизалар содир этишга қодир. Баъзи ҳолларда ҳаётда инсонга табиат томонидан берилган қобилиятдан ҳам кўра у ана шу хусусиятни қандай ривожлантира олгани муҳимдир.

3.3. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришда инновацион ёндашув.

Бошланғич синф ўқувчилари ёш бўлгани учун уларга содда тилда тушунарли ҳолда билим бериш ва дарсларда ўйин элементларидан фойдаланиш лозим. Бола ҳаётининг асосий қисми ўйин билан ўтади. Ўйинлар фақат дидактик восита бўлмай, бола ҳаётининг асосий шаклидир. Шунинг учун биз ўйиннинг нозик томонларини эгалламай туриб, ўйин фаолиятини бошқаришини ўрганмай туриб олдимизда турган масъулиятли воситаларни ҳал қила олмаймиз.

“Бахтли тасодиф”, “Заковот” ва бошқа шу каби интеллектуал ўйинлар ўқувчиларни ақлини чархлайди ва уларда ақлий ривожланиш хосил бўлади. Маълумотлар – ўқув ишларида билиш тавсифига эга, лекин, энг аввало дарсдан ташқаридаги ишларда у муҳим таркибий қисмдир.

Қоидага кўра, улар ўқувчидан жумбоқни ечишни, топишмоқни топишни, энг асосийси – предметни билишни талаб қилади. Дидактик ўйин қанчалик маҳоратли тузилган бўлса, дидактик мақсад шунчалик моҳирона яширинган бўлади. Ўйинда жойлаштирилган билимларни ўқувчи ўзи билмаган ҳолда, беихтиёр равишда, ўйнаб туриб ўзлаштиради.

Интеллектуал иқтидор одатда махсус тестлар ёрдамида интеллектуал коэффицент (ИК) кўринишда аниқланади. Зеҳн-заковат савияси юқори даражада ривожланган кишилар фаолиятни ўта нозик дид, донолик билан бажарадилар, фанда қилинган янгиликлари билан ном қозонадилар.

Ижодий қобилиятларга нисбатан эса икки хил, бир-бирини инкор этмайдиган ёндашувлар бор. Биринчи ёндашувда ижодийлик қобилият деб тасаввур қилинса, иккинчи бир ёндашувда ижодийлик шахс хислати сифатида қаралади ва шу сабабли ҳар қандай ёшда, ҳар қандай касб-корда намоён бўлади. Академик қобилиятга эга бўлганлар эса таълимда кўпроқ натижаларга эриша оладилар. Улар назарий билимларни кенг доирада, энгил ўзлаштира оладилар, ўзига хос тафаккур ва мустаҳкам хотирага эга бўладилар. Академик қобилиятларни аниқлаш учун одатда, махсус стандартлаштирилган билим тестларидан фойдаланилади.

Янги давлат таълим стандартлари ва умумий ўрта таълим ўқув дастурларини, шу жумладан STEAM (S - фан, T - технология, E - муҳандислик, A - санъат, M - математика) - илм-фан, технология, муҳандислик, санъат ва математикани бирлаштирувчи замонавий ёндашув) усулини босқичма-босқич жорий этиш ва такомиллаштириш кўзланган.

Халқ таълими муассасалари илғор жаҳон тажрибасига таяниб, таълим сифатини такомиллаштирадилар. Республиканинг қуйидагиларда иштирок этиши бунда ёрдам беради:

- PISA ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастурда (15–16 яшар ўқувчиларнинг математик саводхонлиги, ўқиш ва табиатшунослик соҳасидаги саводхонлигини баҳолаш);

- TIMSS мактабдаги математика ва табиий фанлар соҳасидаги таълим сифатининг халқаро тадқиқотида (4 ва 8-синфлар ўқувчиларининг математика ва табиий фанлар соҳасидаги саводхонлигини баҳолаш);
- PIRLS матнни ўқиш ва тушуниш сифатининг халқаро тадқиқотида (бошланғич мактаб ўқувчиларининг матнни ўқиш ҳамда тушуниш даражаси ва сифатини баҳолаш).

Бундан ташқари, мамлакатимиз TALIS ўқитиш ва ўқиш тизимининг халқаро тадқиқотида (ўқитувчиларнинг меҳнат шароити ва мактаблардаги таълим муҳитини баҳолаш) қатнашади.

Дидактик ўйинларнинг бошланғич синф ўқувчилари фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдаги имкониятлари.

Таълим жараёнида уюштириладиган дидактик ўйинлар ҳам ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш воситаси саналади. Дидактик ўйинларга дам олиш ёки вақт ўтказиш воситаси деб қарамай, унга таълим берувчи фаолият деб қараш лозимдир.

Ўйинлар мазмуни ва амалга ошириш шаклига кўра синфларга ажратилади. Қуйида бошланғич синф она тили дарсларида уюштириладиган дидактик ўйинлар ва уларнинг мустақил фикрлаш билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

Ўқитувчи дидактик ўйинларни ўтқазишга тайёргарлик жараёнида қуйидаги талабларга риоя қилади:

- танланган дидактик ўйинлар ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мос бўлиши;
- ҳар бир ўйин педагогик ва психологик жиҳатдан асосланган бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериши;
- бир хилдаги ўйинларнинг кўп такрорланишига йўл қўймаслик;
- ўйинни ўтқазишдан аввал ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам пухта тайёргарлик кўриши;
- ўйин якунида ғолиб ва билимдон ўқувчиларни рағбатлантириб бориш.

Муаммоларни ечиш малакасини ҳосил қилувчи ва миянинг пластиклигини оширувчи кўплаб ўйинлар ва иловалар бор. Нейропластиклик — бу миянинг янги нейронли алоқалар ҳосил қилиш қобилияти. Мия қанчалик пластикроқ бўлса, у олинган маълумотларни шунчалик тезроқ ва самаралироқ тайёрлайди.

Муваффақиятга эришиш учун, ўз фаолият соҳасида ҳар доим янгиликларни излаш керак. Янги билимларга интилиш, янги малакаларга эга бўлиш. Қанча кўпроқ ўргансангиз, стратегия ишлаб чиқишингиз ва муҳим қарорлар қабул қилишингиз шунча осонроқ бўлади. Билим олиш ўзингизга бўлган ишончни оширади, жараёнга ақл билан ёндашишга ёрдам

беради. Бунинг учун бошланғич таълим ўқитувчиси ўқувчиларни интеллектуал салоҳиятини ўстиришда турли дидактик ўйинлар билан ўқувчиларни дарсга қизиқтира олиш керак.

Тинч ўйинлар.

«Ўзим текшираман». Бундай ўйинларни ўтказишда кичик ҳажмдаги диктант матни танланади ва у дарснинг кириш қисмида уюштирилади. Ўқитувчи ўқувчиларга кичик ҳажмдаги диктант ёздиради. Барча ўқувчилар ёзиб бўлишгач, ўқитувчи хаттахтага диктантни ёзиб кўрсатади. Мабодо диктант олдин хаттахтага ёзилиб, усти ёпиб қўйилган бўлса, ўқитувчи пардани очади.

Ўқувчилар эса унга қараб ўзлари ёзган диктантни текширадилар. Бундай диктантларни ҳатто алифбе даврида ҳам қўллаш мумкин бўлиб, ўқитувчи аввалига фақат ҳарфлардан, сўнгра (ундош ҳарфлар билан таништирилгач) бўғинлардан иборат қуйидагича турли вариантларда диктант ёздирса, ўқувчиларнинг ўқув-билув малакалари шакллана боради.

1-вариант: О,о, И,и, У,у, А,а, ў,ў

2-вариант: -Ло, -но, -то, -ми, -ун, -ин.

3-вариант: Бола, лола, она, зар, пар.

4-вариант: Бугун ҳаво иссиқ.

«Ҳикоя». Ўқитувчи хаттахтага бир нечта сўз ёзиб қўяди. Ўқувчилар мустақил равишда шу сўзлар иштирокида ҳикоя тузадилар. Шу жараёнда уларнинг луғат бойлиги ошиши билан бирга, гапларни тўғри тузиш, товушларни тўғри талаффуз қилиш, ижодий ва мустақил фикрлаш қобилияти шаклланади.

Ўқитувчининг вақти-вақти билан рағбатлантириши ўқувчиларнинг ўзига бўлган ишончини орттиради. Бу ўйиндан дарсдан ташқари машғулотларда, тўғаракларда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Масалан, Нафиса, соат, ёмғир, китоб. «У ким? Бу нима?». Стол устига бир қанча предметлар териб қўйилади. Ўқитувчи шу предметлардан бирортасини таърифлайди. Ўқувчилар шу белгилар асосида гап нима ҳақида бораётганлигини топадилар.

Бу ўйиннинг афзаллик томони шундаки, уни дарс давомида ўқувчилар диққатини жамлаш, қўлларига дам бериш мақсадида ёки янги товушлар билан таништириш, янги мавзунини баён қилиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Бу ўйин ўқувчиларда зийраклик, синчковлик сифатларини ва мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиришга имкон беради.

«Топағон». Ўқитувчи бирор белги асосида савол беради. Ўқувчилар шу белгини ўзида акс эттирган предметлар номларини айтадилар. Энг кўп тўғри жавоб топган ўқувчилар ғолиб саналади. Бу ўйинни ўтказиш ўқувчиларга сўз туркумлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар бериш жараёнини енгиллаштиради. Бундан ташқари, ҳозиржавоблик, мустақиллик, зийраклик, ижодкорлик каби сифатларни

шакллантиради. Савол: **Нима оқ рангда?** Жавоб: қоғоз, дафтар, булут, парда, қор, бувимнинг сочлари,

«Нотўғри жумла». Бу ўйин суратлар асосида ўтказилади. Ўқитувчи суратни тасвирлаб бериш давомида суратга тегишли бўлмаган жумлаларни ҳам ишлатади. Ўқувчилар зийраклик билан шу жумлани топишлари лозим. Ўқувчилардан бу ўйин давомида зийраклик, синчковлик, кузатувчанлик ва диққат талаб қилинади.

Улар суратни синчковлик билан кузатиш билан бир қаторда ўқитувчининг ҳикоясини ҳам диққат билан тинглаб турадилар. ҳар бир нотўғри жумлани топиш уларнинг ўзига бўлган ишончи ва дарсга қизиқишини орттиради. Бу ўйиндан фақат она тили дарсларида эмас, дарсдан ташқари машғулотларда ҳам фойдаланиш мумкин.

«Бўлиши мумкин эмас». Ўйин давомида ўқитувчи матнни ўқийди. Ўқувчилар бўлиши мумкин бўлмаган воқеалар ифодаланган жумла ёки гапни топишлари лозим. Ҳазил-мутойиба билан ўтадиган бу ўйин зийраклик, синчковлик ва кузатувчанликни талаб қилиши билан бирга, ҳикоя тинглаш кўникмасини шакллантиришга ҳам ёрдам беради. Бу ўйин бир неча марта ўтказилгач, кейинчалик ўқувчиларга мустақил равишда шундай ҳикоячалар тузишни ҳам топшириш мумкин.

Намуна: Душанба дам олиш куни бўлгани учун Олим мактабга бормади. У синглиси Вазира билан ҳайвонот боғига борди. Улар ҳайвонот боғида сувда сузиб юрган шерни, қафасда сайраётган балиқларни ва каттакон ваҳший булбулни кўрдилар.

«Ҳарфларни топ». Бу ўйинни оғзаки ёки расми тестларда товушларнинг ўрнини топишда қўлланиладиган рангли тўртбурчак қоғозчалар воситасида ҳам ўтказиш мумкин. Бунда икки хил рангдаги тўртбурчак қоғозчалар олинади. Ўқитувчи сўзларни ўқийди. Ўқувчилар эса мустақил равишда топиш лозим бўлган товуш ўрнини бир хил рангдаги, қолган товушлар ўрнини иккинчи хил рангдаги қоғозчалар билан кўрсатадилар.

Масалан «она» сўзидаги «а» товушининг ўрнини рангли қоғозчалар билан шундай кўрсатадилар: ёки товушлар схемасини қуйидагича чизиб кўрсатадилар: Бу ўйиндан ўқитувчи ўқувчиларнинг саводини чиқаришда самарали усул сифатида фойдаланиши мумкин. Ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш мақсадида ўйинни оғзаки ҳам ўтказиш мумкин. Масалан: **«Мактаб»** сўзидаги «а» товушининг ўрнини топиб айтиш керак бўлсин. «Мактаб» сўзида «а» товуши биринчи бўғинда иккинчи ўринда «м» товушидан кейин турибди, иккинчи бўғинда эса «т» товушидан кейин иккинчи ўринда турибди.

«Ўқиб кўр-чи». Ўқитувчи ўқувчиларга ёзма ва босма ҳарфлар билан катта-катта қилиб ёзилган сўзларни кўрсатади. Ўқувчилар ўқийдилар. Тез ва тўғри ўқиган ўқувчилар рағбатлантирилади. Шу хилдаги ўйинлар воситасида ўқувчиларнинг ўқиш техникаси шакллантирилади. Бу ўйинни «Алифбе» даврида ҳам қўллаш мумкин.

Уни ундош товушлар хали ўрганилмаган даврда фақат товушлар, кейинроқ эса бўғинлар, сўзлар, гаплар воситасида ўтказиш мумкин. «Давом эттир». Бу ўйинда ўқитувчи ҳикоя бошлайди. Ўқувчилар уни мустақил давом эттирадилар. Бунда ўқувчиларда ижодкорлик, мустақил фикрлаш қобилияти ривожланиб, баён ёки иншо каби ижодий ишлар ёзиш кўникмаси ривожланади ва сўз бойлиги ортади. Бундан ташқари, уларда ўзига ишонч ҳисси шаклланиб боради.

«Давом эттир» ўйинидан она тили, ўқиш дарсларида ёки дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш мумкин. Масалан: «Бугун мен барвақт мактабга келаётганимда ... ».

«Сафар». Ўқувчиларга мактабдан ёки ўз уйларида маълум бир жойгача бўлган йўлни тасвирлаш топширилади. Ўқувчилар бир неча кун давомида «объект»ни кузатадилар ва уни оғзаки тасвирлаб берадилар. Синчковлик, зийраклик, кузатувчанлик, атроф-муҳитга диққат-эътибор талаб этиладиган бу ўйин воситасида Ватанга эътиқод, табиатга муҳаббат ҳисларини тарбиялаш мумкин.

Бундан ташқари, ўқувчиларнинг нутқи ривожланади, луғат бойлиги ортади, мустақил фикрлаш малакалари шаклланади. Шу билан биргаликда ўқувчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини қай даражада билишларини ҳам аниқлаш мумкин.

«Сафар» ўйинидан мустаҳкамлаш дарсларида ёки дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш мумкин. Масалан: Уйдан спорт мажмуасигача бўлган йўл. Мен дарсдан кейин спорт мажмуасидаги кураш тўғарагига қатнайман. У ерга бориш учун уйдан чиқиб, чап қўл тарафга қараб юраман. Катта йўлдан ўтиш учун пиёдаларга ажратилган йўлак бўйлаб бориб, светофорнинг яшил чироғи ёнганда махсус ажратилган жойдан ўтиб оламан. Тўғрида спорт мажмуаси кўриниб туради.

Биз юқорида мисол тарзида келтирган дидактик ўйинлар барча қонун-қоидалар ва принциплал талабларга риоя қилиб ўтказилса, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга инноватсия ёндашув асосида ўргатиш самарали таъсир қилиши шубҳасиз

Назорат саволлари:

1. Интеллектуал сўзининг маъноси ва тушунчасига изох беринг.
2. Тафаккур ёки фикрлашнинг қуйидаги шакллари афзаликлари.
3. Интеллектуал инсоннинг ақлий қобилиятларига қандай хизмат қилади.
4. Таълим сифатини оширишда қобилиятнинг роли қандай.
5. Муаммо неча таркибий қисмдан иборат.
6. Таълим сифатини оширишда нималарга эътибор қилиш керак.
7. Шахсга янги қарашда интеллектнинг ўрни.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Инновация таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.

2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т., 2006.
3. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 260 б.
4. Ж.Ф.Ёўлдошев «Педагогик технология асослари», Т: «Педагог», 2004 йил.
5. Болаларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш. Т., РТМ. 2004 й.
6. Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар - Т: Молия нашр., 2003
7. Ишмухамедов Р.Ж. ва б.к. Таълимда инновацион технологиялар.-Т.: 2008
8. Давид Уатсон. The Question of Conscience Higher education and personal responsibility. Оксфорд, Институте оф Едисатион Пресс. 2014.

4-Маъруза: Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари

Режа:

4.1. Шахсга йўналтирилган таълим технологияси.

4.2. Муаммоли таълим технологияси.

Таянч тушунчалар: Шахсга йўналтирилган таълим, муаммоли таълим, узвийлик, пед технология, замонавий ёндашув, билим, кўникма, малака, педагогика, дунёвий ва диний, рақобатбардош, касб-ҳунар, лойиҳа, дидактика, тафаккур, такомиллаштириш, класификатсия, салоҳият, маҳорат.

4.1. Шахсга йўналтирилган таълим технологияси.

Шахсга йўналтирилган таълим – таълим жараёнининг асосий объекти ўқувчи (талаба, тарбияланувчи) бўлиб, унинг шахси, кадр-қимматини юқори ўринга кўядиган, асосий эътиборни интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарабини бойитиш, маънавий-ахлоқий тафаккурини ривожлантиришга қаратадиган педагогик фаолият тури.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг муаммоли таълим, модул таълими дастурий таълим, ривожлантирувчи таълим, ўйин технологиялари, интерфаол таълим, ҳамкорлик таълими, табақалаштирилган таълим, индивидуал таълим, масаофавий таълим, мустақил таълим ва инноватсия таълим каби турлари мавжуд.

Авторитар технологияда, педагог ягона субъект сифатда намоён бўлади, ўқувчилар эса фақатгина «объект» вазифасини бажаради холос. Бунда ўқувчининг ташаббуси ва мустақиллиги йўқолади, ўқитиш мажбурий тарзда амалга оширилади. Анъанавий ўқитиш асосан билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, шахснинг ривожланишини кўзда тутмайди.

Анъанавий ўқитиш қуйидаги хусусиятларга эга: зўравонлик педагогикаси, ўқитишнинг тушунтирув-кўргазмали усули, оммавий ўқитиш.

Анъанавий ўқитишда авторитарлик қуйидаги шаклда намоён бўлади: ўқувчи бу ҳали тўла шакланмаган шахс, у фақат бажариши зарур, педагог эса - бу сардор ҳакам, ягона ташаббускор шахс.

Шахсга йўналтирилган таълимда эса ўқувчи шахси педагогик жараён марказига қўйилади, унинг ривожланишига ва табиий имкониятларини рўёбга чиқаришга қулай шарт-шароитлар яратилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Ўзбекистон Республикасидаги таълим тизимининг миллий моделига алоҳида эътибор қаратилган. Бу модел **5 таркибий қисмдан** иборат: **шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш**. Бу ерда таълим миллий моделининг асосий таркибий қисми - «шахс» биринчи ўринда туради. Бошқача айтганда, бутун таълим тизими, шу жумладан, ўқитиш шахсга йўналтирилган бўлиши лозим.

Шахсга янгича қараш қуйидагилардан иборат бўлади:

- педагогик жараёнда шахс объект эмас, субъект ҳисобланади;
- ҳар бир ўқувчи қобилият эгаси, кўпчилиги эса истеъдод эгаси ҳисобланади;
- юқори этик қадриятлар (сахийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждон ва бошқалар) шахснинг устивор хислатлари ҳисобланади.

Муносабатларни демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқувчи ва педагог ҳуқуқларини тенглаштириш,
- ўқувчининг эркин танлаб олиш ҳуқуқи;
- хатога йўл қўйиш ҳуқуқи;
- ўз нуктаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи
- педагог ва ўқувчилар муносабати зайли: тақиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Янги муносабатларнинг асосий мазмуни, ҳозирги замон шароитида самарали натижа бермайдиган ва ғайри инсоний ҳисобланадиган зўравонлик педагогикасидан воз кечишдир. Муаммо бу тамойилни мутлақлаштиришда эмас, балки унинг оқилона мезонларини аниқлашдадир. Умуман олганда тарбия жараёнида зўравонлик мумкин эмас, аммо жазолаш инсонни камситади, эзади, ривожланишини сусайтиради, унда қулчилик хусусиятларини шакллантиради.

Эркин ўқитиш қуйидагилар билан белгиланади:

- ишончга асосланган эркин талабчанлик;
- ўқув материалига қизиқиш уйғотиш, билишга ва фаол ижодий фикрлашга рағбатлантириш;
- ўқувчиларнинг мустақиллиги ва ташаббусига таяниш;
- жамоа орқали билвосита усуллар билан талабларни амалга оширишни таъминлаш.

Янги индивидуал ёндашувнинг моҳияти шундаки, у таълим тизимида ўқув фанидан ўқувчига эмас, ўқувчидан ўқув фани томонга

харакатланишни тақозо этади, ўқувчиларнинг мавжуд имкониятларни инобатга олиб, уларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва бойитишга қаратилган бўлади.

Индивидуал ёндашувнинг замонавий янги талқини қуйидагилардан иборат:

- ўртача ўқувчига йўналтиришдан воз кечиш;
- шахснинг яхши хислатларини излаш;
- шахс ривожланишининг индивидуал дастурларини тузиш.
- Шахсий ёндашишда биринчи навбатда қуйидагилар зарур

бўлади:

- ҳар бир ўқувчи қиёфасида ноёб шахсни кўриш, уни ҳурмат қилиш, тушуниш, қабул қилиш, унга ишониш. Педагогда барча ўқувчилар истеъдодли деган ишонч бўлиши керак.

- шахсга, ютуқни маъқулловчи, қўллаб-қувватловчи, хайрихоҳ вазиятлар яратиш, яъни ўқиш қониқиш ва хурсандчиликни олиб келиши керак.

- бевосита мажбурлашга йўл қўймаслик, қоқоқликка ва бошқа камчиликларга урғу бермаслик, унинг нафсониятига тегмаслик.

- педагогик жараёнда, ўқувчиларга ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришга имконият яратиш ва кўмаклашиш.

Олий, ўрта махсус ва касбий таълим тизими учун, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишбилармонлик ўйинлари;
- муаммоли ўқитиш;
- табақалаштирилган ўқитиш;
- дастурлаштирилган ўқитиш;
- компьютерлаштирилган ўқитиш;
- модулли ўқитиш.

Япониянинг замонавий педагог-олимлари болани кунига 200 мартагача эркалатишни тавсия берадилар. Бу замонавий ғояларнинг дебочаси, буюк аждодимиз Ал-Бухорийнинг «Ҳадис» китобида «Болага раҳмдиллик қилмоқ, уни ўпиб кучоқламоқ ҳақида» ёритилган. Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларнинг ўзаги шахслар ўртасидаги юқори кадриятларга, тенг ҳуқуқликка асосланган муносабат ҳисобланади.

Бу қадриятлар Ал-Бухорийнинг «Ҳадис» китобида «Ширин сўз одам ҳақида», «Сўкмоқ ва лаънатламоқ таъқиқланганлиги ҳақида» батафсил ёритилиб берилган. Унда шахсни сўкиш уни ўлдириш билан тенглаштирилган.

Шахсга йўналтирилган таълим моҳияти ва тамойиллари.



- **инсонпарварлик**, яъни инсонга ҳар томонлама ҳурмат ва муҳаббат кўрсатиш, унга ёрдамлашиш, унинг ижодий қобилиятига ишонч билан қараш, зўрлашдан тўла воз кечиш;
- **ҳамкорлик**, яъни педагог ва ўқувчилар муносабатидаги демократизм, тенглик, шериклик;
- **эркин тарбиялаш**, яъни шахсга унинг ҳаёт фаолиятини кенг ёки тор доирасида танлаб олиш эркинлиги ва мустақилликни бериш, натижаларни ташқи таъсирдан эмас, ички ҳиссиётлардан келтириб чиқариш.
- **шахс ўзида яширинган янги қобилият** ва иқтидорини юзага чиқариш, шахс камолотига йўл очиш имконини беради. Шахсга йўналтирилган технологияларнинг коммуникатив асоси - педагогик жараёнда ўқувчига инсоний-шахсий ёндашув ҳисобланади.
- **Мустақил ўқиб-ўрганиш**, ўқув жараёнидаги қийин вазиятларда ўқитувчининг ёрдамсиз муаммоларни ҳап қилишга уриниш, шундан кейингина ўзининг хулосалари тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчининг ёрдамига таяниш зарурлигини аниқлаш муҳимдир.

Шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун аввало унинг хулқига таъсир этувчи омилларнинг табиатини, шахснинг шахсий хусусиятини яхши ўрганмоқ лозим. Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари илмий-техникавий тараққиёти жадаллаштирилган даврида ривожланган давлатларда шакллантирилганлигини инобатга олган ҳолда улар чуқур илдизларга эга эканлигини таъкидлаш тўғри бўлар эди. Қадимий файласуф Сукрот ўз чиқишларида савол ва жавоб усулини ишлатар эди. Бу усул ҳақиқатни билиб олиш учун ёрдам берар эди. Қадимий Рим педагоги М.Ф.Квантилиан ҳар бир шогирдга эътибор ва диққат билан ёндашишни

тавсия берган эди. Ўрта аср Шарқининг буюк олим-мутафаккирлари томонидан йирик педагогик мерос қолдирилгин.

Асрлар, мингйиллар давомида шахсга муҳаббат ва ҳурмат, унга ёрдамлашиш хислатлари асосида миллатимиз шаклланиши билан биргаликда халқимизнинг менталитети инсонга муҳаббат ва ҳурмат кўрсатиш, унга ёрдамлашиш хислатлари асосида юзага чиқди. Энг аввало, ёшларимизга нисбатан муҳаббат яққол намоён бўлади. Халқимиз болаларга «сиз» деб муносабат қилур, катталар уларга биринчи бўлиб «салом» берур.

Педагогика фанининг ривожланишига европа буюк педагог-олимлари ҳисса қўшган, жумладан: италиялик Виттарино ди Фелтре, француз Франсуа Рабле, инглиз Томас Море, немис А.Диструверг, рус К.Д.Ушинский ва бошқаларни таъкидлаб ўтиш мумкин. Булар гуманистик тарбияни, мустақил фикрлашни ривожланишини, ижодни, фаоллигини, кўргазма материалларни кенг фойдаланишини, назарий та'лимни меҳнат билан боғланиш тарафдори эдилар. Улар педагогик жараёнда ўқувчиларни суб'ект деб ҳисоблар эдилар.

Бундай ёндашувда бир гуруҳ ўқувчилари фақат ўзларига берилган топшириқларни билишади холос, яъни бошқа гуруҳлар ишлари ҳақида деярли хабарлари бўлмайди. Шунинг учун ҳам натижалар қисман бирлаштирилиши зарур.. Таълим олувчиларнинг билим олиш, мустақил ишлаш ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг онгли фаоллиги, мустақиллиги ҳамда ижодкорлигини, ўқув билиш фаолияти натижасининг сифатини характерлайди.

Толерантлик (лот.толерантиа – чидам, сабр-тоқат), бағрикенглик – ўзгарларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли, чидамли бўлиш. Бу бир-бирига ўхшамаган одамларнинг бирга аҳилликда яшашидир.

Бирор-бир инсонда ёки бирор-бир бегона маданиятда бизга нимадир ёқмаслиги мумкин, бироқ ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказмаса, жорий қонунларни бузмаса уларнинг мавжудлиги ва ривожланишини тан олишимиз керак.

Яъни толерантлик бу ўзгаларнинг фикри, қарашлари ва хатти-харакатига пассив, табиий равишда буйсунишни аниқлатмайди. Балки алоҳида одамлар, турли гуруҳлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, ижобий ҳамкорлик йўлидаги фаол ахлоқий нуқтаи назар ва психологик ҳамкорликни аниқлатади⁶.

Бағрикенглик ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-куйда бунга риоя этишни аниқлатади. Мазкур тушунча турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат

⁶ Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.260-261; Тарбия: (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). / Тузувчи М.Н.Аминов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.416-417.

доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, тинч-осойишта яшашини ифода этади”.

Худди шундай бошқа халқларда ҳам мазкур тушунчанинг ўзига хос таърифлари мавжуд. Қуйида А.Рўзиев томонидан амалга оширилган тасниф асосидаги дунё тилларида толерантликни таърифловчи атамаларнинг луғавий маъноларини келтириб ўтамир:

1) толерансе (ингл.) – муруватли, сабр-тоқатли бўлишга тайёрлик; то толерансе – сабр-тоқатли бўлиш, ҳеч бир таъқиқлашларсиз ўз фикрларини намоён қилиш ҳуқуқини бериш;

2) толерансе (фр.) – бошқалар бизларга қараганда яхшироқ ва мукамалроқ фикрлашлари мумкинлигига бўлган қатъий ишонч;

3) толерансиа (исп.) – ўз фикрлари ва ғояларидан ҳам мукамалроғлари борлигини тан олиш;

4) куан ронг (хит.) – бошқаларни борича қабул қилиш ва бошқаларга бағрикенг муносабатда бўлиш;

5) тасамул (араб.) – кўнгилчанлик, раҳм-шафқатлилик, кечиримлилик, бошқаларни борича қабул қилиш ва кечириш;

б) толерантность (рус) – сабрли бўлиш (ўзини тута билиш, тоқатли бўлиш, ҳар қандай шароитда муроса қила олиш), бошқаларнинг борлигини қабул қилиш ва тан олиш, бошқаларга ёки бирор нарсага муносиб ёинки муносиб эмаслигини англаш, тан олиш.

Социологик тадқиқотларда қайд этилишича эса, толерантликка фалсафий категория сифатида қаралиб, материянинг объектив амал қилиш шакли тарзида, яъни тушунча ҳолида онгда ўз ифодасини топишини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Толерантлик – ўзга шахсга ёки нарсага, ёхуд бегона, ёинки фарқланувчи шахс – ҳодисага нисбатан ўз ҳис-туйғуларимизни кўлга ола билиш демакдир. Ўз-ўзини чеклаш ирода кучига эга бўлмоқлик демакдир. Толерантлик ўз-ўзини чеклаш орқали ифодаланган иродадир ва бу ўзгаларга хайрихоҳ – муросасозлик билан қараш имкониятини билдиради⁷.

Ижтимоий-демографик омилларга таянган ҳолда, олимлар толерантликнинг қуйидаги соҳаларини ажратиб кўрсатишади:

1) гендер толерантлик – бошқа жинс вакилларига нотўғри муносабатда бўлмаслик, бир жинснинг иккинчи жинс асосида келиб чиққанлиги ҳақидаги ғоялардан воз кечиш;

2) ёшга доир толерантлик – инсоннинг ёши билан боғлиқ ўзига хосликларини тўғри қабул қилиш (кексаларнинг ёшларни тушуна олмаслиги, Ўқувчиларда билим ва тажрибанинг етарли эмаслиги ва бошқалар);

3) маълумотлилик даражаси билан боғлиқ толерантлик – нисбатан паст даражадаги маълумотга эга кишиларнинг фикрлари ва хатти-ҳаракатларига сабрли бўлиш;

⁷ Каримова Э. Толерантлик ва ҳозирги замон. // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ. – Т., 2008. - №3. – Б.51.

- 4) миллатларо толерантлик – турли миллат вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бирор миллат вакилининг камчилик ва салбий ҳаракатларини шу миллатга мансуб бошқа кишиларда ҳам бор деб ҳисобламаслик. Миллатларо толерантлик, ҳар бир миллат ва элатнинг ўз вазифалари ва бурчини англаб етишини назарда тутди. Бу бурч ва вазифалар кўп миллатли муҳитда ҳаёт кечириш, шу жумладан, ўзининг муносабатлари, кўникма ва малакалари, мулоқот олиб бориш эҳтиёжига талабчанлик билан қараш зарурлиги, яъни, бир-бирини тинглаш, тушуниш, шунингдек, кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни сабр-тоқат билан ўзаро маслаҳатлашиб, ҳар қайси томонлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич ижобий ҳал қилишга интилишни тақозо этади;
- 5) ирқий толерантлик – бошқа ирқ вакилларига паст назар билан қарамаслик;
- 6) диний толерантлик – турли динлар, конфессиялар, конфессионал гуруҳларга бағрикенглик билан муносабатда бўлиш;
- 7) географик толерантлик – турли ҳудудда истиқомат қилувчи кишиларнинг бир-бирларининг яшаш шароитларини бор ҳолича қабул қила олишлари, камситишга йўл қўймаслик;
- 8) табақавий толерантлик – жамиятдаги турли қатлам вакиллари (бойларнинг камбағалларга, камбағалларнинг бойларга)га сабрли бўлиш;
- 9) физиологик толерантлик – касал, ногирон, жисмоний нуқсонли бор кишиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- 10) сиёсий толерантлик – турли сиёсий партия ва жамоат бирлашмалари, сиёсий лидерлар фаолиятига тоқатли бўлиш;
- 11) маданий толерантлик – маданий қизиққонликка зид бўлиб, бошқа маданиятларни тан олиш, уларни тўғри қабул қилишга қобилиятлилик. Маданий толерантлик маданий таъсир ўтказиш, маданий экспансияга йўл қўйилмаслигини талаб этади;
- 12) шахсларо толерантлик – инсонлардаги мураккаб табиийликни, улар орасидаги фарқларни англаш ва қабул қилишга қобилиятлилик бўлиб, мулоқот жараёнида инсоннинг бошқаларни ўз мавжудлиги ва ривожининг юксак тимсоли сифатида кўра олишидир.

4.2.

Муа

ММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

Муаммоли таълим замонавий таълим моҳиятини ақс эттирувчи илғор педагогик технология ҳисобланади. Таълим амалиётида ундан фойдаланиш таълим олувчиларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш ва маълум хулосаларга келиш каби кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қилади. Муаммоли ўқитишда муаммоли вазиятларни ҳал қилиш

методи фаол қўлланилади. Муаммоли вазиятларни ҳал қилишда баҳс-мунозаралардан фойдаланилади. Бунда, айниқса, кичик гуруҳларда ишлаш самарали кечади.

Муаммоли таълим ёндашувлари ва шахсга йўналтирилган таълимни роли.

Муаммоли таълим таълим олувчиларнинг баҳслари, мушоҳадаларида амалга оширилувчи анализ-синтез фаолиятига асосланади. Бу таълимнинг тадқиқотчилик туридир. Шу нуқтаи-назардан ҳозирги олий мактабдаги самарадор ўқитиш технологияси - бу муаммоли ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий, фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади.

Идрок этиш ва эмоционал мақсадини амалга ошириш учун

Ўқитувчи томонидан қуйидаги соғлом муҳит яратилиши керак:

1. Ўқитувчининг самимийлиги.
2. Ўқувчини мукофотлаб, рағбатлантириб бориш. (унинг ҳис-туйғуларини қўллаб қувватлаш ва ишончга эришиш)

3. Ўқувчини ҳар томонлама тушуниш ва уни ифода эта олиш.

Ушбу муҳитда ўқувчилар ва ўқитувчилар қуйидаги эмоционал натижаларга эришишлари мумкин:

1. Ўз-ўзини баҳолаш ҳиссини кўтарилишига.
2. Мактаб ва таълимга ижобий муносабатига.
3. Ўқув жараёнида кўпроқ қатнашишига.
4. Ўқув машқларини бажаришда кутилмаган ижодкорликни кўпайишига. Келинг, энди қуйидаги статистик маълумотга эътибор берайлик. (кодоскопда кўрсатилади).




Агар ўқувчилар суҳбат юритилаётган мавзунини **ўқиб ўрганган** бўлсалар, икки ҳафтадан сўнг шу мавзу сўралса, улар **10%** маълумотни гапириб берадилар.




эшитиб (ўқитувчи томонидан гапириб берилганда) олган маълумотларнинг **20%**ини,



кўриб (кўргазмалар, жадваллар, расмлар кўрсатилганда) олган маълумотларнинг **30%**ини,



Кўриб ҳам эшитиб (бир вақтнинг ўзида, яъни видеокассета, телевизор, компьютер, интернет орқали) олган маълумотларнинг **50%**ини,



Ўзаро муҳокама қилинганда (бир неча ўқувчи биргаликда фикр алмашиб муҳокама қилишларидан) олган маълумотларнинг **70%**ини,



Шахсан хис қилганда (хар бир ўқувчи ўз танасида сезиши, айтилган фикр-мулохазаларнинг ҳаққонийлиги, яъни ҳаётдан реал мисоллар кўрсатилиши орқали), олган маълумотларнинг **80%**ини,

Ўқитиш орқали (ўқувчилар ўқиганларини, тушунганларини бир-бирларига гапириб тушунтириб беришлари), такрорлаш орқали олган маълумотларнинг **95%**ини тушунадилар ва эслаб қоладилар. Ҳудди шунинг учун ҳам замонавий ўқитиш усулларидан интерфаол усуллар самарали ҳисобланмоқда.

Демак, ўқитувчи ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакага кўпроқ эришишлари учун қуйидагиларга эътибор беришлари керак:

- ✓ агар ўқувчиларнинг билиш ва ўрганишга талаб ҳамда эҳтиёжлари инобатга олинса, у ҳолда улар кўпроқ натижага эришадилар;
- ✓ ўқувчилар ўзлари ўзларига баҳо беришлари – бу баҳолашнинг энг афзал йўлидир;
- ✓ ҳис-туйғулар билимлар каби тенг аҳамиятлидир;
- ✓ агар жамоада дўстона муҳит бўлсагина ўқувчилар яхшироқ натижаларга эришадилар.

Замонавий технологиялар қўлланилган дарслар ўқувчилар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқишларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамиятнинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши са тарбияланишига шароит яратади, шу билан бирга бошқарувчилик вазифасини бажаради.

Дарсликларда берилган матн, машқ ва масалаларни иллюстратив материаллар, жадвалларни танлашда ўқув-билув фаолиятини бошқариш,

яъни дарс жараёнига раҳбарлик қилиш, дарслик материаллари воситасида ўқув-чиларнинг билим, кўникма, малакалари, эгаллаган шахсий сифатларини на-зорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш лозим.

Хорижий тадқиқотчилар фикрича, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, мақсадга интилиш, индивидуал ва гуруҳий ишлари, ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва коллеждан ташқари таълим олиш имкониятларини ҳам яратиш, касб-хунар таълими муассасаларининг асосий вазифаси бўлиши керак.

Француз олими К. Аллегр таъкидлаганидек, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, мақсадга интилиш, уларнинг индивидуал ва гуруҳий ишларини, ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳам касб-хунар ўқув юр்தларининг асосий вазифасидир.

Психологларнинг тадқиқотлари таҳлили шуни кўрсатдики, ўқувчиларда билимларини шакллантириш ўқитувчи раҳбарлигида, мақсадли ташкил қилинган фаолият жараёнида самарали ривожланади ва бу педагогик жараёнда ўз аксини топади.

Фақатгина самарали ташкил этилган таълим жараёнида ўқувчида ўқув муаммосини мустақил ҳал қилиш кўникмасини ривожлантириш ва ўрганилаётган билимлар юзасидан келиб чиққан муаммоларни ижодий ечиш имкониятини яратади.

Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда замонавий таълимнинг вазифаси, мақсади, ўрни ва ролини яққол тасаввур қила олишимиз керак.

Биз ҳозирги вақтда қўлланилаётган ўқув-тарбия жараёнида ва педагогик адабиётлар ва тадқиқот ишларида, “мустақил таълим”, “мустақил иш” тушунчаларининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилдик. Баъзан мустақил ҳолда ўқиш ва мустақил таълим тушунчалари адаштирилади. Мустақил ҳолда ўқиш расмий ўқув жараёнидан ташқарида кечиши мумкин, яъни муайян таълим муассасига бормай туриб, уйда ўзи ўқув материаллари асосида мустақил, индивидуал ҳолда ўқиши ва ўрганиши мумкин.

Н.Муслимовнинг фикрича мустақил таълим - билимларни ўзлаштириш тасаввурларини ривожлантириш тушунчалари, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг субъектив мақсадига мувофиқ мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демакдир.

Мустақил таълим - белгиланган ўқув топшириқларини таҳсил олувчиларнинг мустақил ва ижодий бажаришлари асосида ўтадиган ўқув фаолиятидир. Мустақил таълим негизини мустақил ишлар ташкил этади.

Биз мустақил таълимни педагогик тамойилларга асосланиб ташкил этиш керак, деб ўйлаймиз. Масалан, ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги тамойили ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадими, бунда ўқувчилар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик, ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожландиган бўлсин.

Масалан: Мустақил билим олиш ва ўрганишда ўқувчилар ҳаракати гуруҳдаги ўқувчилар қуйидаги тартибда бўлиши мумкин:

1. Ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинади (одатда 3-4 та)
2. Ҳар бир кичик гуруҳ ўтилган мавзулар бўйича бир нечта савол (ёки топшириқ)лар тузадилар.
3. Сўнгра гуруҳлар ўзаро саволлар билан алмашадилар.
4. Гуруҳлар “рақиб” гуруҳ тузган саволларга жавоб берадилар ва энг кўп саволга тўғри жавоб берган гуруҳ муваффақият қозонган деб ҳисобланади.

Демак, ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган машғулотларни самарали ташкил этиш ўқув жараёнининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мустақил ва ижодий ишлаш жараёнида ўқувчида мустақил фикрлаш қобилиятининг ривожланиши натижасида, ўқувчида жараёнлар ва ходисалар, объектлар ҳақида билимларни тизимлаштириш уларни чуқур ўрганиш ҳамда тегишли қарорлар қабул қилиш, назарий билимларни амалда қўллаш кўникмалари шаклланади.

Назарий дарс, тажриба ва амалий машғулотларни ўтказиш давомида ўқитиш жараёнининг кўзда тутилган кетма-кетлигини сақлаб қолиш ҳамда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришишни таъминлаш лозим.

Ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантириш учун машғулотларнинг дарс ишланмаси ҳамда технологик харитаси ишлаб чиқиши керак. Ҳар бир машғулот бўйича дарс ишланмалари ва технологик хариталарни ишлаб чиқиш ўқув жараёнини тўлақонли лойиҳалаштириш ҳамда самарали ташкил этиш имконини беради.

Мустақил иш

Ўқувчиларининг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда мустақил ишларнинг аҳамияти жуда катта. Мустақил ишлар ўқувчининг умумий ривожланишига ва касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак.

Шунингдек ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил қилиш тарбиявий, таълимий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак. Тарбиявийлик аҳамияти шундаки ўқувчи ўз билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун ўзини-ўзини тарбиялаб боради. Таълимий аҳамияти эса ўқувчи бўш вақтдан самарали фойдаланган ҳолда мустақил билим олиш жараёнининг шаклланишига олиб келади.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш ва бошқариш ўқув жараёнининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мустақил ва ижодий ишларнинг турлари, шакллари танлашда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавҳумдан-аниқликка” тамойилларига амал қилиш лозим.

Мустақил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқишда ҳар бир ўқувчининг шахсий имкониятлари, тушунувчанлик, ўқув материални ўзлаштириш даражаси инобатга олиниши, шахсга йўнал-тирилган ўқитиш технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Машғулотларда ўқувчиларнинг ижодий ишлашига аҳамият бериш керак. Ўқитувчи ўқувчи бажарадиган мустақил ишларни ҳажмини аниқлаб, бажариш учун уларга ақлий меҳнат қилиш йўлларини ўргатади ҳамда ишни бажариш жараёнида келиб чиқадиган камчиликлар ва хатоликлар бўйича кўрсатмалар беради.

Интерфаол (“Интер” – бу ўзаро, “аст” – ҳаракат қилмоқ) – ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқишнинг интерфаол методлари–билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлайдиган нарсаларини тушиниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладиар. Бу улулларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бунда педагогик ҳамкорлик жараёни ўзага хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга:

- ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши;

- ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларининг доимийлигини таъминланиши;

- ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтирилиши;

- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этиш киради.

Интерфаол таълимни моҳияти шундаки, дарсда барча ўқувчилар билим олиш жараёнига жалб қилинадилар, уларда билган нарсалари бўйича тушуниш ва ҳаракат қилиш имконияти бўлади. Ўқувчиларнинг билим олиш жараёнида биргаликдаги фаолияти, ўқув материални ўзлаштириши, ҳар бир иштирокчи ўзини алоҳида хиссасини қўшишини, билим ва маълумотлар, ғоялар алмашуви рўй бераётганини англатади. Буларнинг барчаси ҳайрихоҳлик ва ўзаро ёрдам муҳитида амалга ошади. Бунда ўқувчи нафақат янги билимлар олади, балким идрок этишни ривожлантиради, ҳамкорлик юзага келади.

Ўқитишнинг интерфаол методлари.

- Когнитив (согнито – лотинча сўз бўлиб, билим, билиш маъносини англатади.) – энг аввало ўқувчининг тафаккурини шакллантиришга жамоа муҳокамасини ташки этиш билан боғлиқ бўлган услуб.

- Экспериментал – ўқувчиларнинг жонли, шахсий тажриба орттиришларига йўналтирилган.

- Ролли ўйинлар, моделлаштириш – ҳаётий вазиятларни моделлаштириш ҳамда маълум ролларни ижро этиш орқали уларни синаб кўришга йўналтирилган.

- Фасилитатсия (инглизча фасилитате – осонлаштириш) гуруҳ ишини ташкил этиш, кўпинча аниқ, ҳақиқий амалий топшириқлар билан боғлиқ, аниқ қарор қабул қилиш бўйича муҳокама, фаолиятнинг ҳақиқий режасини ишлаб чиқиш, можароли манфаатларни мувофиқлаштиришга мўлжалланган.

“Ассесмент” -технологияси.

- **ЕАссесмент”** – бу марказ, шахсга нисбатан ўз-ўзини баҳолаш технологияси ҳисобланади.

- **“Ассесмент”** - англ. ассесмент «баҳолаш»

Мақсади – ўқувчиларнинг билимини бир неча хил ёндашувлар орқали баҳолаш, таҳлил қилиш, синаб кўришдан ва ўз-ўзини баҳолашга имконият беришдан иборатдир.

<p style="text-align: center;">Ассесмент усули.</p> <p style="text-align: center;">Тест</p> <p>Отларда нечта келишк бор?</p> <p>А) 2 Б) 3 В) 4 Г) 6</p>	<p style="text-align: center;">Вазият</p> <p>Маълум бир фан бўйича дарс бошида ҳар бир ўқувчи 20 дақиқа мобайнида ўқитувчи раҳбарлигида ўқув материалини ўқилайди.</p> <p>Дарс охиригача эса, барча ўқувчилар галла галдан жуфтларини алмашиб ишлайдилар, яъни улар роллар билан алмашдилар, ўқитувчи сифатида ва ўқитувчи сифатида.</p> <p>Савол ва топшириқлар:</p> <p>1. От сўз турсунга қос сўзлар қайси келишкларни олганда белгиси қўйилмади?</p> <p>2. Жой номларига мисоллар келтиринг?</p>
<p style="text-align: center;">Белгилари (симптом)</p> <p>Нарса ва шахснинг номини билдирган сўзлар бу.....</p>	<p style="text-align: center;">Амалий кўникма</p> <p>Атоқли отлар иштирокида гаплар тузинг...</p>

Ратционалистик (бихевиористик) парадигма (П.Блум, Р.Ганье, Б.Скиннер ва бошқалар). Ратсионалистик парадигма диққат марказида таълим мазмуни эмас, балки ўқувчилар томонидан турли билимларни ўзлаштирилишини таъминловчи самарали усуллари ётади. Таълимнинг ратсионалистик модели асосини Б.Скинернинг ижтимоий инженерия бихевиористик (инглизча **“бехавиор”** – хулқ) концепцияси ташкил қилади. П.Блум барча ўқувчилар фақат ўзлаштирибгина қолмай, балки муваффақиятли ўқишлари мумкин деб ҳисоблайди. Ўқувчининг оптимал қобилиятлари маълум шароитларда, ўқувчига таълим бериш натижаси унинг суръати билан аниқланади. Олимнинг фикрича, таълим олувчиларнинг 95 фоизи таълим муддатларига бўлган чеклашлар олиб ташланганда ўқув курсининг бутун мазмунини ўзлаштириб олишга қодир. Ана шу нуқтаи назардан ўқувчилар томонидан билимларнинг муваффақиятли ўзлаштирилишини таъминловчи методика ишлаб чиқилади.

Методиканинг моҳияти қуйидагича:

1. Ўқитувчи синф ёки курс учун таълим якунида эришилиши зарур натижаларнинг рўйхати ва унга мувофиқ келувчи тестларни тузади.

2. Ўқув материалларининг яхлит ҳажми кўрсатилиб, уларни ўзлаштириш натижалари аниқланади, якуний баҳога таъсир кўрсатмайдиган ва тузатувчи, коррекцияловчи навбатдаги тестлар тузилади.

3. Ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун тест синовлари ўтказилади.

3. Гуманистик (феноменологик) парадигмага кўра (А.Маслоу, А.Комбс, К.Роджерс, Л.С.Выгодский ва бошқалар) таълим олувчи эркин шахс, ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида ўзига хос ривожланиш имкониятларига эга. Улар болани ривожлантириш мақсадида уни шахслараро муносабатлар жараёнига йўналтиради.

Таълимнинг **феноменологик** (феномен юн. “пҳаиноменон” – ҳисобланган, яъни, машҳур, алоҳида нодир одам) модели ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг талаб ва қизиқишларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни кўзда тутди. Унинг вакиллари ўқувчини нодир шахс деб ҳисоблайдилар. Гуманистик парадигма доирасида фаолият олиб борувчи ҳар бир таълим тизими ижодий ривожланади ва ўқувчи ҳамда ўқитувчининг эркинлиги ва ижодкорлигини ёқлайди.

4. Эзотерик парадигма (юн. “есотерикос” ички, сирли, яширин, айрим тоифа кишиларигина аён бўлган моддий олам билан инсон ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг юксак даражалари) моҳияти ҳақиқат абадий ва ўзгармас, доимий эканлигини таъкидлашдан иборат. Парадигма тарафдорлари ҳақиқатни билиб бўлмаслиги, унга фақатгина фаҳмлаш асосида эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Педагогик фаолиятнинг олий мақсади коинот билан мулоқот, ўқувчининг табиий кучларини озод этиш ва ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга, ўқитувчининг ҳимоялаш вазифаси муҳимдир, у ўқувчининг мавжуд имкониятларини уни маънавий, жисмоний, психик жиҳатдан ривожлантиришга йўналтиради.

5. Илмий-техник, технократик парадигманинг асосий мақсади амалиётни такомиллаштириш асосида таълим олувчиларга “аниқ” илмий билимларни бериш ва уларнинг ўзлаштирилишини таъминлашдир. Билим - кучдир, шу боис шахс қиммати унинг ўрганиш, билим олиш, имкониятлари билан белгиланади. Шахс муайян (ўртача, стандартлаштирилган) билим ёки хулқ-атвор эгаси бўлсагина кадрият сифатида эътироф этилади деган ғоя ушбу парадигманинг асосини ташкил этади.

6. Ноинституционал парадигма ҳам кенг ривожланмоқда. У таълимни ижтимоий институтлар, яъни, мактаб ва олий таълим муассасаларидан ташқарида ташкил этиш ғоясини илгари суради. Бу таълим Интернет ва компьютерлар воситасида таълим дастурларига (масофадан ўқитиш) мувофиқ ўқитишни самарали дея ҳисоблайди.

Таълим парадигмалари ҳал этадиган муаммолар:

- ижтимоий институт сифатида ўқув муассасаларининг вазифалари;
- таълимнинг самарали тизими;
- ўқув юртлари олдида турган энг муҳим, устувор масала;
- таълимнинг ижтимоий аҳамиятли мақсадлари;
- муайян билим, кўникма ва малакаларнинг қимматли ҳисобланиши.

Парадигмаларини белгилашга нисбатан ёндашув турлари:

1. Қадриятли (аксиологик) ёндашув – маданият инсон ҳаётининг мазмуни сифатида тушунилади.

2. Фаолиятли ёндашув асосан маданият моддий ва маънавий бойликларни яратишга йўналтирилган фаолиятнинг синалган усуллари сифатида талқин этилади.

3. Шахсий ёндашув – маданият муайян шахс тимсолида намоён бўлади. Маданиятга нисбатан турли ёндашувларнинг мавжудлиги бир қатор парадигмаларнинг яратилишига замин яратади.

Компетентли ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш.

“Компетенция” атамаси кенг маънода умумий масалаларни ҳал этишда амалий тажрибалар асосида билим ва малакаларни қўллаш, муваффақиятли ҳаракат қилиш қобилиятини билдиради. Лотинча “сампетере”- мувофиқ бўлмоқ сўзидан келиб чиққан.

Ҳозирги кунда “компетенция” атамаси турли соҳаларда қўлланилади: ҳуқуқшунослик, тилшунослик, маданият соҳаларида, шунингдек ташкилот, муассаса ёки компаниянинг муҳим компетенциялари. Лекин ходимларни бошқариш нуқтаи назаридан “компетенция” атамаси қизиқтиради, шунинг учун ходимларнинг касбий компетенцияси ҳақида фикр юритамиз.

Америкалик психолог ва инсон мотиватсияси тадқиқотчиси Девид Маклиланд ташкилот, муассаса ёки компанияга компетентли ёндашувнинг бошланишида шуни таъкидлайдики, “Инсон шахси ўрганилаётганда номзод ёки ходим ўзининг касбий фаолиятидаги муваффақиятлари ҳақида тўғри жавоб бермайди, чунки одам доимо ўзининг менига юқори баҳо беради, шунинг учун компетентли ёндашув ташкилот, муассаса ёки компания администратсияси томонидан қонун доирасида ишлаб чиқилиши керак

Ходимлар билан ишлашда компетентли ёндашув ходимларни танлаш, баҳолаш, ўқитиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бунда аниқ ходимнинг тегишли касбий компетенцияга эга эканлиги ва даражаси аниқланади.

“Касбий компетенция” атамаси шундай изоҳланади: “бу ходимнинг лавозим талабларига мувофиқ ишлаш қобилиятидир”: Касбий компетенциялар шахсий тавсифлар каби баён этилиши мумкин, масалан, “стрессга чидамли”, 27 “команда ишига лаёқатлилиқ”, “креативлилиқ” компетенциялари, худди шундай эгаллаган малакалари каби кўрсатилиши ҳам мумкин, масалан: “музокара олиб бориш”, “бизнес-режа тузиш” компетенциялари.

Лавозим компетенцияси рўйхатини шакллантиришда қуйидаги иккита қоидадан ёдда тутиш лозим:

- феъл-атвори (бевосита кўриш мумкин бўлган);
- аниқ жиҳатлари (компетенция даражасини аниқлашдаги асос)

Касбий компетенция намуналаридан бир нечасини келтирамиз:

“Ишонтира олиш” компетенцияси. Аниқлаш: Бошқаларга таъсир кўрсатиб, уларни ўз қарор ва ҳаракатларига кўндириш.

“Ташаббускорлик” компетенцияси. Аниқлаш: ҳаракатни бошлаб бериш ва шахсий ижобий жиҳатлари билан воқеага самарали таъсир кўрсата олиш. Доимо изланишда бўлиш, янги вазифаларни, кўшимча ишларни ўз зиммасига олиш

Одатда ҳар бир лавозим учун 5-10 та асосий касбий компетенция белгиланади. Улар баён этилади. Бундай ҳолатларда раҳбар томонидан тест саволлари шакллантирилса мақсад мувофиқ бўлади. Берилаётган тест саволларининг ҳар бири маълум компетенцияга мослаштирилади. Тест ҳодимларнинг ушбу компетенцияларни қанчалик эгалланганликларини кўрсатади.

Назорат саволлари:

1. Муаммоли таълим ёндашувига изох беринг.
2. Шахсга йўналтирилган таълим афзаликлари.
3. Шахсга йўналтирилган технологиялар инсоннинг ақлий қобилиятларига қандай хизмат қилади.
4. Таълим сифатини оширишда шахсга йўналтирилган таълимни роли.
5. Муаммо неча таркибий қисмдан иборат.
6. Таълим сифатини оширишда нималарга эътибор қилиш керак.
7. Шахсга янги қараш.
8. Авторитар технология нима.
9. Анъанавий ўқитиш усулини тушунтириб беринг.
10. Ноанъанавий ўқитиш усулини тушунтириб беринг.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т., 2006.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 260 б.
3. Ж.Ф.Ёўлдошев «Педагогик технология асослари», Т: «Педагог», 2004 йил.
4. Болаларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш. Т., РТМ. 2004 й.
5. Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар - Т: Молия нашр., 2003
6. Ишмухамедов Р.Ж. ва б.қ. Таълимда инновацион технологиялар.-Т.: 2008
7. Давид Ватсон. The Question of Сонссиенсе Нигер едисатион анд персонал респонсбилитй. Охфорд, Институте оф Едисатион Пресс. 2014.

8. Р.А Мавлонолва, Н.Х.Раҳмонқулова, К.О.Матназарова,
М.Ж.Абдуллаева “Тарбиявий ишлар методикаси” .-Т.: 2015 й.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР
МАЗМУНИ**

1-Амалий: Бошланғич таълим самарадорлигини оширишда замонавий ёндашувлар (2 соат амалий)

Маишулот мақсади: Ҳар бир педагогнинг бош мақсади - педагогик маҳорати билан ўз индивидуаллигини ёрқин намоён этиш, интерфаол таълим воситасида мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш, унинг сифатида олдиндан ўқувчиларни таълим-тарбия самарадорлигини кўра билиш.

Интерфаол таълим воситасида ўқувчиларда мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш

Ўқитувчининг фаолиятида энг муҳим нарса – бу унинг нутқи ва ўқувчилар билан мулоқатидир. Нутқ - бу оғзаки коммуникатсия, яъни тил ёрдамида муносабат қилиш жараёни демакдир. Ижтимоий тажрибада бирон – бир моҳиятни англададиган сўзлар оғзаки коммуникатсия воситаси ҳисобланади.

Сўзлар эшиттириб ёки овоз чиқармасдан айтилиши, ёзиб қўйилиши ёки қар – соқов кишиларда бирон - бир моҳиятга ега бўлган имо - ишоралар билан алмаштирилиши мумкин. Одамлар ўртасидаги муносабатни телеграф орқали ахборот беришга ўхшатиш мумкин эмас. Одамлар муносабатига алоқа боғловчиларнинг ҳис - ҳаяжони ҳам қонуний равишда жалб етилган бўлади.

У коммуникатсиянинг мазмуни ҳисобланиши нарсага ҳам, муносабатга киришганларга нисбатан ҳам тааллуқли бу ҳис- ҳаяжонли муносабатда ўзгача нутқсиз коммуникатсия таркиб топади. Нутқсиз коммуникатсия воситаларига қўл, бармоқ ва юз ҳаракатлари, имо - ишора, оҳанг, пауза, тарк - тароват, кулгу, кўз ёш қилиш ва шу кабилар кирадики, булар оғзаки коммуникатсия воситалари – сўзларни тўлдирувчи ва кучайтирувчи, баъзан эса ўрнини босувчи белгилар системасини ҳосил қилади.

Ҳар бир фан маърузалари муаммоли тарзда бўлиши билан танқидий асосда ўқитилиши, ўқувчиларда ўрганишга, шунингдек танқидий фикр юритилган ўқув адабиётларга нисбатан қизиқишини орттиради, улар қатор фикрлар асосида ўз фикрини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади, маъруза ўқиган педагог билан мулоқот қилиш учун интиладилар, ўз фикр-мулоҳазаларни ифода қилиш йўлларини топадилар. Демак, ўқувчи ўз билимини танқидий фикрлар асосида ошириб боради ва ҳар қандай ҳолатда ҳам фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятини намоён этади.

Педагогик технология классификацияси



Машғулотларни ташкил этиш шакллари.

Ўқувчиларнинг мустақил изланувчанлик фаолиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган машғулотлар кичик гуруҳларда ҳамда индивидуал шаклда олиб борилиши лозим. Индивидуал шакл асосан ижодий топшириқларни бажаришга йўналтирилади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг индивидуал (жисмоний, психик ва б.) хусусиятларига эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади. Педагогнинг бу хусусиятларни ўрганиши ва инобатга олиши ўқитиш сифатини ошириш ҳамда ҳар бир ўқувчининг ижодий қобилият-ларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Педагог ўқувчиларнинг дарслардаги ва тажриба машғулотлари вақтида дарс жараёнидаги ишини, мустақил иш ва топшириқларини бажаришини кузатади, уларнинг билими, назорат ишларини текширади, маслаҳатларда, дардан ташқари вақтларда улар билан ишлайди. Ўқувчининг кучли ва ожиз томонини билиб олишга, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, ҳаёлига хос бўлган хусусиятларни ўрганишга, унинг характери ҳамда иродавий сифатларини яхши билиб олишга ҳаракат қилади, уларнинг ҳаётий ва меҳнат тажрибаларини, муассасага келишдан олдинги фаолияти хусусиятларини ўрганади.

Кичик гуруҳларда ишлаш махсус билимлар билан бир қаторда амалий кўникмалар ўрганилиши керак бўлганда, шунингдек ўқувчиларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун қўлланилади. Бир нечта ўқувчилар биргаликда ишлаган пайтда, уларнинг шахсий хусусиятлари ва характерлари орасида ўзаро ҳамкорлик вужудга келади.

Гуруҳли бўлиб ишлашда иккита ҳолат фарқланади:

- бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши;

- ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши

Бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ ишида бир неча гуруҳларга бир хил топшириқлар берилади. Топшириқ ва машқларни ечиш шароитлари ҳам бир хил бўлади. Шундай қилиб ҳар хил ечимлар гуруҳ иши тугаганидан сўнг бир-бири билан таққосланиши мумкин. Кўпинча бундай ҳолларда рақобат ҳолати юзага келади. Ечим топилиши вақтида эса рақибликка ўхшаш ҳолатлар вужудга келади. Бу ерда муҳим нарса шуки, гуруҳлардаги ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари имкон қадар бир хил бўлиши керак.

Ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ ишида бериладиган иш топшириғи бир неча қисмларга бўлинади. Фақат бу қисмлар бирлаштирилгандагина топшириқнинг мазмуни аниқ кўринади.

Ҳар бир гуруҳ бу ҳолда қисман топшириқ олади ва мустақил равишда унинг устида ишлайди.

Бундай ёндашувда бир гуруҳ ўқувчилари фақат ўзларига берилган топшириқларни билишади холос, яъни бошқа гуруҳлар ишлари ҳақида деярли хабарлари бўлмайди. Шунинг учун ҳам натижалар қисман бирлаштирилиши зарур.

Кичик гуруҳларда ишлашда берилган топшириқлар пухталиқ билан ўйлаб чиқилган бўлиши керак, чунки уларда ўқувчилар орасида мулоқот ва ҳамкорлик қобилиятини ривожлантириш каби мақсадлар бор.

1) “Режа ўйини” шаклидаги гуруҳий иш:

“Режа ўйинлари” белгиланган вазиятда турли хил ечимларни синаб кўриш имконини беради. Ўқувчилар бунда муаммога бўлган ҳар хил таъсирлар натижага қандай таъсир қилишини ўрганади. Бунинг учун сабаб ва оқибат бир-бири билан боғлиқ равишда кўрилиши керак. Ўқувчилар ўйин жараёнида ўзаро рақобат муносабатида бўладилар.

2) Лойиҳа шаклидаги гуруҳий иш:

Лойиҳавий иш бир лойиҳани аниқ белгиланган чегара доирасида ишлаб чиқишни талаб қилади. Лойиҳа шаклидаги гуруҳий иш жуда ҳам катта аҳамиятга эга, чунки бунда вазифалар топшириқлар мажмуаси бўйича аниқ тақсимланиши керак бўлади.

Ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришда электрон таълим ресурсларидан максимал фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув ва дидактик материалларга қўшимча тарзда тасвирий-визуал воситалар (фотосуратлар, расмлар, чизмалар, графиклар) ҳам киради. Улар умумий ва кенг қамровли тасаввурларни вужудга келтиришни осонлаштиради. Шунингдек, тасвирий тасаввурларни шакллантирадиган аудио-визуал воситалар технологик жараёнлар ва функциялар тўғрисидаги кенг қамровли реал тасаввурларни вужудга келтиради.

Предмет воситалари тасвир ва матнларни ёзиб олиш, сақлаш имконини беради. Уларга доска, флипчарт, кодоскоп (проектор) камера ва компьютерлар киради.

Тажриба иши соҳасига тегишли керакли тажриба ускуналари, намуналар, жиҳозлар ва асбоблар назарий дарс ёки амалий машғулоти пайтида дидактик функцияга эга бўлса, ўқув воситаси сифатида қўлланилиши мумкин.

Ушбу воситалардан фойдаланишда уларни муайян мақсад соҳа ва усулларга мос ҳолда танлаш муҳим ўрин тутди. Ўқитувчи ўқув ва кўрсатмалар воситаларни ишлата олишни, улардан мақсадга мувофиқ ва оқилона тарзда фойдаланишни билиши керак. Техник воситалардан фойдаланилаётганда юзага келадиган техник муаммоларни мустақил ҳал қила олиши керак.

Ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитиш ва ўрганиш учун ишлатилади. Агар ўқув ва дидактик материаллар етарли бўлмаса, у ҳолда ўқитувчи томонидан уларнинг танланиши ҳамда назарий ёки амалий машғулоти мақсадига мослаштириб тайёрланиши керак.

Ўқитиш жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш - шунинг назарида тутдики, бунда ўқувчилар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усуллари оғли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик, ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланади.

Ўқувчиларнинг фаоллиги уларнинг ўқув материални эгаллаб олишида ўқув, тажриба хонаси шароитларида топшириқларни бажаришдаги ҳаракатларида намоён бўлади. Фаоллик ўқувчиларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги мустақиллигини ривожлантириш билан мустаҳкам боғланган.

Фаол усуллари танлаш биринчидан, дарсдан кўзда тутилган ўқув мақсадларига боғлиқ. Масалан, агар дарснинг мақсади янги билимларни эгаллашдан иборат бўлса, ўқитувчи бу билимларни ўзи баён қилади ёки ўқувчиларнинг ўқув адабиётлари ва бошқа материаллар билан мустақил ишлашини ташкил қилади.

Иккинчидан, таълим усуллари танлаш ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва дарснинг аниқ ўқув материалга боғлиқ бўлади. Бир машғулоти ўзида бир нечта фаол усуллар қўлланилиши мумкин.

Учинчидан, ўқувчиларнинг илгариги тайёргарлик даражасига ва шахсий тажрибасига боғлиқ. Агар янги ўқув материални ўқувчиларга бутунлай нотаниш бўлса, ўқитувчи буни ўзи баён қилади, буни дидактик воситалар ва тажрибаларни кўрсатиш билан қўшиб олиб боради.

Таълим оловчиларнинг билим олиш, мустақил ишлаш ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг оғли фаоллиги, мустақиллиги ҳамда ижодкорлигини, ўқув билиш фаолияти натижасининг сифатини характерлайди.

Фаоллик-таълим шароитида ўзлаштирилган назарий билим ва амалий ишҳаракат усуллари турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга имкон беради.

Ўқитиш жараёни. Ўқувчиларнинг мустақил изланувчанлик қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган

машғулотлар дарс ишланмалари ҳамда технологик хариталари асосида ўқитиш жараёни ташкил этилади. Машғулотлар асосини мустақил ва ижодий иш топшириқларини бажариш ташкил этади. Ҳар бир машғулот ўқув мақсадига тўла эришиш учун кўшимча машғулотлар ҳам ўтказилиши мумкин.

Ўқувчиларга мустақил билиш, фикрлаш ва ижодий изланишга мажбур қиладиган, муаммоли ҳаётий далилларга асосланадиган вазиятли топшириқларни бериш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчи топшириқларни ижодий фикрлаш ва мустақил ишлаш орқали бажаришлари лозим.

Ўқитувчилар мустақил ва ижодий иш топшириқларини бажариш бўйича ўқувчиларнинг интилишларини олқишлаши ҳамда тўғри йўналтира олишлари лозим. Ўқувчи яқка холда самаралироқ ишлайдими; ёки бир неча кишидан иборат гуруҳ билан биргаликда ишлашни ёқтирадими; ёки унга элек-трон дарсликлардан фойдаланиш қулайроқми бунини ўқитувчи яқши билиши керак.

Ўқувчи топшириқни ўзи англаши ва уни бажаришга ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг мустақил изланиш олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун кўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Саволлар ёки топшириқлар орқали ўқувчиларнинг ижодий фикрлашларни ривожлантириш, номаълум ёки ноаниқ маълумотлар моҳиятини тушуниш учун мустақил изланишларини вужудга келтиради. Биз томондан олиб борилган педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўқувчининг ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, унинг мустақил билим олишга бўлган қизиқишини оширишда мустақил иш ижобий таъсир кўрсатар экан. Лекин, аудиториядан ташқари мустақил ишни ташкил қилиш бирмунча мураккаб жараён. Чунки бу жараёнда ўқувчи мустақил тарзда фанлар бўйича берилган топшириқларни ўқув-услубий адабиётларидан фойдаланган ҳолда бажаришлари керак.

Ўқувчилар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ҳамда баҳолаш таълим жараёнининг зарурий таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини баҳолаш эмас, балки ўқитиш жараёни даврида ўқувчилар билим олиш ва мустақил иш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир.

Билим ва кўникмаларни текшириш ҳамда баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилиши тўғрисида ўқувчи ва ўқитувчи муайян маълумотга эга бўлади. Ўқитувчига ўқувчиларнинг қайси ўқув материални яқши ўзлаштирилгану, қайси иш етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу эса ўқувчининг ўрганиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Баҳолаш орқали ўқувчиларнинг ўқув материалларини билиш, тушуниш, хотирада сақлаб қолиш, амалда қўллаш олиш, таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш даражалари аниқланади.

Билимларни, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда ўқувчиларнинг ўқишга қизиқиши, ўз ютуқлари ёки муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, ўқув қийинчиликларни енгиш иштиёқи туғилади.

Натижаларни баҳолаш орқали бутун таълим жараёни текширилиб кўрилиши керак. Бу билан таълим жараёнида кутилаётган ўқув мақсадига эришилаётганлик даражаси текширилади. Таълим бериш давомидаги ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш ўқувчининг ўзлигини англаши учун бир имкониятдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ҳам инobatга олиб баҳолашда қуйидагиларни эътиборга олиш муҳимдир:

- ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш;
- таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш;
- ўқитувчи ўз фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш;
- жорий ва оралиқ ўзлаштириш даражасини аниқлаш;
- баҳолаш натижалари бўйича ота-оналарга маълумот бериш;
- дастлабки билим ва кўникмалар таълим натижасини баҳолаш;
- ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш учун.

Баҳолашни қуйидаги уч босқичда ўтказиш тавсия этилади:

Бошланғич баҳолаш таълим жараёни бошида ўқувчиларнинг дастлабки билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун ўтказилади. Бундай баҳолаш натижалари орқали махсус фанни ўқитиш жараёнининг мазмуни, методлари ва шакллари танлаш имконияти яратилади.

Жорий (шакллантирувчи) баҳолашмунтазам равишда ўтказиб борилиши лозим. У таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни, самарасини тезкор аниқлаб бориш, ўқув жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги қайтар алоқани таъминлаш имконини беради.

Оралиқ баҳолаш махсус фан асосий бўлимлари ёки модуллари бўйича машғулотлар ўтиб бўлингандан кейин ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларни ўзлаштирганликлари баҳоланади. Бу билан ўқувчининг бўлим ёки модел бўйича ўқув материални қанчалик даражада ўзлаштирганлиги ҳақида маълумотга эга бўлинади. Лозим бўлса ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар олиб борилади.

Тест натижаларига кўра ходимларнинг компетенцияни эгаллаш даражалари аниқланади, масалан:

Дарс бериш маҳорати қуйидаги талаблар билан белгиланади

- Касбий лаёқат ва эрудиция;
- Психологик-педагогик тайёргарлик;
- Таълим олувчиларни мустақил фикрлаш ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати;
- Ўқув адабиётлари шакллари ва турларини билиш;

- Янги педагогик ва ахборот технологияларини эгалланганлик, Интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар;
- Педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий шакллари билиш;
- Илмий –педагогик ижодиёт методологиясини билиш;
- Педагогика фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини билиш;
- Фанлараро алоқалардан фойдаланиш маҳорати;
- Риторика ва нотиклик санъати асосларини билиш;
- Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” даги вазифаларни ҳамда узлуксиз таълим тизимининг асосий атамалари ва тушунчаларини билиш.

Тарбиялаш маҳорати-ўқитиш ва тарбиялаш жараёнининг боғлиқлиги, уйғун ривожланган шахсни шакллантиришга, уларда юксак маданий ва маънавий савияси қарор топтиришга, педагогнинг юксак шахсий сифатларига. Унинг ватанпарварлик, обрў ва бурчни ҳси этишга, кенг гуманитар ва гуманистик тайёрлигига, шунингдек ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг амалий кўникмаларига асосланади.

Ўқув-тарбия жараёнида гуманитар омилни таъминлайдиган шахсий сифатлар-педагогнинг ўқув-тарбиявий жараёндаги гуманитар омилни белгилайдиган шахсий сифатларига куйидагилар киради: талабчанлик, ҳаққонийлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, хушмомалалик. Ушбу сифатлар педагогнинг таълим олувчилар учун аҳамиятини белгилаши керак. Шахсий сифатлар ўқитиш ва тарбиялаш маҳоратига таъсир кўрсатади.

Таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати-психологик-педагогик жиҳатдан ўқитиш ва тарбиялаш маҳорати билан узвий боғлиқдир. Педагог таълим олувчиларнинг билимлари ва маҳоратларини ҳолисона баҳолаш принциплари, методлари ва механизмларини билиши, стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиш, таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилишнинг турли шакллари самарали қўллаш маҳоратига эга бўлиши керак.

Ўқитувчидаги зурурий ижтимоий кўникмалар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим.

- Ўз-ўзини намоён қилиш
- Бошқа одамлар билан ижтимоий мулоқотда бўлиш
- Ўз устида тинимсиз ишлаш
- Вазиятни баҳолаш ва муаммоларни ечиш кўникмасига эга бўлиш
- Ташкилотчилик, ижодий ёндашув
- Бошқарув кўникмасига эга бўлиш

Таълим сифатини ўзгартиришда ўқитувчининг роли

1. Ташкилотчи-ижтимоий педагог: ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлайди.

2. **Синф етакчиси**-синфда ижобий психологик муҳит яратади ва таъсир кўрсатади;

3. **Методист**-таълим жараёнида ўқувчиларнинг муаммони ечишда ёрдам беради ва қўллаб-қуватлайди.

4. **Файласуф**-билим ва тажрибаларни таҳлил қилади, ўз карашларини асослайди;

5. **Тажрибали яқин дўст**-ўқувчилар олдидаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради.

6. **Тадқиқотчи** – **новатор**-янгилик яратувчи-мунзам равишда ўз устида ишлайди, янги ғоялар яратади, татбиқ этади.

7. **Ўқув жараёнини раҳбари ва уни рағбатлантирувчи**-мақсадга етиш воситалари, истиқболни назарда тутаяди, ўқитиш услубларини танлайди, ўқувчиларни ўқишга ўргатади, ижодий ёндашади.

8. **Ўзаро таъсир кўрсатувчи** -жамоа бўлиб ишлай олади ва ишлашга ўргатади.

9. **Маслаҳатчи**- шахсий намунасини ўргатади

10. **Тарбиячи**-ўқувчиларга жисмонан, ақлий ва маънавий томондан ривожланишларига ёрдам беради.

11. **Психолог**-ўзини яхши билади ва тушунади

12. **Ўзгаришларга йўналтирувчи**-ўқувчиларни ҳаётини кўникмаларини яхшилашга ёрдам беради

13. **Маълумотларни тақсимловчи**-ўқувчиларга асосий янги маълумотларни етказаяди ва амалиётга татбиқ этишга ўргатади.

Ўқитувчи ўқув жараёнида маслаҳатчи сифатида фаолият қилади.

Яъни: Ўқувчиларга кўникмаларини ўқиш жараёнида ривожлантиришга ёрдам беради;

- Турли хил йўналишдаги режа (стратегия)ларни қандай қўллаш кераклиги бўйича маслаҳат беради;
- Фаол қайта алоқани таъминлайди;
- Ноанъанавий усуллар билан ўқувчиларнинг ҳаракатларини қўллайди ва мустаҳкамлайди;
- Ўқув фаолиятидаги қийинчиликларни енгишга ёрдам беради;
- Ўқув фаолиятини индивидуаллаштиришга ёрдам беради;
- Ўқувчиларнинг ўқув жараёнидаги эҳтиёжларини таҳлил қилади.

Ўқитувчи-янгилик киритувчи

- ❖ Янгиликларни айниқса ўзга давлатлардан кириб келганларини фарқлайди ва тушуниб этади;
- ❖ Янгиликларни таҳлил қила олишга лаёқатли;
- ❖ Янгиликларни турли хил вазиятларда қўллай олади ва камчиликларини тўғрилайди;
- ❖ Ўз педагогик амалиётида янгиликлардан ижодкорона фойдалана олишга лаёқатли.

Катталарни ўқитиш ва ўргатишнинг моҳияти:

- ✓ Мазмундан келиб чиқиб-долзарб мақсадни белгилаш (мотиватсия асосида);
- ✓ Тажрибани синаб кўриш ва танқид;
- ✓ Ўрганиш
- ✓ Эмоциянинг таъсири
- ✓ Ҳурмат қилиш ва хавфсизлик муҳити
- ✓ Ўқиш- маъсулият,ф аоллик
- ✓ Тажрибадан ўрганиш
- ✓ Рефлексия ва қайта алоқа

Ўзбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аксарияти, айнан мана шу йулдан бормоқда. Бу йул иложсизликдан излаб топилган булиб, киска муддат хизмат қилиши мумкин. Мустақилликни кулга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу йул узок хизмат қилолмайди. Чунки:

биринчидан, маълум сабабларга кура жахон ҳамжамияти тараккиётдан ортда қолиб кетган жамиятимиз тараккий этган мамлакатлар каторидан урин олиши учун ахоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илгор педагогик тадбирлардан фойдаланишнинг зарурлиги;

иккинчидан, анъанавий уқитиш тизими ёзма ва оғзаки сузларга таяниб иш куриши туфайли «Ахборотли уқитиш» сифатида тавсифланиб, уқитувчи фаолияти биргина укув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги;

учинчидан, фан-техника тараккиётининг ута ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин купайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;

туртинчидан, кишилиқ жамияти ўз тараккиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга булган, аниқ якунга асосланган техник тафаккурга утиб бораётганлиги;

бешинчидан, ёшларни хаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илгор билим бериш усули хисобланган объектив борлиққа мажму ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидадир.

Педагогик технология юкорида санаб утилган бешта сабабий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадқиқотлар олиб боришни кузда тутуди.

Назорат саволлари.

1. «Технология» сўзи қандай маънони англатади.
2. Ўқитувчидаги зурурий ижтимоий кўникмалар қайсилар.
3. Педагогик технология қандай хусусиятларни намоён этади.
4. Интерфаол методларга таъриф беринг.
5. Педагогик жараённинг моҳияти нималарда кўринади.
6. Замонавий ўқитиш технологиялари қандай тизимлардан иборат.

7. Интеграциялашган технологиялар хақида маълумот беринг.
8. Хорижий таълим тизимида бошланғич таълим қандай.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т., 2006.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 260 б.
3. Ж.Ф.Ёўлдошев «Педагогик технология асослари», Т: «Педагог», 2004 йил.
4. Болаларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш. Т., РТМ. 2004 й.
5. Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар - Т: Молия нашр., 2003
6. Ишмухамедов Р.Ж. ва б.к. Таълимда инновацион технологиялар.-Т.: 2008
7. Давид Уатсон. The Question of Conscience Higher education and personnel responsibility. Окфорд, Институте оф Едисион Пресс. 2014.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ:

Она тили дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш (2 соат амалий)

Машғулот мақсади: она тили дарслари самарадорлигини оширувчи педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бериш.

Ҳозирги вақтда “педагогик технология таълим беришнинг техник воситалари ёки компьютердан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмай, балки бу таълимий самарадорликни оширувчи омилларни таҳлил қилиш йўли орқали, йўл ва материалларни тузиш ҳамда қўллаш, шунингдек қўлланилаётган усулларни баҳолаш орқали таълим жараёни тамойилларини аниқлаш ва энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш мақсадидаги тадқиқотдир”.

Педагогик амалиётда янги йўл ва воситаларини жадал татбиқ этилаётганлигини кузатиш мумкин. Бироқ баъзи таълим шакл ва фаол усуллар ўрнига бўлинмас таълимий технологиялар зарур. Лекин таълимий жараёни технологияли лойиҳалаштириш ва режалаштиришни, фақат технологик билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчи бажара олиши мумкин.

Технологик билимлар тизими қуйидаги ташкил этувчилардан иборат:

- *тушунчага оид қисм* - технологиялаштиришнинг мураккаброк бўлган тоифа ва қондларини ўрганишга йўл;
- *таълим технологиясининг таркибий қисми ва ҳаракатланувчи тузилма* - таълим жараёнини башоратлаш ва лойиҳалаштириш асоси тўғрисида тушунча;

➤ *таълимий технологияларнинг концептуал асослари* - ҳар қандай таълим технологияси негизига педагогик ва психологик фанлар ютуғида ифодаланган педагогик ғоя асос бўлади;

➤ *мақсадни белгилаш* - педагогик вазифалар аниқланган бўлса ва ўқув фаолиятининг яқуний натижалари бир маънода ифодаланган бўлса, бошланиш шартлари маълум бўлса, таълим жараёнини лойиҳлаштириш мумкин;

➤ *таълим бериш модели* – мақбул йўл (усул ва шакл)лар ва воситалар йиғиндиси - мавжуд шароитлар ва белгиланган вақтда объектнинг бошланғич ҳолатини ўзгартириш бўйича кўзланаётган натижаларга эришиш кафолати;

➤ *бошқарувнинг йўл ва воситалар йиғиндиси* - башоратлаш, лойиҳалаштириш, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат ва баҳолаш, шунингдек тезкор ўзгартириш тўғрисида бошқарув хулосасини қабул қилиш мақсадида таълим жараёнини узлуксиз ва мунтазам кузатиш - мониторинг.

➤ *Ҳар бир йўл ва восита ўқитувчи-технолог томонидан, у интилаётган, яқуний натижага эришишига кўринарли қўшган ҳиссаси томони билан баҳоланиши зарур.* Қоиданинг мақбуллигини талқин қила туриб, эътиборни нафақат унга, уни қўллашни назарда тутувчи вазият ёки шароитларга қаратиш зарур.

Барча таълим ва тарбия ишларини педагогик технология йўлига ўтказиш, мактаб амалиёти педагогик жараёнини ихтиёрий қуриш ва уни амалга оширишдан кескин бурилиши қуйидагиларни аниқлатади:

➤ унинг ҳар бир қисм ва босқичларининг изчил асосланганлиги (таълим жараёнини тартиблаштириш - батафсил аниқланган ва асосланган, ишларни маълум тартибидан ташкил топган қисмлар - мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини бўлиш орқали мумкин қадар расмийлаштирилган);

➤ яқуний натижани ҳаққоний ташхис қила олишга йўналтирилганлиги;

➤ таълим жараёнига мавжуд шароит ва белгиланган вақт ичида қўйилган таълимий мақсад ҳамда ижобий натижага эришишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш технологик жараёнининг мукамал, аниқ йўлга қўйилган, изчил, мувофиқлашган хусусиятини бериш;

➤ унинг самардорлиги ва инсон имкониятлари (куч, вақт)ни мақбуллаштириш мақсади билан бутун таълим жараёнини бошқарувчанлиги.

Аниқ фан ва мавзу бўйича машғулотнинг *таълим модели* жадвал кўринишида бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- *дастлабки маълумотлар*: ўқув мавзуси, вақти, ўқувчилар сони;
- *шакл* (маъруза, семинар ва бошқ.) ва *кўриниши* (масалан, муаммоли маъруза ва бош.), ўқув машғулоти режаси/тузилиши, унинг мақсади, ўқув фаолиятининг кўзланаётган натижалари, педагогик вазифалари;
- танланган таълим модели: *усуллар, шакллар ва ўқитиш воситалари*;

- *таълим бериш шароити*: махсус жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;

- *мониторинг ва баҳолашга* асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор-сўров, тест олиш, тақдимот, ўқув топшириқлари ва бошқ.).

Ўқув машғулотининг технология харитаси уч қаторни ўз ичига олиб, 1,5-2 варақда жадвал кўринишида бажарилади: (1) ўқув машғулоти босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти; (3) таълим олувчи фаолияти.

Бу ерда тақдим этилаётган материаллар чегараланмайди. Фақат улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли чизмаларда расмийлаштирилган бўлиши керак.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Технологик харитада таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият (ўқув жараёни)и босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустақил ишлашларини назорат қилишга ёрдам беради.

машғулотининг босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти билан бирга, таълим олувчининг ҳам фаолияти; (3) таълим беришнинг усул, шакл ва воситалари; (4) таълим мақсадларининг ўқув ютуқлари мониторинги ва баҳолашлари кўрсатилади.

Технологик хаританинг тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари.

1 - босқич (5-10 дақиқагача). Ўқув машғулотига кириш.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати:

- Таълим берувчи мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув машғулотининг хусусияти билан (муаммоли маъруза, ўргатувчилик ўйин ва бошқ.), мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини, ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.

- Таълим олувчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2 - босқич (55-65 дақиқагача). Асосий / маълумот берувчилик.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати:

- Таълим берувчи ўқув машғулотининг режаси тузилишига мувофиқ тузиб чиққан таълим моделини амалга оширади, кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаради.

- Таълим олувчилар кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3 - босқич (10-15 дақиқагача). Яқиний - натижавий.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати:

- Таълим берувчи мавзу бўйича якун ясайди, таълим олувчилар эътиборини асосийларга қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қилади, гуруҳлар, алоҳида ўқувчилар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради; ўқув машғулотини мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

- Таълим олувчилар ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар.

Амалий машғулот топшириқлари

1. Она тили дарсларида фойдаланиладиган интерфаол методларни тасниф қилинг.

2. Она тили дарси самарадорлигини оширувчи интерфаол методлардан бирини тақдимот қилиб беринг.

Назорат саволлари

1. Педагогик технология тушунчасини қандай тушунасиз?
2. Педагогик технологиялар таълимда қандай аҳамиятга эга?
3. Дарсни лойиҳалаш деганда нимани тушунасиз?



Assesment

<p style="text-align: center; color: red;">Test</p> <p>So'z turkumlariga nimalar kiradi?</p> <p>1. Fe'l, qo'shimcha, ega, kesim</p> <p>2. So'z, gap, ot, son</p> <p>3. <u>ot, sifat son, fe'l</u> 1 ball</p>	<p style="text-align: center; color: red;">Savol</p> <p>Ot yasovchi qo'shimchalar qaysilar?</p> <p style="text-align: center; color: purple;">-chi, -kor, -dosh, -zor, -loq.</p> <p style="text-align: right;">2 ball</p>
<p style="text-align: center; color: blue;">Amaliy topshiriq</p> <p style="text-align: center;">So'z yasovchi qo'shimchalar bilan yasalgan otlarni ajratib yozing Dala, kutubxonachi, don, binokor, kitob, sholikor, gulzor, partadosh, bino, maktab, ishchi.</p> <p style="text-align: center; color: red;"><i>Kutubxonachi, binokor, sholikor, gulzor, partadosh, ishchi.</i></p> <p style="text-align: right;">2 ball</p>	

3-Амалий: Математика дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш (4 соат амалий)

Машигулот мақсади: Ҳар бир педагогнинг бош мақсади - педагогик маҳорати билан ўз индивидуаллигини ёрқин намойиш этиш, интерфаол таълим воситасида математика дарсларида мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш, унинг сифатида олдиндан ўқувчиларни таълим-тарбия самарадорлигини кўра билиш.

Бошланғич синф математика дарсларида педагогик технологиялардан фойдаланиш

Фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган даврда болаларнинг ақлий ривожланиш тезлиги ҳам ўсиб бормоқда. Натижада таълимнинг умумий даражаси ҳам ошаётгани шубҳасиз. Бироқ назаримизда бошланғич таълимнинг асосий вазифаси саводхонликни жадаллаштириш, ўзлаштиришни тезлаштиришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Бошланғич

таълим ақлий ривожланишга ёрдам берувчи самарали таълимнинг интерфаол усулларини қўллаш натижасида бўлади.

Ақлий ривожланишдаги ўзлаштиришлар эса тафаккурни олий босқичига ўтиши билан эмас, балки ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятларини тўлиқ амалга ошириш билан изоҳланади.

Таълимнинг мақсади: ўқувчиларнинг заҳирий имкониятларини, ўзи англаб етмаган, юзага чиқара олмаган ички ҳиссиётларини эркин фикрлаш орқали юзага чиқариш ва ўқувчиларда ўзига, билимига, кучига нисбатан ишонч ҳиссини туғдиради.

Интерфаол методлардан фойдалананишдаги асосий қонуниятлар қуйидагилардан иборат:

Педагогик жараён ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги асосида ташкиллаштирилади;

Ўқувчи машғулотнинг фаол иштирокчисига айланади;

Ўқитувчи машғулотнинг бош «хукмдори» вазифасидан бўшатилади;

Ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро тенг ҳуқуқли иштирокчиларга айланади;

Машғулот жараёни демократик тамойиллар асосида олиб борилади;

Энг муҳими фаол методда айнан ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида педагогик ҳамкорлик вужудга келтирилади.

Интерактив методлар актив методларнинг замонавий шакли ҳисобланади.

1-4 синфларда жорий этилган янги технология, аввало фанлар орасидаги боғлиқликни таъминлаш, ортиқча қийинчиликларни бартараф этиш, фанларни интегратсиялаш, ўқувчи фаолиятини тўғри изга солиш, вақтдан унумли фойдаланиш, ташаббускорлик муҳитини юзага келтириш, ижодий ишлаш тизимини яратиш каби қатор мақсадларни амалга ошириш каби зарур ишларни бажаради.

Таълим тизими шахсни шакллантириш учун, Давлат Стандарти Талаблари асосида ҳамда жаҳон таълим даражасида кадрлар етиштириш учун аввало ўқитувчилар, мураббийлар шахсини ҳар тамонлама мукамал бўлишини талаб қилади. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчисининг масулияти катта, у умумий таълим тизимининг асосини, пойдеворини яратувчи шахсдир.

Барча яхши ишлар болани эзгуликка етаклаш, ўқитувчининг педагогик маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ. Буюк аллома, инсон руҳиятининг муҳандиси Ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарида шундай фикр баён қилади: “Ўқитувчининг барча ҳатти ҳаракатлари эзгуликдан иборат бўлмоғи керак”.

Бугунги кунда таълим тизимини тўғри йўналтириш долзарб муаммодир. Бу жараён бола руҳияти билан узвий боғлиқдир. Бу борада руҳшунос олимларнинг фикри қандай?

Улар болани ортиқча юкдан озод қилиш, сабоқларни меъёрлаш, назарий билимларни ҳаммасини амалий машғулотлар замирига сингдиришга

этибор бериш, ўйин-машғулот турларини кўпайтириш орқали самарадорликка эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Янги педагогик технология бола фаолиятини тўғри йўналтиришга қаратилган бўлиб, аввало унинг соғлигини муҳофаза қилишни, унда турфа фазилатларни шакллантириш учун амалий ёндашув режаларини тузишни, бу режаларда болани қувноқликка, топқирликка ундовчи воситалар жамланишини, ҳозиржавобликка, сермулоҳазаликка, тўғри рақобат қила олишга ёки фараз қила олиши қобилиятини ривожлантиришга, ижодий тафаккур, қилиш, тадбиркор бўлишга ундовчи қатор назарий ва амалий ишлар мажмуасини барқарор этишни назарда тутати.

Педагогик технологияларнинг бошланғич таълим тизимида кенг ўрин олиш ва барқарорлашиши учун истиқбол режаларда қуйдагиларга этибор бериш лозим:

- *бажарилиши ва тадбиқ этилиши лозим бўлган ишларни тўғри лойиҳалаши, мақсад ва вазифаларни белгилаши;*
- *амалий машқ ва машғулотлар тизимини яратиши;*
- *бошланғич синфларда ўқитиладиган фанлар бўйича атамалар тўпламини тузиши;*
- *синов машғулотлари, тест саволлари тузиши;*
- *компьютерни ўйинлар учун дастурлаштириши;*
- *сайр-саёҳатлар ўтказишнинг назарий ва амалий йўналишини белгилаш ва дарс режаларини ҳозирлаш;*
- *педагогик технологияларни ўзида акс эттирадиган ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратиши;*
- *Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий, тарихий, миллий-маънавий хусусиятларига мос равишда бошланғич таълимнинг амалий асосларини ишлаб чиқиши;*
- *Жаҳон педагогикасининг бошланғич таълим соҳасида мавжуд тажрибаларини ўрганиши ва кенг масалаларни мактабларимизда жорий этиши.*

Бошланғич синф ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ўйинга асосланган замонавий педагогик технологияларни қўллаш яхши самара беради. Улар олдиндан режалаштирилган ва ўз ичига кўп қиррали ўйинларни қамраб олган бўлиши керак. Ўйинга асосланган бундай технологияларнинг ўрни, аввало ўйин элементларининг функцияларини ўқитувчи, ўқувчиларга қандай тушунтиришга ва қандай етказа олишга боғлиқ. Иккинчидан, қуйдаги ҳолатлардагига у самарали бўлади.

1. *ДТС талабларига жавоб бера оладиган, билим ва кўникмаларни шакллантиришга асосланган бўлса;*
2. *Фанлараро узвийликни яқка тартибда ва гуруҳларда қўллай олса;*
3. *Олдиндан ўқув дастурига мос ривожлантириб, замонавий технологияларига асосланган бўлса;*

Ўқувчилар фаоллигини оширишда қуйдаги усуллар мақсадга мувофиқ:

1. Кўтаринки руҳ билан ўйинга жалб этиш;
2. Ўқувчининг ҳайрихоҳлиги билан ўйинни олиб бориш, танқидий вазиятлардан четлаб ўтиш;
3. Оригинал фикрларни рағбатлантириш;
4. Турли муоммоли вазиятларда ўқитувчи ўз шахсий тажрибасини қўллай олиши;
5. Ўқувчиларга фаоллик билан савол бериш учун имконият яратиш;
6. Ўйинли машқларни дарсдан ташқари машгулотларда ҳам қўллай олиш.

Ўқувчиларга таълим – тарбия беришимизда бир қанча муаммоларга дуч келамиз:

- 1) она тили фанидан имло хатолар;
- 2) диққатни бир жойга тўплай олмаслик;
- 3) матнни ўқиб, сўзлай олмаслик;
- 4) ўта ҳаракатчанлик;
- 5) бир-икки гапирганда тушуниб етмаслик;
- 6) геометрик шаклларни фарқлай олмаслик;
- 7) ўқув қуролларини тоза тута олмаслик;
- 8) вазифани мустақил бажара олмаслик;
- 9) кўчирма диктантларда ҳам қийинчиликка дуч келиш кабидир. Бу санаб ўтилган муаммоларни ҳал этишда ҳам, ўйинга асосланган илгор технологиялар жуда самаралидир.

Бошланғич синф математика дарсларида дидактик

ўйинлардан фойдаланиш

Ўйин тарбия воситаси. Ўйинни педагогик жараён стриктурасида анализ қилиш натижасида шу нарса аниқландики, ўйин фақат психологик ҳодиса бўлиб қолмай, балки педагогик ҳодиса ҳамдир.

Бироқ ўйиндан тарбия масалаларини ҳал қилиш учун онгли равишда фойдаланилгандагина у педагогик ҳодиса шаклини олади.

Педагогик вазифа сифатида ўйин турли вазифаларни: тарбия воситаси, таълим бериш, метод вазифасини, шунингдек, болаларни ўқитиш усуллари вазифасини бажаради.

Дидактик ўйинларнинг асосий хусусиятлари шундаки, буларда тўғридан-тўғри таълимга алоқадор масалалар ўйин қоидалари ниқоби остида ўтади.

Бола ўйнар экан, ўрганаман деб ўйламайди, лекин ўйин жараёнида у нимагадир ўрганади. Таълим бу ерда атайлабдан ўтилмайди. Дидактик ўйинларнинг қиммати шундаки, у кичкина болаларнинг имкониятларига жавоб беради ва уларнинг энергия сарфлашларини мувозанатлаштиради. У маълум даражада таълим мазмунини қабул қилиш ва ўқитишни ниқоблаш каби муҳим хусусиятга эгадир. Бола буни ҳаёлга келтирмаган ҳолда ўрганади. Шунинг ҳам айтиш кераки, дидактик ўйинларда, шахснинг

тормозланиши қобилияти, диққатини ўсиши, кузатувчанлик каби хусусиятиларининг ўсишига қарамай, болаларнинг бевосита ўқув фаолиятини шакллантиради.

Ўйинларда коллектив иш онгли интизомни тарбиялаш учун керак бўлган дўстона биродарлик ҳиссиёти, тўғрилиқ, ҳақиқатгўйлик ва бошқа ҳислатлар ривожланади. Жамоа ўйинларида астойдил мақсадга интиладиган ва бошқаларни етаклайдиган ташкилотчи болалар, йўлбоши болалар тарбияланади.

Болалар қанчалик ёш бўлса, ўйин уларни фаолиятида шунчалик катта аҳамият касб этади. Ўқувчиларни тарбиялашда ўйиннинг аҳамияти етарлича баҳо бермайдиган ўқитувчи ўз ишида катта ютуқларга эриша олмайди.

Дарҳақиқат, ўйин болага ором, қониқиш бахш этади. Масалан, компьютер ҳозирги кунда таълим тизимида кенг ўрин эгаллаганини биламиз. Бу бола фаолиятида ўз аксини топмоқда. Қолаверса болалар сайр-саёҳатлар ташкил этиш орқали алломаларимиз, халқ қаҳрамонлари ҳаёти-фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзбек халқининг жаҳон халқлари қаторидаги ўринни ва нуфузини англамоқдалар.

Бола тафаккурини ҳар тамонлама ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтиришда сайр-саёҳат дарслари кенг кўламда олиб бориш керак. Чунки боланинг билиш, янгиликларни қабул қилиш доираси кенг, ундан тўғри самарали фойдаланиш эса ўқитувчининг вазифасидир.

Боланинг ҳиссий билиш, маълумот ва кўникмаларни қабул қилишга кенг имконият яратиш учун эркинлик бериш, уни ижодий ишлар қилишга, бажарган иши самарасини кўриб қувонишига, янги-янги ютуқларга йўллаш зарур.

Болаларга бериладиган билимлар, кўникмалар асосан дарс жараёнида сингдирилиши, биринчи синфда ўқув йили давомида, уйга вазифа берилмаслиги, берилса ҳам улар енгил кузатиш, таққослаш, санаб кўриш, расм чизиш, кўшиқ айтиш, сайр қилишдан иборат бўлиб, бу билан таълим элементларини аста-секин ўзлаштириб боришига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Бу жараёнда бола фикрлайди, санайди, фараз қилади, теварак-атроф гўзаллигидан баҳраманд бўлади, энг муҳими, ҳордиқ чиқариб тинч ухлайди ва эртасига дарсга зийрак ҳолатда келади. Эскириб бораётган усуллар, уй вазифасининг ортиб боришига йўл кўймаслик, хусусан 2-4 синф ўқувчиларига бериладиган уй вазифаларини меъёрлаш, айниқса шанба куни вазифа берилмасликни уқтириш жоиз.

Амалда стол устида ўйналадиган ўйинчоқлар, ҳаракатли ўйинлар, техник ўйинлар, соҳа кўриниши атракционли ўйинлардан фойдаланилади.

Бола ҳаётида ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйинларда катта одамлар ўртасида пайдо бўладиган муносабатларни ўзлари тушунадиган вазиятларда қайтарадилар. Бола ўзига маълум бир ролни олар экан, тегишли қоида, вазифаларни бажаради ва бу қоидаларни ўзлаштириб олади, ахлоқий

малака ва одатларни эгаллайди. Ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйин кўпчилик билан ўтказилади.

Ўйин давомида болалар ўртасида катталар орасидаги муносабатлар таркиб топади ва аста-секин мустаҳкамланади.

Боланинг ёши ўсиб боришига қараб ролларга бўлиб ўйналадиган ўйинлар билан бир қаторда дидактик ва ҳаракатли ўйинлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бола мактабга қатнай бошлаганда ўйиннинг аҳамияти бир оз камайди. Лекин бу ўқиш ўйинни бола ҳаётидан бутунлай чиқариб ташлайди дегани эмас. Бу ҳолда ўйиннинг характери, унинг мазмуни ўзгаради, бироқ унинг болалар табиясидаги муҳимлигича қолаверади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйинларда улар тасвирлаётган кишиларнинг хусусиятлари муҳимроқ бўлиб кўринади. Ўқувчиларнинг кучлилик, ботирлик, чакқонлилигига сабаб бўлади. Болалар тўсиқларни енгиб ўтишга ҳаракат қиладилар, қаҳрамонона ишларни бажарадилар.

Бошланғич мактабда ўқишнинг охирига бориб, онг-билим доирасининг кенгайиши муносабати билан ўқувчилар ҳақиқий кийинчиликларни енгиб боради. Ўйин элементларини киритиш болаларда белгиланган ишни мумкин қадар яхшироқ бажариш иштиёқини уйғотади ва уларда ҳар қандай ишга маъсулият сезган, ҳолда ёндошиш одатини таркиб топтиради.

Бошланғич талимда дидактик ёки ўргатувчи ўйинлар кенг тарқалган. Улар билиши мазмунига эга бўлиб, ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига қаратилган.

Ўқув фаолиятининг ҳар-хил турларида хилма-хил ўйинлардан кенг фойдаланилади.

Геометрик шакллар: айлана, квадрат, тўғри тўртбурчак ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилишда ёрдам бериши мумкин. Ўқиш ва табиатшунослик дарсларида саёҳат ўйинларидан фойдаланиши мумкин.

Ўйин фаолиятини ташкил этишда бир қатор педагогик шартларга риоя қилиш лозим. Ўйиннинг тарбиявий аҳамиятини ўйлаш керак.

Бола ёш физиологик-психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда математикага бўлган қизиқишларни аста-секин ўйғота бориш лозим. Бунинг учун дарсликдаги ўқув материалларни қизиқарли қилиб тушунтириш, маҳаллий материаллар асосида ҳисоблаш, ўлчаш, яшашга оид масалалар тузиш ва ечиш; дидактик ўйинлардан эртақ қаҳрамонларидан фойдаланиши муҳимдур. Ўйин бошланғич синф ўқувчиларининг сеvimли фаолиятидир. Ўйин ёрдамида улар ўртасида муаян муносабатлар ўрнатадиган болалар гуруҳлари юзага келади. “Ўйин бошқа ҳамма усуллардан устунлик қилади, чунки у худди болаларнинг бутун ҳаётини, шахсий фаолигини, мустақиллигини йўлга қўйиш имконини беради,” - деб ёзган таниқли методист А. Усова.

Ўқитувчи ўйинда болалар фаолиятини тўғри бошқариб, болалар хулқ- атворини ижтимоий сифатларини таркиб топтиришдек кенг тарбиявий мақсадларда фойдаланиш лозим.

Ўйин тарбия воситаси сифатида; тафаккур, нутқ, ҳаёл, хотира каби психологик жараёнларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида қўлланиши мумкин. Масалан, “Нима ўзгаради” ўйинида ўқитувчи доскага қўғирчоқ, турли шакллар, расмлар қўяди. Ўқувчилар қўзларини юмишади. Ўқитувчи бирор нарсани ўрнини алмаштиради ёки олиб қўяди. Болалар юқоридаги ўзгартиришларни айтадилар, бунда ўқувчиларнинг хотираси, геометрик шакллар ҳақида тасаввури шаклланади.

Ўқувчиларни дарсга тайёрлаш.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг билим фаолиятини ривожлантиришнинг янги усулларини қўллаш керак.

Ўқувчилар фақат режадаги материалнигина эмас, атроф–муҳитни, воқеа ва жараёнларни кузатишга мустақил-танқидий фикрлашга, ўз хулосаларини асослашга ўрганиши керак.

Бошланғич синфларда математика ўқувчилар учун қийин ва кам тушунарли фан бўлиб туюлади. Шунинг учун болалар кўп ҳолларда қоидаларнинг маъносига тушунмасдан куруқ ёд олишига ҳаракат қиладилар, бу эса билимда мавзуларни ўзлаштиришга тўсқинлик қилади.

Ўқувчиларнинг дарсда олган билимлари онгли равишда мустақил фикрлаш асосида эгалланган бўлсагина, у ишончли ва мустаҳкам бўлади. Ўқитувчи ўқитиш жараёнида ўқувчиларни фикрларига, изланувчанликка, хулоса чиқаришга ва умумлаштиришга ундовчи методик усулларни қўллаш муҳим ҳамиятга эгадир.

Дидактик ўйинлар дарсда ишни индивидуаллаштириш ҳар бир ўқувчининг кучига мос топшириқ бериш, уларни қобилиятини ўстириш имконини беради. “Ҳар бир яхши ўйиннинг меҳнат кучи – меҳнатни кучайтириш ва фикрлашни ўстириш хусусияти бўлади,” - деган буюк педагог А. С. Макаренко.

Ўйин жараёнида ўқувчилар дастлаб фақат ўйинга қизиқа бошласа, кейинчалик уни тезда ўйин билан алоқадор материал қизиқтира бошлайди. Энди унда шу мавзунини ўрганиш, эслаб қолиш, ўйинга қаташиш истаги пайдо бўлади.

Ўйин ўқувчилар диққатини осонлигича жалб қилишга уларнинг энг муҳим ва мураккаб нарсаларга воқеа ва ҳодисаларга қизиқишларини узоқ вақт ушлаб қолишга ёрдам беради.

Масалан: мисолларни бир хил усулда ечавериш ўқувчиларни толиқтиради, ўқишга қизиқишини йўқотади. Шу мисолларни ўйин шаклида ким тез бажаради? усули билан ечиш эса ўқувчиларни жонлантиради. Энди улар аниқ мақсад йўлида, яъни топшириқларни бажаришда ғолиб чиқиш, бошқалардан орқада қолмаслик, уларни бажаришига қодир эканини кўрсатиши ҳисси билан ҳаракат қиладилар.

Дидактик ўйинларни дарсга мослаштириб танлаш ва ўқувчиларнинг маълум бир ўйиндан зерикканларини сезгач, унинг янги турларини кўллаш зарур. Танланган ўйин қизиқарли, ўқувчиларнинг ёшига мос, қисқа вақтга мўлжалланган бўлиши керак.

Дидактик ўйинлар фанга қизиқтиришни, мавзуларни онгли ўзлаштиришига, ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантиришига, уларда кузатувчанликни оширганда дидактик ўйинлар воситачилик ролини ташкил қилишдан олдин уни қайси мақсадга йўналтиришини ва дидактик асосларини аниқлаб олиш ва дарс жараёнида унга таяниш зарур. Методика нуқтаи назаридаги ўйинлар, келтирилган умумий тарбиявий ва ўқитиш топшириқларидан ташқари, ўқитувчига болаларда махсус кўникмаларни ҳосил қилишда ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг математик нутқини аниқлайдиган ва кенгайтирадиган ўйинлар бор. Мисол учун, агар 1-синф ўқувчилари математик ҳаракат ва рақамлар билан таъминланган бўлса, қатор устун тузишга, ўқиш ва ечишга ўргатиш мазмуни „Кимда бор?“, „Ким топади?“, „Ким тез ва ишонарли?“ тўғри келадиган ўйин ҳолатида ўтказиш мумкин. Ўйиндан кўриш ва эшитиш зехнини мукамаллаштиришидан ҳам фойдаланиш мумкин. (ўйинлар “тақ – туқ” “Нарса лотоси,” геометрик шакллар бўйича санаш ва ҳ.з.) Ўйинлар ёрдамида болалар сонларини эсда сақлаб қолиши қобилиятини мустаҳкамлаш мумкин. (“Хотира”, “Тасаввурини ривожлантиришлар” “Ғалати гугуртчалар”)

Кўпгина ўйинлар болаларда жой тушунчасини ривожлантиришда ёрдам беради. (“Геометрик домино“, “Қурилиши материаллари”, „Танграм“ ўйини), комбинаторик қобилиятини ривожлантиради (мозайка, рангли домино, геометрик жисмларни ёймоқ ва б.) ва конструктив қобилиятини ривожлантиради (конструкторлар, учбурчакнинг сири ва ҳ.з.)

Тез санашни ўргатишга ёрдам берадиган ўйинлар „Ким тез“, „Энг яхши санокчи“. Математик ўйинларни назарий асосларига қўйидагиларни киритиш мумкин.

1 Маълум дидактик мақсадга йўналтирилиши янги материални ўрганиши, мустаҳкамлаш, ҳосил бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларини текшириши

2 Малака ва кўникма ҳосил қилиши учун дидактик жараённи қандай амалга оширади?(бунинг учун бир хил ҳаракатни бир неча марта қайтарилишини ва уни ижобий йўналиниши зарур.

3 Ўқувчилар тафаккурини ривожлатирилиши воситаси бўлиши керак.

4 Ўқувчиларда мустақил ишлаш малакасини ривожлантириши керак.

Юқорида келтирилган назарий асосларини ташкил этган “дидактик ўйинлар” жарёнида намойиш этиши учун баъзи бир ўйинларни

олиб кўрамиз. Ўйинларни ўтказишдан олдин ўқувчиларни тайёрлаш керак. Ўйин жараёнида ўқувчилар учун умумий қоида қуйдагича бўлади:

1. Ўйиннинг боришини, зарур ҳаракатларни, уларнинг узлуксизлигини диққат билан тинглаш ва эслаб қолиш зарур;

2. Ўйиндаги муваффақият мақсадни аниқ тушуниб етишида, натижани олдиндан кўра билишдадир. Ўқитувчининг кўрсатмаларини охиргача тингламай туриб ўйинни бошлашга шошилмаслик керак. Шошма-шошарлик кўпинча қўпол хатоларга, ортиқча, кераксиз ҳаракатлар қилишга сабаб бўлади;

3. Керакли ўринда ўртоғининг жавобини тўғрилаш ёки тўлдириш учун диққат билан эшитиш керак.

4. Ўз навбатида риоя қилиш, ўртоқларига ҳалақит бермаслик, ортиқча хатти - ҳаракатлар қилмаслик керак.

Ўйин қоидалари ўқувчиларни жамоа бўлиб ҳаракат қилишга, ҳозиржавоб бўлишга, ўртоғининг жавобини диққат билан тинглашга ва тўлдиришга, интизомли, ўз хатоларини тан олувчи софдил бўлишга ўргатади. Ўйин қоидалари ўйиннинг олиб борилишига раҳбарлик ва ташкилотчилик вазифасини бажаради, ўйин жараёнида болаларнинг ўзаро муносабатларини бошқаради. Шунингдек, бошқаларнинг фаолиятларинга ўз ҳаракатларини мослаштириб олиб боришга, тиришқоқлик, софдиллик, зийраклик каби хислатларни ҳам тарбиялашга ўргатади. Ўқитувчи ўйин жараёнида ўқувчилар фаолиятини, ўйин қоидаларини, уларни бажариш йўлларини доимо назорат қилиб, сўроқлар ва лўқмалар билан ўйини бошқариб туради. Ўқитувчи ўйиннинг дидактик томонларига кўпроқ берилиб, унинг тарбиявий аҳамиятини иккинчи даражага қўймаслик керак. Ўйинда синфнинг барча ўқувчилари иштирок етиши керак.

Шунинг учун ўйинга барча болалар жавоб бера оладиган, уларнинг қўлидан келадиган қисқа топшириқлар танлаш керак. Болаларнинг узоқ вақт ўйинга киришиб кета олмай ўтиришларига, қизиқишларининг сусайишига йўл қўймаслик учун топшириқлар бир хил бўлмаслиги керак. Топшириқ берилгандан сўнг ўқитувчи унинг қоидаларининг кўрсатиб беради. Ўйин жараёнида шахсий манфатдорлик пайдо бўлган, ўқувчиларда фаоллик ижодий фикрлаш, ўзи учун, гуруҳ учун жон куйдириш каби хислатлар пайдо бўлади. Ўқитувчи дарсга тайёрлаш жараёнида олдиндан зарур дидактик материалларни тайёрлаб қўйиши, ўйинни уюштириш, назорат қилиш якунлаш ва баҳолаш каби барча тадбирларни белгилаб қўйиши керак. Ўйин ўтказиш, ўйин вазиятини яратиш ҳар бир дарсда ҳам шу ҳам аҳамият касб этади.

Бу айниқса, ҳали болалар жиддий диққат билан узоқ ўтиришга ўрганмаган биринчи синф ўқувчилари учун тааллуқлидир. Улар тез толиқадилар, диққати заифлашиб қолади, бир хиллик уларни зериктиради. Шунинг учун ўйин биринчи синф ўқувчилари ўқув фаолиятини ташкил қилишдаги иш фаолиятини энг самарали усулларидадан бири бўлиши керак.

Ўйин ташкил қилишдан олдин, унга керакли материаллар олдиндан тайёрлаш керак. Дидактик материалларни болалар меҳнат дарсларида ёки ота-оналар ёрдамида уйда тайёрлаши мумкин.

Мураккаброкларини юқори синф ўқувчилари билан тайёрлаш мумкин.

Қуйида биз „Жавобни кўрсат“ (1) ўйини учун керакли нарсалар ҳақида сўз юритамиз. Ўйин жиҳозлари :ҳар бир ўқувчига партада 1-10 гача сонлар ёзилган карточкалар, 6-6 ва шунга ўхшаши рақамли каточкалар. Эни 25 см, бўйи 10 см узунлигидан картон қоғоз олинади. 28 см ли ҳар икки томонида 1.5 см дан 3 см ажратиб букланади ва 25см ни 8.3 см қилиб 3 га бўлиб, чизиб чиқилади.

Чеккадан белгиланган жойгача ойсимон чизилиб қирқиб ташланади. Қирқилгандан сўнг 1- катонга 2- картон ёпиштирилади. 1- катон 2- картонга устма-уст қўйилади. 2 картон ҳар иккала томондан ва остидан 1.5 см қўйилиб букланади сўнг букланган жой 1- картонга ёпиштирилади. Натижада қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади (1- расм). Шундан сўнг ҳар бир чегараланган жойга қуйидагилар ёзилади: 1) 0-5 2) 6-10 3) + - =

1) 0-5 деб ёзилган канвертнинг ичига 0 дан 5 гача бўлган сонлар ёзиб, солиб қўйилади. 2) ва 3) конвертларга ҳам сон ва ишоралар ёзиб солинади. Буларнинг ҳаммаси бир ҳажмда бўлиб қуйидагича тайёрланади: бўйи 10 см , эни 6 см узунлиқдаги картон олинади ва пастки томони ҳар иккала томондан қирқилади сўнг сонлар ёзилади.

Эни 30 см, бўйи 10 см узунлигидаги картон олинади ва худди шу ҳажимда юпқароқ оқ қоғоз олинади, картонга ёпиштирилади. Сўнг 4 томонидан 1 см дан ўлчаб ёпиштирилади. Сўнг керакли сонлар ёзилади.

Ўйин жараёнида самарали ўтиши учун қуйидаги талабларга амал қилиш керак.

1)- ўқувчиларнинг ўйинда қатнашишларига тайёрлиги ҳар бир ўқувчини ўйин қоидаларини яхшилаб ўзлаштириши мақсадни аниқ тушуниб етиши унда қатнаша олиш даражасидаги билимга эга бўлиши керак;

2) ҳар бир ўқувчини зарур дидактик материал билан таъминлаш;

3) ўйин топшириқларининг мураккаб ўйинларнинг айрим ҳаракатларини пухта ўзлаштириб олишларини таъминлаш мақсадида босқичма-босқич, кейинчалик бошқа вариантларда ўтказиши;

5) ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатини назорат қилиш, ўз вақтида тўғрилаш ва баҳолаш;

б) ўқувчини ўйинда ютқазиб қўйганлиги учун уни ҳақорат қилиш, устидан кулиш каби шахсиятини ерга урувчи холатларга йўл қўймаслик;

7) ўйин қоидаларини ўзлаштириш, хотирани ўстириш. Зийраклик, мустақиллик, тиришқоқлик каби ҳислатларни тарбиялаш орқали уни ҳар бир дарсда мунтазам ўтказиб туриш лозим.

Модомики, ўйинни мунтазам ўтказиб туриш шарт экан ўқитувчи унинг қийинчилигидан энг содда деталаригача диққат қилиш керак.

1) парталарнинг турлича жойлаштириб гуруҳ бўлиб, ҳамда якка тартибда ўтказилиб туриладиган ўйинлар учун мусобоқаларга шартлар белгилаш;

2) ўйин ўтказиш учун энг оз миқдорда материал танлаш;

3) ўйин учун ишлатиладиган материалларни сақлаш. Бунинг учун турли хил яшикчалар, халтачалар ва уларни қўядиган махсус тоқчалар тайёрланади;

4) ўйинлар самарали бўлишини кузатиб туриш, ҳар бир гуруҳдаги ўқувчининг ютиб чиқишига умид бағишлаш учун уларни билим даражасини ва ақлий жиҳатдан етуқлигини ҳисобга олган ҳолда парталарга ўтказиш керак.

Ўқувчиларда кўникма ҳосил бўлиши учун умумий қоидалар бирга ўйинларга бир хил бўлиши керак. Бундан ташқари, ўйинларнинг мазмуни ва шакллари ўқувчиларнинг билим савиясига мувофиқ бўлиши керак.

Агар қоидалар олдиндан пухта қўйилмаган, шакллантирилмаган бўлса, ўқувчилар ўйинни олиб боришга, унинг моҳиятини тушуниб етишига қийналадилар.

Бу ҳол уларни толиқтириб ўйинга бефарқ қарашларига олиб келади. Ўқитувчи математика дарсларида дидактик ўйин ўтказаётган вақтда юқорида айтиб ўтилган ўйиннинг ўтказиш қоидаларига амал қиладиган яхши натижаларга эришиши мумкин, яъни ўйиндан кўзланган мақсадга эга бўлади, ўқувчилар билимини мустаҳкамлайди, ривожлантиради. Энг муҳими ўйиннинг сифатли ва чиройли чиқишига эришмайди, ўқувчиларнинг математикага қизиқишини ортиради.

Болаларнинг синфларда математика дарсларида болаларни янги мавзунини ўтишда, мустаҳкамлашда ўтилганларни такрорлашда ҳисоблаш, график тузиш малака ва кўникмаларни шакллантиришда, тафаккурни, мустақил фикрлашни ривожлантиришда дидактик ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Ўйинлардан мунтазам равишда фойдаланиши ўқитишнинг самарадорлигини оширади.

Шу билан бирга ўйин дарсининг оғзаки ҳисоблаш, ўтилган материалларни такрорлаш, геометрик шакллар ҳақидаги тасаввурларининг бойитиши, атроф-муҳитни кузатиш орқали олинган билимларни ойдинлаштириш тартибга солиш ва бошқа жарёнларда ҳам ташкил қилинади.

Дарс бошида (“Музёра”) ўтказиладиган ўйинлар ўқувчилар фикрини активлаштиришга жамлашга, энг асосий нарсаларни ажрата билишга ёрдам бериши, диққатни керакли нарсага йўналтириш керак.

Ўйин баъзан бир бутун дарсининг тузилиши учун асосий вазият, туртки бўлиши ҳам мумкин. Ўқувчилар чарчаган пайтда улар билан

ҳаракатли ўйин ўтказиш мумкин. Масалан, дастлаб жуфт қатордаги ўтирган ўқувчиларни, сўнг аксинча тоқ қатордаги ўқувчиларни ўйинга жалб қилиш ўқувчининг жуфт ёки тоқ қаторларни ўзи мустақил англай олиши учун фойдалидир.

Бунда ўқувчиларнинг ўрнини ўзгартириб туриши ҳам мақсадга мувофиқдир. Аммо шуни унитмаслик керакки, айрим ўйинлар ўқувчилар диққатини асосий мақсаддан чалғитиши мумкин.

Болалар шу ёшда ҳали ўз ҳиссиётларини бошқаришни, керакли пайтда ўз диққатларини асосий масалага қарата олишини билмайдилар.

Шунинг учун кучли эмоционал туйғулар билан боғлиқ ўйинларни асосан дарс охирида ўтказиш маъқул.

1. Дарснинг бошида ўтказиладиган ўйинлар „Ўйлаб топ“ ўйини. 1-2 синфларда қўлланилади.

Ўқитувчи доскага танаффусда бир нечта мисол ёзиб қўяди.

Мисоллар номерланади.

1. $27-7=$ 3. $29-5=$

2. $46+6=$ 4. $19+11=$

Дарс бошланганда, ўқитувчи шулардан бирини оғзаки ишлаб жавобини ўқувчиларга айтади.

Кейин „Мен қайси мисолни ечдим, ким айтади?“ деб болаларга муружаат қилади. Тўғри айтган ўқувчи рағбатлантирилади.

2. Дарснинг ўртасида ўтказиладиган ўйинлар „Биламан“ ўйини. Бу ўйинни масалан, 5 сонини ўрганилгандан кейин ўтказиш мумкин. Дарс ўртасида болалар чарчаб қоладилар, шунда ўтказса бўлади. Ўқитувчи болаларга биринчи партадан бошлаб ичида санашни таклиф этади, ҳар бир ўқувчи олдинги ўқувчи айтган сондан кейингисини айтиб ўрнидан туриши керак (олдинги ўқувчи ўтириди). 5 сонини ўрнига бешинчи ўқувчи „Биламан“ деб жавоб беради кейингиси эса санашни бир сонидан бошлайди. Бу эса синфнинг охириги ўқувчисигача давом этади. „Биламан“ сўзини жуфт – тоқ сонлар ёки маълум бир рақамли сонлар (3,13,23,33...) ўрнида ҳам айтиши мумкин.

“Кўп, оз, баробар” ўйини.

Ўйин материали: партада ҳар бир ўқувчи олдида санок чўплар, геометрик шакллар, турли миқдордаги нарсалар расми солинган карточкалар ва ҳ.з.

Ўйин мазмуни: ўқитувчи бирор бир рақами (3) кўрсатиб „кўп“, „оз“ „баровар“ сўзларнинг айтганда, ўқувчилар шу сўзларга мос миқдорга нарсаларни кўрсатишлари керак. Бу ўйинни мураккаблаштириши ҳам мумкин. Масалан, ўқитувчи „Ўнг қўлида битта,“ чап қўлимда оз, ўнг қўлимда эса кўп“ сўзларни айтади болалар шунга мувофиқ миқдордаги нарса ёки рақамли карточкаларни бўяган ўнг ва чап қўлларини кўтарадилар.

“Ўйлаб топ” ўйини

1. Мен айланада жойлашган иккита сонни қўшдим ва 10 сонини ҳосил қилдим. Мен қайси сонларни танладим? Уларни кесма билан бирлаштир.

2. Мен айланада жойлашган учта сонни қўшдим ва 10 сонини ҳосил қилдим. Мен қайси сонларни танладим. Уларни бирлаштир.

3. Мен 10 сонидан 1 сонини айирдим ва 2 сонини ҳосил қилдим. Мен қандай сонни айирдим?

Бошланғич синфларда кўпроқ болаларнинг ёшини, билим савиясини ҳисобга олиш лозимлигини унутмаслик керак. Уларга оддий, осон ва вақт кам сарфланадиган ўйин машқлардан фойдаланиб, дарслар ўтиш яхши самара беради.

Бошланғич синф математика дарсларида илғор педагогик технологияларни фаол қўллаш, таълим самарадорлигини ошириш, таҳлил қилиш ва амалиётга жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Ўқувчиларнинг фикр доираси, онги, дунёқарашларини ўстириш, уларни эркин тингловчидан эркин иштирокчига айлантирмақ ниҳоятда муҳимдир. Ўқитувчи дарсда бошқарувчи ўқувчилар эса, иштирокчига айланмоғи лозим. Ана шу вазифани уддалашда инновацион фаолият устунлиги кўп қиррали самара келтиради.

Педагогик технологиялар асосида ташкил этилган математика дарсларининг ташкилий усуллари, ўтказиш методларига кўра ўқувчи эҳтиёжига мос тушиши керак. Чунки бундай дарслар бола руҳиятига яқинроқ бўлади. Ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган қизиқиш, хоҳиш ва истакларини қўзғотиш асосида мақсадга эришиш мотивация бўлиб, бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ички яқинлашувидир.

Қуйида математика дарсларида педагоги технологиянинг метод ва усулларидан фойдаланиш иш тажрибасидан намуналар келтирамыз:

Якка тартибда ўтказиладиган ўйинлар.

„Ҳисоблаш доиноси“ 10 Бу ўйинни якка тартибда ёки жамоа бўлиб ўтказиш мумкин.

Дарс охирида, куни узайтирилган гуруҳларда, дарс вақтида аълочилар зерикиб қолмаслик учун, бўш қолмаслик учун ўтказилади. Ўйин давомида ўқувчи 10 дан ортиқ мисоллар доиноларни тузишда $+$, $-$, $..$, $∴$, амаллардан самарали фойдаланиши керак. Токи ўқувчи ўйин охиригача зерикиб қолмасин. Уни рағбатлантириш керак.

Бу ўйин учун 10 ёки 20 та бир хил карточкалар тайёрланади ва уларни чизик билан 2 қисимга бўлинади. Карточканинг ўнг тарафига мустақил ечиш учун бериладиган мисол, чап тарафдаги қисмига эса бошқа бир карточкадаги ана шундай мисолнинг жавоби ёзилади. Улар конвертларда сақланади. Ўқувчи карточкадаги мисолни ечади ва шу мисолнинг жавобини берилган бошқа карточкадан топиб, уни биринчи карточканинг ёнига қўяди. Кейин 2-карточкадаги мисолни ечади, жавобини топади.

Гуруҳ бўлиб ўйналадиган ўйинлар.

“Занжирча” ўйини.

Бу ўйин учун карточкадан 6 х 3 см катталиқдаги карточкалар қирқилади. Карточкаларнинг бир томонига битта мисол ва иккинчи томонига бошқа карточкадаги мисолнинг жавоби ёзилади. Масалан, карточкаларнинг бир томонига 11-6, 18-9, 8+7, 7+9, мисолларни ёзилган бўлса, худди шу карточканинг орқасига 9, 8, 16, 11 жавоблар ёзилади. Бир ўқувчи ҳамма карточкаларни аралаштиради, тарқатади. Улар ўзининг карточкасини жавоб томонини юқорига қилиб ўртага қўяди. Қолганлар эса, ўз карточкаларини орқасидан шу мисолга тегишли жавобни қидирадилар. Ким жавобни топса, ўша карточка билан мисол ёзилган томонини юқорига қилиб биринчи карточкани ёпади. Ўйин шундай давом этади. Охириги карточкаси қўйилган гуруҳ ғолиб бўлади.

Дарсда математика машғулотларига қизиқиш уйғотувчи мусобақа элементларини ўз ичига олган дидактик ўйинларга кўпроқ ўрин бериш керак. Бу бошланғич мактабда математика ўқитиши амалиётидан маълум ўйинлар. Бундай ўйинларни ташкил қилиш муҳимки, болалар баъзан “ўқитувчи” ролида бўлишсин, ўзлари текшириб, топшириқ беришсин.

“Ҳар-бир уйга-ўзининг томи” ўйини.

Ҳар бир қатнашчи 1та тўпладан 8та карточка олади. Ким биринчи ўлчами бўйича бир хил жуфт “уй-томи” ҳосил қилса ва томи уйнинг устига жойлаштиради ўша ғолиб.

“Расмни домино” ўйини. Ҳар бир қатнашчи 5 тадан карточка олади. Қатнашчи занжир ҳосил қилади, бунда, биринчи карточканинг чап томони бўш, охиригисини - ўнг томони. Ҳар бир расмнинг олдида расм нечта бўлса, ўшанча доирачали карточкани қўйиш керак. (2та жўжа -2та доирача ва х.з.)

“Ортиқ, кам ўшанча” ўйини

(2 та гуруҳни таққослаш ҳар бирида 5 тадан кўп бўлмаган нарса). 2-киши ўйнайди. Ҳар бири қарамасдан конвертдан 4 та карточка олади. Олма (нок, бодринг) олиши учун боришни келишиб олади. Кейин навбат билан биттадан карточкани қўйишади. Кимнинг карточкасида олма (нок, бодринг) кўп бўлса, ўша ўзига иккала карточкани олади. Агар олмалар сони тенг бўлса, ҳеч ким карточкани олмайди. Ким кўп карточка тўплас, ўша ғолиб.

“Нима қайси томонга қараб турибди” ўйини.

Ҳар бир қатнашчига бта карточка берилади. Ким биринчи чап томонга қараб турган гулларни (байроқчаларни) бир қаторга, ўнга караганларни 2-қаторга терса, ўша ғолиб. (8-расм)

„Нима ўзгарди” ўйини .

Ўқитувчи столга бирорта ўйинчоқни, ёки исталган нақрсани қўяди, сўрайди: „Ўйинчоқлар нечта?” (битта). Ўқитувчи болалардан кўзларини беркитишини сўраб, столга бир нечта ўйинчоқ қўяди. Болалар қараб нима ўзгарганини айтишлари керак . Ўйинчоқ нечта бўлганини рақам билан кўрсатинг, ўша сонни қандай ҳосил бўлганини тушунтиринг.

“Аксинча”

Мақсад : ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, уларда „қалин“ „юпқа“, „кенг“, „тор“ тушунчаларининг шакллантириш.

Ўйин мазмуни: ўқитувчи тўпни ташлайди ва биррон бир сўзни айтади. Ўқувчи тўпни олгандан сўнг, шу сўзга қарама - қарши сўзни айтади. Кейин тўпни қайтиб ўқитувчига ташлайди. Масалан: қалин-юпқа, катта-кичик, баланд-паст, оғир-энгил,

“Катта, кичик, тенг” ўйини

Ўйин материали ҳар бир ўқувчига партада тенг белгилар тўплами, майда нарсалар турли расм солинган карточкалар, учбурчаклар, доиралар.

Ўйин мазмуни: ўқитувчи қуйдагилар ёзилган жадвални осиб қўяди ёки олдиндан рақамлар ёзуви билан тайёрлаб қўйилган доскани очади. Масалан: И- вариант . ИИ.- вариант.

3□4 3□5 2□5 3□1
5□2 6□2 4□3 5□7

Ўқувчилар ҳар бир вариант бўйича ўз парталари устига ёзув асосида териб, керкели белгиларни қўйишлари керак. Бажарилган ишларнинг тўғрилигини текширишни қўшни партадаги ўқувчига таклиф қилиш мумкин. Ёки ўқитувчи ўзи текширади. Бу ўйинни бир оз ўзгартириб ва мураккаблаштириб вақти-вақтида ўзгартириб турилади.

Масалан:, ўқувчиларга фақат (доскада, жадвалда) белгиларни ёки белгилар ва айрим сонларни бериш мумкин.

И – вариант

□>□ □>□
□=□ □>□
□<□ □=□

ИИ-вариант.

□=□ □<□
□>□ □=□
□>□ □>□

Бу ўйинда жадвалдаги сонларга қараб дафтарга ҳам шунча катакчаларни чизиш ёки керакли белгини қўйишни таклиф қилган ҳолда топшириқларни ўзгартириб туриши ўқувчилар учун фойдалидур. 2-3 синфларда бу ўйинни бундай ўтказиши мумкин. Ўқувчилар олдиндан уйларида алоҳида вароқларда 2та бир хил жадвал тайёрлайдилар. Ўқитувчи ўқувчиларга жадвалнинг маълум қисмини тўлдиришни таклиф этади . У билан бирга, топшириқни бажаришга қришишдан олдин, ўқувчиларнинг топшириқни аниқ тушуниболишлари муҳим аҳамиятга эга: яъни сатр қаерд, устун қаерда ва нимани таққослаш керак - сатрни устун биланми ёки аксинча?

Ўқувчиларга бу ерда нима муҳимлигини тушунтириб бериш зарур. Шунинг учун ҳам 2та бир хил жадвал тўлдирамиз. Ўқувчилар топшириқнинг мазмуни тушунишлари учун, шу типдаги топшириқларни бериб, уларни аста-секин шу ўйинга тайёрлаб бориш фойдалидир.

Устунчада ёзилган сонларни қаторидаги сонлар билан таққослаш керак. Уларни кўчириб оз ва >, <, = белгиларни қўй, жадвални тўлдир.

	1	2	3	4	5
--	---	---	---	---	---

1	=	<	<	<	<
2	>	=	<	<	<
3	>	>	=	<	<

Ана шундай тайёрлов машиқларидан сўнг болалар жадвални ким олдин тўлдириш бўйича қизиқиш билан мусобақалашадилар. Тўлдирилган жадвал эса қуйдагича бўлади.

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	=	<	<	<	<	<	<	<	<	<
2	>	=	<	<	<	<	<	<	<	<
3	>	>	=	<	<	<	<	<	<	<
4	>	>	>	=	<	<	<	<	<	<
5	>	>	>	>	=	<	<	<	<	<
6	>	>	>	>	>	=	<	<	<	<
7	>	>	>	>	>	>	=	<	<	<
8	>	>	>	>	>	>	>	=	<	<
9	>	>	>	>	>	>	>	>	=	<
10	>	>	>	>	>	>	>	>	>	=

„Геометрик ўйинлар“ (сўзсўрт билан ўйин)
10 дона сўзсўртдан ўйча ясаи.

Сон ва миқдорни ўрганишида фойдаланадиган дидактик ўйинлар.

Фазовий тасаввурларни ривожлантиришга, нарса ва улар гуруҳини таққослаш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган дарсда ўтказилаётган иш билан бир вақтда болаларга нарсаларни санаш малакаларини ўргатиш бўйича систематик иш ўтказиши зарур.

Санаи ишини онгли, ишончли эгаллаш ўчўн қўйдагилар зарур.

1) *Натурал қатор сонлари номларини ва кетма – кетлигини билиш;*
2) *Нарсалар саноғи фақат сонлар кетма-кетлигини билишгина эмас, балки санаб чиқилаётган гуруҳдаги нарсаларга сонларни тўғри мос келтиришни, яъни сон-нарса жуфтини ҳосил қилишни ҳам назарда туктади.*

3) *Болалар шуни тушунишлари керакки, нарсаларни санаида энг охири айтилган сон „нечта“ саволга жавоб беради. Олти ёшли болалар ўчўн уибу хато табиийдир; бола санаини тўғри бажара туриб, нечта саволига боиқа сонни айтади., яъни жавоб тасодифий ҳарктерга эга бўлади. Бунинг сабаби бажарилган санаиига боғлиқ бўлмаган холда миқдорни қўзда чамалашга уриниш.*

Буларни ҳаммасини ҳисобга олиб, юқорида караб ўтилган нарсалар саноғининг таркибига кирувчи 3та таркибий элементларнинг ҳар бири ўзига ўқитувчининг махсус эътиборини қаратиши, шўнга мос машқлар қўйиш ва ҳал қилишни талаб қилиш керак.

“Кўп-битта” ўйини

Ҳар бир қатнашчи 8та карточка олади. 2та карточкани шундай кўйиш керакки, бунда бир томонда кўп, бир томонда битта бир хил предмет бўлиши керак.

“Ўйинни эгалла” ўйини

Ҳар бир ўйинчига 3 ёки 4 сони ёзилган уйчанинг расми берилади. Ўйинчиларга 8 тадан карточка берилади. Расмдаги нарсалар сонига қараб, карточкалар уйчаларга жойлаштирилади. Уйчани биринчи бўлиб тўлдирган қатнашчи ғолиб чиқади.

“Поезд тузамиз” ўйини.

Ҳар бир қатнашчи бта карточка олади (чап ё ўнг томон.) Вагонларни рақамларининг ўсиши тартибида жойлаштириш керак. Ким биринчи бўлса бошига паравозни улайди .

“Санашни давом эттириш” ўйини

Ўқитувчи мисол тариқасида бир ўқувчи билан бу ўйинни ўтказиши туфайли унинг мазмуни болаларга тушунтирилади:

ўқитувчи 1,2,3 ,, деб санай бошайди. Ўқувчи эса 4,5,6,7 ,, деб давом эттиради. Сўнг дарс мавзусига мос бирор сонни айтади ва дам-у, дам бу ўқувчига санашни давом эттир дейилади.

“Диққат” ўйин.

Ўқитувчи карточкалар тайёрлайди. Уларда 1дан 10гача бўлган сонлар расм орқали тасвирланган. Ўқитувчи кетма-кет расмли карточкани магнит доскага жойлайди, ва расмлар сонни санаб чиқишни таклиф қилади. Сўнг тўпни ўқувчилардан бирига оширадива чапдан ўнга кўли билан ҳаракат қилади. Тўпни олган ўқувчи кўрсатилган сонни айтади ва шу сондан 20 гача санайди; агар ўқитувчи ўнгдан чапга ҳаракат қилса кўли билан, ундан ўқувчи 20 сонидан то айтилган сонгача санаб чиқади ва ҳ.з.

Назорат учун саволлар

1. Математика дарсларида педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамияти нимадан иборат?
2. Математика дарсларида педагогик жараён қандай ташкил этилади?
3. Математика дарсларида фойдаланиладиган дидактик ўйинлар ҳақида нималарни биласиз?

Амалий машғулот топшириқлари

1. Бошланғич таълим ўқувчиларини ақлий ривожланишга ёрдам берувчи самарали таълимнинг интерфаол усулларини мисоллар келтиринг.
2. Педагогик технологияларни ўзида акс эттирган математика дарс ишланмасини яратинг.

4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ:

Ўқиш дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш (2 соат амалий)

Машғулот мақсади: ўқиш дарсларида матн устида ишлашда педагогик технологиялардан фойдаланиш, ўқиш дарсларини ташкил этишга замонавий ёндашувлар бўйича кўрсатмалар бериш.

Асарни матнини таҳлил қилишнинг методик шартларидан бири асар мазмунини унинг тасвирий-ифодавий воситалари билан боғлиқ ҳолда қарашдир. Яна бир асосий қоида асар устида ишлаш жараёнида таълим-тарбиявий вазифаларни умумий равишда амалга ошириш ҳисобланади.

Бу қоидалар асар устида ишлашнинг асосий йўналишини белгилайди, шунингдек, матнни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчилар бажарадиган топшириқларни ва муҳокама қилиш учун уларга бериладиган саволларнинг характерини аниқлаб олишга ёрдам беради. Ҳар бир савол ўқувчиларни танқидий фикрлашга ундовчи характерда бўлиши талаб этилади.

Танқидий фикрлаш – ахборотларни ўзлаштиришдан бошланадиган ва хулоса чиқариш билан тугалланадиган мураккаб ўйлаш жараёни. Бироқ танқидий фикрлаш – билиш фаолиятининг юқори даражаси сифатида ўқувчиларда матн билан ишлаш кўникмасини ривожлантиришга, оғзаки ва ёзма нутқни эгаллашга, мазкур матн бўйича курсдошлари билан биргаликда ҳаракатда бўлишига қаратилган педагогик технология. Танқидий фикрлаш – ўқув аудиториясидаги руҳиятни ўзгартира оладиган стратегиялар мажмуидир, яъни машғулот ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодхонасига айланади.

- Танқидий фикрлаш тажрибасини орттиришга вақт ва имконият бериш.
- Ўқувчиларга фикрлаш имкониятини бериш.
- Турли ғоя ва фикрларни қабул қилиш.
- Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг фаол қатнашишларига имкон бериш.
- Ўқувчиларни уларнинг устидан ҳеч ким кулмаслигига ишонтириш.

- Ҳар бир ўқувчини у танқидий мулоҳаза юритишга қодир эканлигига ишонириш.
- Танқидий фикрлаш пайдо бўлишини қадрлаш.

Шу билан бирга, ўқувчилар:

- Ўз-ўзига ишончни ривожлантириб, ўз ғоя ва фикрларининг қимматини тушинишлари керак.
- Таълим жараёнида фаол қатнашишлари лозим.
- Турли фикрларни ҳурмат билан эшитишлари керак.
- Ўз мулоҳазаларини шакллантиришга тайёр бўлишлари ёки ундан ўзларини тийишлари лозим.

Танқидий фикрлаш элементлари:

- ✓ танқидий фикрлаш – бу мустақил фикрлашдир;
 - ✓ ахборот – танқидий фикрлашнинг бошланишидир;
 - ✓ танқидий фикрлаш саволнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони аниқлашдан бошланади;
 - ✓ танқидий фикрлаш ишончли далилларга интилади;
- танқидий фикрлаш – ижтимоий фикрлашдир.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш босқичлари.

Даъват босқичида қўлланиладиган стратегиялар:

Эркин ёзиш.

Кластер.

Ақлий ҳужум.

Б-Б-Б чизмаси.

Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги.

Семантик хусусиятлар таҳлили.

Англаш босқичида қўлланиладиган стратегиялар

Семантик хусусиятлар таҳлили.

Б-Б-Б чизмаси.

Ўқитиш бўйича қўлланма.

Бир-бирига ўргатиш.

Бир-биридан сўраш.

Икки қисмли кундалиқлар.

Фикрлаш босқичида қўлланиладиган стратегиялар

Энг асосий тушунчалар, такрорлаш.

Т-чизма.

Концептуал жадвал.

Венн диаграммаси.

Нилуфар гули.

Беш минутлик эссе.

Ўн минутлик эссе

Амалий машғулот топшириқлари

1. Иш тажрибангиздан келиб чиқиб педагогик технология методларидан бирини тавсифланг (5 минутлик эссе орқали).
2. Бошланғич синф ўқувчиларини танқидий фикрлашга ўргатишга ёрдам берувчи интерфаол методларни санаб беринг.
3. Педагогик технологиялар асосида ташкил этиладиган дарс харитасини тайёрланг.

Назорат саволлари

4. Даъват босқичида қўлланиладиган қайси стратегияларни биласиз?
5. Англаш босқичида қўлланиладиган қайси стратегияларни биласиз?
6. Фикрлаш босқичида қўлланиладиган қайси стратегияларни биласиз?

**КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР
МАЗМУНИ**

1-КЎЧМА МАШҒУЛОТ

Мавзу: Она тили дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш (2 соат кўчма машғулот)

Машғулот мақсади: Бошланғич синфларда она тили дарсларини ташкил этишда педагогик технологияларни қўллаш жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби: Бошланғич таълимнинг тажрибали ўқитувчиларининг она тили фани дарс машғулотларини: кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмашиш. Она тили дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш бўйича мутахассис томонидан ташкил этилган семинар-тренингда иштирок этишади.

Кўчма машғулот “Она тили фанини ўқитиш методикаси” фани доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан имконияти мавжуд бўлган умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилади.

Кўчма машғулот гуруҳ журналга қайд этилиб мактаб раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Машғулот мазмуни:

Режа

1. Бошланғич синфларда она тили дарслари ва уларга қўйиладиган талаблар.

2. Янги билим бериш, уларни нутқ амалиётига татбиқ этиш ва ўқувчиларни тарбиялаш.

3. Янги билим бериш, уларни нутқ амалиётига татбиқ этиш ва ўқувчиларни тарбиялаш.

Таянч тушунчалар: дарс, дарс тури, мақсад, янги материални ўрганиш дарси, билимни мустаҳкамлаш дарси, умумлаштирувчи-такрорлаш дарси, билимларнинг қанчалик ўзлаштирилганини ҳисобга олиш (текширув) дарси.

Дарснинг умумий таснифи. Мактабда дарс ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг асосий шакли ҳисобланади. Дарс таълим-тарбияни амалга оширишнинг энг қулай ва энг зарур омилidir.

Дарсга қўйиладиган **умумий талаблар** қуйидагилар:

1. Таълимий талаб. Ҳар бир дарс ўқувчига қандайдир билим бериши лозим. Ҳар бир дарснинг асосий мақсади ҳам шу.

2. Тарбиявий талаб. Бу ҳар жиҳатдан комил шахсни тарбиялаш демакдир.

3. Дидактик талаблар. Бу ўқитувчига дарсни тўғри ташкил қилиш: дарс мақсадларини, турини тўғри белгилаш, дарсдаги у ёки бу материални ўқувчиларга етказиб бериш услуб ва усулларини тўғри танлаш, ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш шакллари аниқлаб олиш демакдир.

4. Психологик талаблар. Бу талаб шуни назарда тутадик, ўқитувчи ўз ўқувчиларининг характер-хусусиятини қанчалик даражада яхши билиши

жудда катта аҳамиятга эга. Ўз ўқувчиларининг психологик хусусиятларини яхши билган ўқитувчигина тўлақонли дарс уюштириши мумкин.

5. Гигиеник талаблар. Бу ўқувчилар саломатлиги ҳақида қайғуриш демакдир. Синфда ёруғлик, тоза ҳаво ҳар доим етарли бўлиши лозим.

Бошқа фанлар каби, она тили ўқитишнинг самаралилиги дарснинг сифатига бевосита боғлиқдир.

Она тили дарсларининг турлари ва қурилиши. Дарс турлари унинг дидактик мақсадига кўра белгиланади, чунончи: *янги материални ўрганиш дарси, билимни мустаҳкамлаш дарси, умумлаштирувчи-такрорлаш дарси, билимларнинг қанчалик ўзлаштирилганини ҳисобга олиш (текширув) дарси* ва бошқ. Ҳар бир дарс тури муайян қурилиши билан бошқасидан фарқланади. Дарснинг дидактик мақсади, тури ва қурилиши ўртасида маълум боғланиш мавжуд. Муайян бир дарснинг дидактик мақсади ўрганиладиган мавзуга ва бу дарснинг дарслар тизимида тутган ўрнига қараб белгиланади. Ўқитувчи дастурда мавзуга ажратилган соатлар сонини ва ўрганиладиган материалнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, дарс турини танлаб, қурилишини белгилайди.

Дарсга қўйилган умумдидактик талаблар педагогик адабиётларда кенг ёритилган. Уларни она тили ўргатишга татбиқ қилиб, методик аниқликлар киритилса, она тили дарсларига қўйилган талаблар қуйидагича бўлади:

1. Янги билим бериш, уларни нутқ амалиётига татбиқ этиш ва ўқувчиларни тарбиялаш бир бутун жараёндир. Дарсда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишга, фойдаланиладиган тил материалининг ғоявий-сиёсий, эстетик ва бадиий қимматли бўлишига, тилни ўрганиш жараёнида болаларда дунёқараш элементларини шакллантиришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Ижодий изланиш муҳити яратилган дарслардагина зарур ахлоқий сифатлар тарбияланади.

Она тили дарсларида ўзбек тилига муҳаббат ва сўзга эҳтиётлик билан муносабатни тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун матн пухта танланади. Тилни ўрганиш жараёнида лексик-услубий ишларга ката ўрин берилади. Дарсда шеър, соддалаштирилган матнлар билан бирга, юксак бадиий матнлардан ҳам фойдаланилади.

Она тили ўқитиш жараёни ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини шакллантиришга қаратилади. Она тили дарслари ҳар бир киши учун зарур бўлган саранжом-саришталик, мустақиллик, ташаббускорлик сифатларини ҳам тарбиялайди.

2. Дарснинг аниқлиги ва ички мантиқийлиги, унинг мақсадга йўналтирилганлиги жуда муҳим. Янги материал ўргатиладиган дарснинг мазмуни ва мантиқи ўрганиладиган тил ҳодисаси ҳамда унинг лингвистик моҳиятининг бир-бирига таъсир қилишига маълум даражада сабаб бўлади. Ўқитувчи бу ўзаро боғланишни билиши ва уни ўқувчилар билан бирга топшириқларни бажариш давомида аста оча бориши муҳимдир.

Агар дарс грамматик билимларни мустаҳкамлаш, орфографик кўникмаларни шакллантириш мақсадини ўз олдига қўйса, дарснинг мантиқий

шартлари аста мураккаблаштириб борилган машқлар тизимини акс эттиради. Болалар бирор имло қоидасини яхшилаб билиб, ўрганиб олишлари учун бир-икки машқ жамоавий равишда бажарилади. Ўқувчилар мустақиллиги ошгач, машқни мустақил ишлайдилар.

Дарсда бажарилган машқлар ўртасидаги боғланишни шакллантирадиган кўникманинг хусусияти ҳам сабаб бўлади. Ўқув материалининг мавзуга ва дарснинг мақсадига мос бўлиши унинг мақсадга йўналтирилишини таъминлайди. Дарсда фойдаланиладиган барча ўқув материаллари (шу жумладан, тил далилларини кузатиш, имло ва нутққа оид машқларни бажариш учун танланадиган материаллар ҳам) дарснинг мақсадига жуда мос бўлиши зарур.

3. Она тили дарси, аввало, ўқувчилар нутқ ва тафаккурини ўстириш дарсидир. Она тили дарслари ижтимоий-фойдали бўлиши учун ўқувчиларда ўз фикрини грамматик тўғри, услубий аниқ, изчил ифодалаш ва бошқалар фикрини бера олиш кўникмасини шакллантиришга қаратилиши лозим.

Она тили дарсларида нутқ ўстириш кўрсатмаси грамматик материални ўргатишда ўқувчиларнинг тилимиздаги ҳар бир сўз туркуми ёки сўз қисмининг ролини билиб олишларига эриштирадиган методик усулларни қўллашни талаб этади, яъни грамматик назария грамматик тўғри ва аниқ нутқ малакаларини шакллантиришга, англаб, тушуниб ёзиш малакаларини ўстиришга амалда татбиқ этиш учун ўргатилади. Дарсда болалар нутқини ўстириш дарснинг мазмунида ва қўлланнилан вазифалар турларида ўз аксини топади.

2-КЎЧМА МАШҒУЛОТ

Мавзу: Ўқиш дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш (2 соат кўчма машғулот)

Машғулот мақсади: Бошланғич синф ўқиш дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби: Бошланғич таълимнинг тажрибали ўқитувчиларининг ўқиш фани дарс машғулотларини кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмашиш. Ўқиш фанида педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш бўйича мутахассис томонидан ташкил этилган семинар-тренингда иштирок этишади.

Кўчма машғулот “Ўқиш фанини ўқитиш методикаси” фани доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан имконияти мавжуд бўлган умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилади.

Машғулот мазмуни:

Режа

1. Бадиий асар устида ишлаш босқичлари.
2. Бадиий асарни ўқишга тайёргарлик.

3. Бадиий асар матни устида ишлашда танқидий фикрлашни ривожлантириш технологиясидан фойдаланиш.

Таянч тушунчалар: дарс, дарс тури, мақсад, босқич, бадиий асар, сюжет, янги материални ўрганиш дарси, билимни мустаҳкамлаш дарси, умумлаштирувчи-такрорлаш дарси, билимларнинг қанчалик ўзлаштирилганини ҳисобга олиш (текширув) дарси.

Бадиий асар устида ишлаш ва унинг асосий босқичларини белгилашда ўқитувчи бадиий асарнинг санъат асари сифатида ўзига хос хусусиятлари ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини назарда тутади.

Бадиий асарда барча қисмлар (ғоявий асос, композиция, сюжет, тасвирий воситалар) ўзаро боғлиқ бўлади. Сюжет ривож асосида асар қаҳрамонларининг янги-янги қирралари очила боради. Бу хусусиятлар асар устида ишлашда уни яхлит ўқиш ва идрок этишни талаб этади.

Ўқувчиларни бадиий асар устида ишлашга ўргатиш уларда адабий-эстетик таҳлил малакасини шакллантириш ва ўстириш орқали таълим-тарбия беришни назарда тутади. Асар матнини таҳлил қилиш муаллиф фикрини, ҳиссиёти ва хулосаларини тушунишга ёрдам беради, асарда ифода этилган воқеаларга муносабат уйғотади. Асар таҳлили ўқитувчидан ўқувчилар фаолиятини маълум мақсадга йўналтиришни тақозо қилади.

«Мактабда бадиий асарни таҳлил қилишдан асосий мақсад асарда ифодаланган ҳаётий воқеани ёритиш орқали ўқувчиларни бадиий адабиёт оламига олиб кириш, тасвирланаётган воқеаларга нисбатан муаллифнинг муносабати ва ниятларини пайқаб олишга имконият яратишдан иборатдир. Ўқувчиларнинг ёзувчи олдинга сурган гоя, муаммоларни тўлиқ тушунишларига эришмай туриб, адабиётнинг ёшларни тарбиялашдаги вазифасини амалга ошириб бўлмайди»⁸.

Ўқувчи асарнинг мазмуни билан уни мутолаа қилиш пайтида танишса, таҳлил қилишда унинг поэтик воситаларига мурожаат қилади. Мутолаа ҳиссиётни бойитиб, ақлни пешласа, таҳлил асар замиридаги маънони чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Ўқитувчи бадиий асар устида ишлашда қуйидаги масалаларни ҳал қилиши лозим:

1. Асар устида ишлашнинг мақсад ва мазмунини аниқлаб олиши.
2. Асарни таҳлил қилиш учун дарс босқичларини белгилаб олиши.
3. Ҳар бир асар таҳлили учун топшириқлар тизимини ишлаб чиқиши.
4. Асарни қандай методлар асосида ўрганишни аниқлаши.
5. Ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма ва малакалар доирасини белгилаб олиши.

Бошланғич синфларда бадиий асар устида ишлаш уч асосий босқичга бўлинади:

⁸ Зуннунов А. ва бошқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1992. 160 - бет.

Биринчи босқич (*биринчи синтез*). Бу босқичнинг асосий вазифаси матнни яхлит идрок этиш асосида асарнинг аниқ мазмуни ва тасвирий ифода воситалари билан таништиришдан иборат.

Иккинчи босқич (*анализ*). Бу босқичнинг вазифаси ва иш мазмуни воқеалар ривожининг боғланишини белгилаш, иштирок этувчи шахсларнинг хулқ-атвори ва уларнинг асосий хусусиятларини аниқлаш (нега шундай қилди ва бу унинг қандай хусусиятини очади), асар композициясини очиш (тугун, кульминацион нуқта, ечим), асарнинг аниқ мазмунини тасвирий воситалар билан бирга таҳлил қилиш ва қаҳрамонлар хулқ-атворини баҳолаш (муаллиф нимани тасвирлагани, қандай тасвирлагани, нима учун у ёки бу далилни танлагани)дан иборат.

Учинчи босқич (*иккинчи синтез*). Бу босқичнинг иш мазмуни иштирок этувчи шахсларнинг муҳим хусусиятларини умумлаштириш, қаҳрамонларни таққослаш ва баҳолаш, асарнинг ғоясини аниқлаш, бадий асарни ҳаётни билиш манбаи ва санъат асари сифатида баҳолаш (қандай маълумотларга эга бўлди, асар нимага ўргатади, муаллиф ўз фикри ва таассуротларини қандай қилиб аниқ, равшан ва таъсирли тарзда етказди ва хоказо)дан иборатдир.

Иккинчи синтездан сўнг ўқилган асарга боғлиқ ҳолда ижодий характердаги ишлар ўтказилади.

Асар мақсадга мувофиқ таҳлил қилинса, ўқувчилар фаоллиги ортади, чунки асарни таҳлил қилиш улар учун ижодий жараёндр.

Бадий асарни ўқишга тайёргарлик. Асарни ўқишга киришишдан олдин ўқувчиларни бадий асарни ўқишга тайёрлаш лозим бўлади. Чунки ўқувчилар асар мазмунини тўғри идрок этишлари учун ҳаёт ҳақида маълум тасаввурга эга бўлишлари зарур. Бунинг учун тайёргарлик ишлари ўтказилади.

The title is framed by two large, dark blue brackets. The left bracket is on the left side, and the right bracket is on the right side, both pointing towards the center where the title is located.

КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

• "Кейс-стади" методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде кўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс-стади” методини амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний ҳулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

МЕТОД БОСҚИЧЛАРИ



I-Кейс Бошланғич таълим фанларини ўқитиш жараёнида анъанавий ва ноанъанавий таълим технологиялари афзаллик ёки камчиликлари. Сизни фикрингиз?

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Таълим сифат ва самарадорлигини оширишда анъанавий ва ноанъанавий таълим технологиялари афзаллик ёки камчиликлари	<p>Анъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқитишнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир.</p> <p>Ноанъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида ўқувчи шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.</p>	<p>Ноанъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида ўқувчи шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.</p>

1-Кейс топшириғи: Инноватсия ва инноватсия ўртасидаги фарқларни топинг. Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:

Асосий фарқлар	
Инноватсия	Инновацсия

Ўқитувчининг жавоби:

Асосий фарқлар	
Инноватсия	Инноватсия
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади; 2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади; 3) методлар янгиланади; 4) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

2-Кейс. Дарс жараёнини ҳамкорлик технологияси асосида самарали ва сифатли ташкил қилмоқчисиз, аммо Ҳамкорлик технологияси ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмассиз, дарс якунида сиз кутган натижага эришиш учун нима қилган бўлар эдингиз?

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Дарс жараёнини Ҳамкорлик технологияси асосида ташкил қилмоқчисиз, аммо Ҳамкорлик технологияси ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмассиз, натижага эришиш учун нима қилган бўлар эдингиз?	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси кўйидаги ғояларга асосланади: <ul style="list-style-type: none"> ➤ қийин мақсад ғояси; ➤ таянч ғояси (асосий тушунчалар, сигналлар); ➤ эркин танлаш ғояси (кўп масалаларнинг ичидан); ➤ катта блоклар ғояси; ➤ диалогли фикрлаш ғояси. <ul style="list-style-type: none"> • Билим олиш бўйича вазифани (муаммоли вазиятни) қўйиш; • Синфни ўқув 	Ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамда ўқувчиларнинг ўқувчилар билан биргаликдаги самарали фаолияти концепцияси, ижтимоий коммуникатив ва фикрлаш каби кўникмалар вужудга келади. ўқувчиларни олдиндан билимини мукаммалаштириб

	<p>мақсадларига мувофиқ бўлган гуруҳларга бўлиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Дидактик материални тарқатиш; • Гуруҳдаги ишни режалаштириш; • Топшириқни индивидуал равишда бажариш, натижаларни муҳокама қилиш; • Гуруҳнинг умумий вазифасини муҳокама қилиш (эътирозлар, кўшимчалар, аниқлаштиришлар); • Гуруҳ ишининг натижалари тўғрисида хабар бериш; <p>Гуруҳлар ишлари ва қўйилган вазифага эришиш тўғрисида умумий хулоса чиқариш.</p>	<p>уни самарали ва сифатли билимга эга бўлишга таъсир беради.</p>
--	--	---

3-Кейс. Бошланғич таълим фанларини ўқитишда ананвий таълим методи ҳамда инновацион таълим методларидан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
<p>Анъанвий таълим методи ҳамда инновацион таълим методларидан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари</p>	<p>Анъанавий таълим афзалликлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Аниқ, маълум тушунчаларни билиш, маълум кўникмаларга эга бўлиш 2. Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиш 3. Вақтдан унумли фойдаланиш 4. Аниқ илмий билимларга таяниш <p>Камчиликлари:</p>	<p>Иноватсион таълим методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқувчиларнинг машғулотлардаги фаоллашуви ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасининг ошиши 2. Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириши, ҳамкорлик юзага келиши; 3. Ўқитувчининг назорати барча ўқувчилар учун мотиватсия

